

37
А
Зебинисо
Аҳмедова



Бахт сари йўлак

Сизни
бахтли киладиган
ИНСОН

37

A-28

СИЗНИ БАХТЛИ ҚИЛАДИГАН ИНСОН

Зебинисо Ахмедова

«Адабиёт учқунлари»

Тошкент

2018



УДК: 67.7028

ББК: 37.24-2

A – 28

Сизни баҳтли қиласынан инсон / Зебинисо Ахмедова. – Тошкент.: «Адабиёт учкунлари», 2018 – 128 б.

ISBN 978-9943-4657-6-3

УДК: 67.7028

ББК: 37.24-2

ISBN 978-9943-4657-6-3

© Сизни баҳтли қиласынан инсон «Адабиёт учкунлари» «Ёшлар нигохи» 2018 – йил

ОИЛА ҚЎРГОНИДА

НУРЛИ ФАЙЗ СИРИ

Кампир секин хонасидан чиқди. Залдан невараси ва келинининг овози эшитилди:

– Ўғлим, дастурхон тайёр, овқатингни сузаб қўйдим, келиб еб ол, совиб қолмасин.

Кампир залга кирди, қишлоқдан олиб келган ёстиғига суяниб, секин ўтирди.

Бувисини кўрган бола:

– Буви, келинг бирга овқатланамиз, – деди.

Кампир уҳ тортди.

– Уйнинг эркаги келмасдан олдин дастурхонга ўтирилмайди. Олдин даданг келсин, кейин бирга овқатланамиз, – деди.

Келин:

– Э-э, бувижон, у замонлар ўтиб кетди. Ҳозир қорни оч одам дастурхонга ўтиради. У келгач ўзи еб олади, – деди. Кампир:

– Қизим, инсоннинг одоби, ҳаёси, иффати бўлганидай, ўйларнинг ҳам иффати ва одоби бор.

Неваранинг сабри чидамай гапга аралашди:

– Бувижон, нима экан бу ўйларнинг иффати? Тушунтириб беринг, мен қизиқиб қолдим, – деди.

Кампир гапини узоқдан бошлади:

– Биз кичик пайтимизда онамиздан олдин дадамизниң қаршисида ўзимизни одобли тутишни ўрганардик.

Ота-онамиз уйдалигига оёғимизни узатиб ўтирмасдик, катталар гапираётган пайтда гапиришга навбат берилма-гунча гапга аралашмасдик. Катталаримиз хонага кирганда дарров ўрнимиздан туриб, уларга ўтириш учун жой берардик. Дадамиз дастурхонга ўтирмагунча нонга қўл узатмасдик.

Дадамиз келиб, “Бисмиллоҳ”ни айтар, “Қани олинглар”, дерди. Шундан кейин ҳаммамиз овқатланишни бошлардик. Овқат еб бўлгач, ака-укалар навбат билан дуо ўқирдик. Оила билан жамликда овқатланишдан лаззатли онлар борми бу дунёда? Бу дастурхон атрофида ўтириш одобидир, ўғлим.

Невара:

– Бунчалик босим остида депрессияга тушмасмидингиз бувижон, – деди.

– Йўқ, бизнинг замонамизда хурмат бўлгани учун севги абадий эди. Севги бўлгач, депрессияга тушган одам бўлмас эди. Овқатлар лаззатли, уйқулар ором берувчи эди. Биласанми, мен депрессия деган сўзни биринчи марта бу ерда эшиздим.

Ҳозир ҳеч бир нарсага хурмат қолмади. Бу шаҳарда ҳатто ўйларга ҳам хурмат йўқ. Кеч кирганига қарамасдан ҳеч ким пардаларни туширмайди, уйнинг ичи кўриниб турди, лекин ҳеч ким уялмайди. Биз кун қорая бошлиши билан қалин пардаларни ёпар, кейин чироқ ёқардик. Ҳатто парда ёпиқ ҳолатда ҳам кийим алмаштиришга уялар эдик, олдин чироқни ўчириб, кейин кийим алмаштирадик. Ташқаридан соямиз кўриниши мумкинлигини ўйлаб юзимиз қизариб кетар эди.

Шу пайт келин ўтирган еридан турди, истар-истамас залнинг пардаларини ёпди.

— Уйнинг одоби пардаси ёпилган-ёпилмаганидан билинади, дер эди ота-боболаримиз.

Уйлар баланд деворлар билан үралган, ҳовли ичидаги бўлишига қарамасдан ҳеч ким ич кийимларини ўртада осиб қўймас эди, ҳатто уй ичидағилардан уялишарди. Мен кичкиналигимда ич кийимни нинди олд томондаги дорга осган эканман. Дарров онам келиб: “Қизим, бугун даданг ҳовлига чиқди. Сенинг кийиминг осилиб турган эди. Уялганимдан ер ёрилмади, ерга кирмадим. Бундан кейин бунаقا жойга осма. Энг орқадаги ипга осиб қўй. Устига бир нарсалар ёпиб қўй, остидаги кўринмасин. Иффатимиз, одобимиз кетса, имонимиз қолмайди”, — дедилар.

Мен у пайтда 12 ёшларда эдим. Онам менга бу гапларни айтаркан, роса уялганман. Ҳозир шунақами? Ўтган куни озгина тоза ҳаводан нафас олай деб балконга чиқдим. Рўпарадаги қўшни ипга барча кийимларини осиб қўйган экан, уялганимдан уйга қайтиб кирдим.

Бугун овқатлар ташқарида ейилаяпти, “кўз ҳаққи” бўляяпти, ҳеч ким буни эътиборга олмаяпти. Бозордан олинган нарсалар ҳар хил чиройли пакетларда уйга олиб келингапти, буни олишга курби етадиганлар бор, курби етмайдиганлар бор.

Уйнинг яна бир одоби борки, энг асосийси ҳам шу, менимча. Уй ичидаги еб-ичилган нарсалар, муносабатлар, можаролар ташқарига олиб чиқилмайди. Бу уй иффати ҳисобланар ва ҳеч кимга айтилмас эди.

Шунинг учун муаммолар уй ичидаги осонликча ҳал этилар эди. Зотан Пайғамбаримиз хусусан эр-хотин орасида бўлган нарсаларнинг атрофдагиларга ёйилиши

катта гуноҳ эканлигини ҳадисларида айтиб ўтганлар, шундай эмасми, Лайло, – деди келинига.

Лайло “Ҳа, бувижон” дея олди, холос.

Катта бир корхонада қурувчи бўлган экан. Бутун умр катта ва кичик иншоотлар қурилишига бош бўлган бу одам қарилек нафақасига чиқиши керак бўлган вақт етиб келганини тушунибди. Ўша кунларнинг бирида бошлиқ чақириб катта эмас, кичик эмас, бир уй қуринг, дебди.

Қурувчи бу таклиф охирги иши эканлигини тушунибди. Иш бошланибди, аммо қурувчининг хаёли нуқул нафақага кетиши ҳақида бўлар экан. Шунинг учун ҳам бу уйни қўл учида қурибди. Охирги ишини топшираётганда унга бошлиқ:

– Бутун умр қурувчилик қилдингиз бу охирги қурган уйингиз ўзингиз учун эди! Бу биздан сиз учун тухфа! – дебди.

Ҳамма қарсак чалиб юборибди. Қурувчининг кўзига ёш келибди. У ўз ўзини алдаганига йиғлабди.

Биз ҳаммамиз ўз ҳаётимизнинг қурувчиларимиз! Қўл учида қилинган ишлардан ўзимиз азият чекамиз! Ҳаётингиз пойдеворини сидқидиллик, самимийлик ва холислик билан қуринг!

ИФФАТ НИМА?

Йигит ва қизлар улғайишар экан, фитрий (инстинктив) равишда ўзларига жуфт қидиришади, ўз ҳиссиётлари учун объект топишга интилишади. Бирок кўпинча жисмоний майл руҳий майлдан устунлик қиласида ва йигит ёки қиз ўзи танлаган инсоннинг ўз ҳиссиётларига қанчалик муносиблиги ҳақида ўйлаб

күрмайди. Йигит ёки қизнинг ақл-фаросати жисмоний майлни жиловлашга ожизлик қылса, бу давр күплаб хатоларга олиб келиши мумкин.

Ўсмирнинг заковати қанча паст бўлса, жисмоний майл шунчалик суст назорат остида бўлади, унинг ахлоқи ҳам маънавий жиҳатдан шунча бекарор бўлади. Йигит ёки қизнинг инсоний ғуури, ҳамияти, номуси, виждони етарлича шаклланмаган бўлса, у ўзига ҳеч қандай мажбурият, масъулият юкламайдиган муносабатлар ўрнатишга интилаверади. Бундай ёшлар ўзидаги шаҳвоний ғайратни бирорта ақлий ёки жисмоний меҳнатга йўналтириш ўрнига, никоҳсиз севгига эришишга ҳаракат қиласидилар. Бундай йигитнинг маънавий устунлари қанчалик паст бўлса, у ўзи топган қизни ёмон йўлга бошлайверади. Кўпинча бунда алдовни ёки севги ва вафо ҳақдаги ёлғон қасамларни ишга солади.

Тўғри, баъзан қизга севги изҳор қилаётган йигитча айёрлик қилмайди, лекин орадан бир оз вақт ўтгач, бундай йигитлар қиздан совиб қолиши ҳам мумкин. Қизни ташлаб кетар экан, йигит тахминан шундай фикр юритади: “У мен билан шу қадар осонлик билан қовушдими, демак, бошқалар билан ҳам шундай яқин бўлиб, менга хиёнат қиласиди. Қизларда эса илк севги жуда чукур из қолдиради, улар йигитлардаги совукликни фожия деб қабул қиласидилар”.

Никоҳсиз ишқий муносабатлар эса ҳар доим қоралаб келинган.

Ёшларимиз никоҳ ва оила масалаларига масъулиятысиз қараш маънавий устунларни емиришдан ташқари, бир қатор шахсий фожиаларга ҳам олиб келишини билишлари керак. Бундай фожиа нафақат йигит ва қизнинг,

балки ўша никоҳсиз алоқа туфайли туғиладиган боланинг ҳам қалбини жароҳатлайди. Айниқса, бола ҳали ўзлари ҳам ўсмирлик ёшидан ўтмаган, фарзанд тарбиялаш учун ҳеч қандай имконияти бўлмаган отонадан туғилса, бундан ёмони йўқ. Бу нарса боланинг келгуси ҳаётига жиддий таъсир кўрсатиши, онанинг саломатлигига эса оғир талафот етказиши мумкин.

Қизларимиз бир гулдан иккинчисига пириллаб учиб ўтаётган йигитларнинг қалби қорайган бўлишини, чукур ва нозик ҳиссиётларни англашга қодир эмаслигини билишлари керак. Бундай нозик ҳиссиётлар эса фақат икки томонлама ҳақиқий севгидагина, ўзаро ҳурмат, дўстлик ва мутлақо поклик, тўғриликкагина асосланган соғ муҳаббатдагина бўлади. Фақат худбин кимсаларгина, буюк инсоний баҳтга муносиб бўлмаган, бунга қодир ҳам бўлмаган, аксинча, бирорларга фақат баҳтсизлик келтирадиган кимсаларгина ҳаётни ёлғон асосида курадилар.

«Инсон ўз тақдирига ўзи жавобгар», дейишади. Қизлар пуч одамларнинг қурбонига айланиб қолишлари мумкинлигини ҳамиша ёдда тутишлари керак. Бир киши билан тақдирингни боғлашдан аввал унинг феъл-атворини, характерини, дунёқарашини, қизиқишлирини ва айниқса, ақл-заковати, фаҳм-фаросатини ўрганиш керак. Зоро, ақл ва қабоҳат бир жойда бўлмайди. Агар номзод калтафаҳм одам бўлса, ундан мутлақо умид йўқ.

Юксак, гўзал ҳиссиётлар фақат мусаффо, беғараз севгидагина вужудга келади. Бундай севги эса фақат олижаноб, юксак ахлоқли, инсоний қадр-қиммати бор, ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қилувчи инсонларгагина хосдир.

Бахтсиз оиласларнинг аксариятида эркакнинг жисмоний майли юксак түйғулар ва ички назорат, виждон, орият тушунчаларидан устун келган бўлади. Инсонда беғараз севги ҳисси қанчалик ривожланмаган бўлса, унинг ички дунёси, ички маданияти қанчалик саёз бўлса, бундай тушунчалар унда шунчалик заиф бўлади.

Жинсий майлнинг руҳий кучи ана шу руҳиятнинг қайдаражада тарақкий этганига боғлик. У қанчалик яхши ривожланган бўлса, майлнинг ҳиссий жиҳати ҳам шунчалик кучли бўлади. Руҳияти яхши ва соғлом шаклланган инсонларнинг ҳиссиёти бошқа барча ҳистийғу ва майллардан устун бўлади. Айтиш керакки, бу борада аёлларнинг руҳий-эмоционал түйғулари эркакларнидан кўра кучли ривожланган бўлади, шунинг учун эркак кишининг пасткашлик қилиши, номардлик қилиши аёлни ғоятда таҳқирлаб, қалбини яралайди. Эркакларнинг қабиҳлик қилиши билан боғлик турли жанжаллар аёлнинг руҳиятида оғир асорат қолдириб, ҳатто унинг саломатлигига, айниқса, асаб тизимига путур етказади. Шунинг учун ҳам айнан севимли кишисининг қўпол хатти-ҳаракати туфайли етган руҳий зарба оқибатида аёлларда неврозлар, неврастения ва оғир руҳий касалликлар эркаклардан кўра кўпроқ учрайди.

Эркак киши севган аёли билан турмуш курмоқчи бўлса-ю, бироқ уни қандайдир сабаб туфайли ҳозирча расмийлаштиришга имкони бўлмаса, бундай ҳолларда ундан мулойимлик, одоб ва ҳатто назокат талаб килинади. Эркак киши бундай ҳолларда аёллар эркакларга қараганда оғирроқ ва ҳақсизроқ ҳолатга тушиб колишларини унутмасликлари керак. Бундай севгининг

оқибати аёл учун оғир юқдир. Бундан ташқари, анъанага кўра, бундай вазиятларда жамоатчилик инсонларнинг феъл-авторига жуда юқори талаблар қўйишини ва эркакдан кўра аёлни қаттикроқ қоралашини ҳам унутмаслик зарур. Агар аёл шунда ҳам ўша эркак билан никоҳсиз яшашга рози бўлса, бу нарса унинг қалбида кучли ҳиссиёт жўш урганидан далолат беради.

Мана шунинг учун эркак маҳбубасига нисбатан одобва назокат билан муносабатда бўлиши керак.

Агар оила бир томоннинг ишончи ва севгиси, бироқ иккинчи томоннинг ёлғони ва ҳайвоний шаҳвати асосига курилса, буни инсофли, виждонли кишиларнинг инсоний муносабатлари деб аташ мумкин бўлмай қолади. Ёлғон ҳар қандай ҳолатда ҳам пасткашлик ва разолат аломатидир.

Аёлга нисбатан пасткашлик қилиш эркакнинг инсон сифатида нақадар қабиҳлигини кўрсатади. Зоро, инсон бир пайтнинг ўзида бир масалада пасткаш ва бошқа бир масалада олижаноб бўла олмайди. Агар инсонда инсоний ғуур, ҳамият бор бўлса, бу хислатлар унда уйда ҳам, ишда ҳам, олди-сотдида ҳам, севгида ҳам акс этиб туради.

СИЗНИ БАХТЛИ ҚИЛАДИГАН ИНСОН

Чумчук жуфтини соғинса, кўзидан ёш оқаркан, бу кўз ёш томчиси чумчуқнинг нобуд бўлишига сабаб бўларкан...

Яралмиш мавжудотлар ичida фақат инсон юрагигина бир томчи кўз ёш пайдо қилувчи севгичалик сева олар экан...

Сизни севган инсонда сизни баҳтли қилиши мақсади бўлса, бу ҳақиқий севгидир.

Ёнингиздаги эркак сиздан куч оляптими, демак, сиз уни севяпсиз.

Ёнингиздаги аёл сизнинг борлигингиздан кучсизланяптими, демак, уни сиз севмаяпсиз.

Севги – икки қалбнинг түғёни. Агар севги фақат битта қалбда түғён урса, бу яхши кўрмоқликнинг бир дарајаси, холос. Битта инсон қалбидаги түғён ҳали севги даражасига етган эмас.

Севги – икки инсоннинг бир-бирига бўлган ҳурмати, бир-бирини ҳимоя қилиши, бир-бири учун жавобгарликни ҳис этиши, раҳм ҳисси билан боқиши, кечира олиши, салбий томонларини яхшиликка йўйиши, эркинлигини таъминлаши, фахрланиши ва энг асосийси, бир-бирига ишониб аҳиллик билан ҳамда завқланиб яшшидир.

Севгининг учта таркибий қисми бор:

- боғланиб қолиш;
- ҳимоя қилиш;
- ишонч.

“... Ишим яхши бўлиб кетса, сени “ойга” олиб чиқаман” – бу яхши кўриш.

“... Ҳозирча бор пулим шу, пулни олгин ва муаммоингни ҳал қил...” – бу энди севги.

“... Сен менинг айтганимни қила олганингда эди ...” – бу яхши кўриш.

“... Биз бир-биrimизни тушуниб, бу ишни уddyалай оламиз ...” – бу севги.

“... Мен учун ишингдан, яқинингдан воз кечасан ...” – ўз ўзини худбинларча яхши кўришдир.

“... Мен учун яқинларинг билан келиша олишинг керак ...” – бу севгиданда юқори бўлган туйғу.

Севги кўнгилнинг жонсарак хаёллари эмас, бу ҳимояга отланиш, хурматга эришиш, севган инсонингга орият бўла олиш йўлидаги ҳаракатлардир. “Сен менга кераксан!”, “Доим ёнимда бўлишингни истайман!” дейдиганлар севгилисидан, у билан бирга эканлигидан куч олади. Севган инсон севгилисини танасининг, руҳиятининг бир бўлаги сифатида танийди. Демак, севги муносабати ва севгисиз муносабат фарқланади.

Севгисиз муносабат бу келишув асосидаги муносабатdir. Эр-хотин фарзандлар, оила учун бир-бирини тушуниб яшар экан, улар ўртасида севги эмас, келишув бўлади. Келишув оила қадриятларини саклаш, фарзандларни вояга етказишдаги расмий муносабатларнинг кетма-кетлигига айланади. Баъзан севги бор-у, келишув бўлмайган ҳолатлар учрайди. Бунда севги фарзанд тарбиялаш, ота-оналик масъулияти, уй-жой қилиш мақсадлари билан мустаҳкамланмаган бўлади. Бу севги қадриятлар билан уйғунлашмаганлиги учун охири севгилисидан воз кечиш ҳолати билан якунланади.

Қадриятларга асосланган келишув эр-хотин ўртасида уйғунликни пайдо қиласди. Келишув асосида тузилган никоҳ эгалари баъзан фақат ота-она муносабатида ёки эр-хотин муносабатида бўлишлари мумкин, аммо аёл ва эркак муносабатидаги севги завқини унугиб қўйишади. Қадриятларга асосланган муносабат замираиди ирода, қатъият, орият, мақсад кабилар ётади. Севги эса кўнгил туғёни бўлиб, у қадрият пайдо қилиш ва ушбу қадрият

учун янги келишув имзолашни ҳамда шу асосда муносабатни шакллантиришни талаб этади.

Психолог қабулидан лавҳа:

Биласизми? Ҳаётим яхши, хотиним чиройли, болаларим “аъло” баҳоларга ўқишиади. Уйимда меҳмонлар учун эшигим очик, дастурхоним ёзиғлиқ. Эр-хотин уришимаймиз, яқинлик муносабатларимиз ҳам ўрнида. Аммо яшаши учун бошқа бир аёл мени завқлантира-ётганини ўзим тушунмай қолдим...

Психолог сўзи:

Эркак кишида кўнглига завқ берадиган, куч ато этаётган аёл билан биргаликда катта мақсад кўя олиш иллюзияси пайдо бўлади. Аёлда ҳам катта мақсадларни қўйиш учун ишонч туйфуси иллюзия тарзida шаклланади. Агар бу аёл ва эркакнинг қадрияти бошқа қадриятларга зиён етказмаса, муносабат шаклланади. Биринчи оиласидаги муҳит, шароит ва қадриятларга ўзгартириш кирита олмаслик чорасизлигини аёл билан шакллантириладиган муносабатлар ҳал этадигандек кўринади. Бу аёл билан муносабат ресурси эркакнинг интилишларга куч берадигандек гўё. Бу нималарга олиб келиши мумкин? Аёл бундай муносабат ресурсига тайёр эмаслигини, эркак эса янги қадриятларни эскисига путур етказиш йўли билан буза олмаслигини тушунади ва айрилиқ рўй беради.

Эр-хотин ўртасидаги муносабатларда муаммонинг келишув йўли билан ечилиши қадриятларнинг устунлигидан далолатдир.

Келишувга асосланган муносабатда эр-хотин ўз борлигини борича намоён қиласди. Бу камчилик иккинчи томон кучи билан яширилади ва ечим топилади.

Келишувсиз севги муносабатида яхшиланишга интилиш пайдо бўлади. Ўзининг ижобий қирраларини шакллантиришга куч пайдо бўлади.

Оилада кўниш, сабр қилиш, қадриятларни топтамаслик келишув асосидаги муносабатлардир. Бу муносабатда эркак ва аёл бир-бирини завқлантирса, демак, мазкур муносабатда севги мавжуд. Иложсизликдан сабр қилиш, иложсизликдан қадриятлардан кеча олмаслик, иложсизликдан келишиб яшаш, завқсиз муносабат катта мақсад сари интилиш учун журъат пайдо қилмайди.

Агар ғайриихтиёрий тарзда севсангиз, ўша одамни борлиги учун завқланиб, шундан куч олсангиз, бу яхши. Қадрият учун ўзингизга ёқмаган инсонни кечириб кўринг-чи! Мақсадингизни сақлаб қолиш учун сизга муаммо туғдираётган одамни севиб кўринг-чи? Нафратингизни қўзитаётган инсонга фақат келишув асосида муносабат билдирамасдан, унга нисбатан раҳмдил бўлиб кўринг-чи!

Келишувга асосланган муносабатда икки тараф келишувга қўшган ҳиссасини баҳолай бошлайди. “Мен аслида унга мос эмасман”, дейиш ўзини айблашга, мендан фойдаланди деб хафа бўлишга, шу муносабатга кўниш эса завқсизликка олиб келади.

Завқсиз яшаш – тананинг тириклиги, руҳнинг ўлганидир.

“... Эримнинг иши ўхшамаслиги билан нима ишим бор, мени боқсин...” дейиш раҳмсизликдир. “...Эримнинг иши ўхшамаяпти, уни қутқариш учун ўзим ишлайман...” дейиш эрни ўғилга айлантиришликдир. “... Хотиним

болаларимни тарбиялай олмайди, лекин уларни онасиз қолдира олмайман ...” дейиш иложсизликдан юзага келадиган муносабатдир.

Бир инсонни юрагингизга жойлаш, жонингизнинг бир бўлаги деб қалбингизнинг тўридан жой бериш – юксак даражадаги ишончdir.

Intimus – “интим” сўзи “энг ички” деган маънони билдиради. Инсон ўзи ишонган яқин одамининг ички сифатларини тушуна олиши, кечириши ва охир-оқибатда завқланиши интим яқинлик дейилади. “Интим” сўзи аввало руҳий яқинлик деган маънони англатади.

Ички тугёнларини айтишдан хавфсирамаслик, уни ўзи каби тушунишларига ишониш – интим яқинликдир.

Интим яқинликда бир-биридан сири бўлмаслиги ва ўша сирини айтишдан ҳузур топиши, бирорнинг ҳимоя қилишига ишониш (кимнингдир ҳимоясида эканлигидан завқланиш) асосий завқقا айланади.

Сизнинг муносабатингиз қайси келишувга асосланган экан – мажбуриятгами? Сиз мажбурмисиз ёки муносабатингиз иложсизлик асосига курилганми? Ёки қадриятлар ва ориятгами? Завқингиз сўниб руҳиятингиз жонсизланганми? Сиз ўша “ёмонингиз”га раҳм билан боққанда бир яхши кўриб кетинг-чи... Ўша “ёмонингиз”нинг иложсизлигига нималар сабаб бўлаётганлигини бир баҳоланг-чи! Уйдаги эркагингизга “эҳсонбой” бўлинг, ширин гапларни эҳсон деб айтинг. Кечиримли бўлишликни руҳан кучлилик, кечира олмасликни эса руҳий ожизлиб деб билинг. Аёл билан муносабат килиш уни ўзингизга

сажда қилдиришга эришишлик эмас, аёлнинг борлиғига куч ато этиш, рухиятида завқ пайдо қилишликдир. Эрингизга “борим шу...”, “ёшлигимни бердим...”, “ишингни қилдим...” дейиш билан фақат ўзингизга нисбатан хурматсизлик қилган бўласиз. Ўзини ҳурмат қиладиган аёл аввало ўз устида ишлайди. Кўзгуга бир қаранг, ташки кўринишингиз ўзингизга қанчалик ёқади? Қачон охирги марта китоб, газета ўқидингиз? Қачон ҳунар эгаллаш учун вакт ажратдингиз? Кийимингизнинг шоҳоналиғи-сарф килинган маблағингизнинг чиройлилигидандир. Лабингиздаги чиқаётган чиройли сўзлар тилин-гизнинг шоҳоналигидандир. Фарзанд тарбиясидаги қасдингиз номингиз ва орияtingиз ишидир. Аммо бир инсон қалбига завқ бериш учун нима қилдингиз? Сизни шоҳона қилиб кийинтирган эркакка яна қандай талабларингиз бор? Севилиш ва севиш учун сизга нима етмаяпти? Балки ўша “иложсиз эр”ни кечириб кўрарсиз? Балки ўша “пулсиз эр”га ишониб кўрарсиз? Балки ўша “хиёнаткор эр”нинг бегона жойдан завқ излаганини тушунишга ҳаракат қилиб кўрарсиз...

Севги бобида инсон қалби бошқа инсон қалби учун бир марта ўлиб ва яна бир маротаба тирилиб кўради. Қалби ёшаради, кўзида меҳрдан, соғинчдан, уни кўрганидан хузур пайдо бўлади. Рухият, ақл ва тана севгилисинг борлиги, уни топғанлиги, нафаси нафасига урилгани учун бараварига роҳатланади...

Ўзингиздан кўра жуфтингизнинг сифатини кўра олинг, бу – севги. Сиз шу иложисизликда қолган, аммо сабр қилиб хотинингиз елкасида кўтараётган “юкка” чидармидингиз? Сиздек “хотини”ни “болаларимнинг онаси” деб асрарётган эркак иложисизлигига чидарми-

дингиз? Ўзингиздан ҳам устун сифатларини топган экансиз, ўша дамдаёқ жуфти ҳалолингизга бир томчи севгини инъом қилдингиз. Севги нега томчи билан ўлчанишини биласизми? Чунки севганда кўздаги ёш пайдо бўлгунича севиш мумкин экан. Соғинганда кўздан ёш томишигачалик соғиниш мумкин экан. Кечирганда, унинг йўқлигига кўниш даражасида ҳам кечирилар экан.

Психолог қабулидан лавҳа:

... Мен эрдан ажраганман. Ўн етти ёшимда мени “яши жой”га турмушига бериб юборишиди. Битта ўглим билан ота-онамнинг уйига қайтиб келдим. Ота-онам “Уйдаги келинга, ўғилга “ёмон” кўринмай қўяқол”, деб менга бир хоналик уй олиб беришиди. Мен ўз “аравам”ни торта бошладим. Негадир ёшлигимдан кўрқоқман. Коронги тушди дегунча ўглимни маҳкам бағримга босиб олар эдим. Болам катта бўлиб қолди. Кўрқувим ийқолмади. Болам ҳам ўзимга ўҳшаган қўрқоқми ёки менинг қучоқлаб ётишимга ўрганганми, билмадим опажон... Унинг овози дўрилаб қолгани, бўйи ўсгани мени ва ота-онамни қувонтира бошлади. Аммо болам мен билан бир тўшакда ва яна қўрқув ҳисси билан ётади...

Психолог сўзи

Болангизни қанчалик севасиз? Болангизни ким сифатида севасиз? Она сифатида меҳр берасизми?

“Бундан бошқа севги ҳам бўлиши мумкинми?” дейишингиз табиий. Келинг, бир бошдан мушоҳада киласилик.

Шу ўринда психолог сифатида сизларга, муҳтарам ота-оналарга маслаҳатларим бор:

INVENTAR № 12928 17

SIYASAT MAMANI
AKBORG'UMUZ KUVONI
MARKAZI
№ 729 - 2018

1. Ҳар бир уйда вояга етаётган ўғил эркакдир. Она сифатида ўз аёллигингизни унутманг ва уйингиздаги эркак-ўғилга уят ҳисобланган жойларингизни ёпган ҳолда мулоқотга киришинг.

2. Уятми, уятмасми, психолог сифатида айтай: ечи-наётганингизда, чўмилаётганингизда уйдаги эркаклар-нинг сизга кўзи тушмасин.

3. Ҳирс уйғотадиган хатти-ҳаракатлар, соч турмаклаш, сочингизни қуритиш, ўзингизга оро бераётганингизга уйдаги ўғлингиз гувоҳ бўлмасин. Айниқса, қизингизга бегона эркак (хатто акаси ёки укаси) кўзига бу хатти-ҳаракатларни кўрсатиш мумкин эмаслигини уқтиринг.

4. Ўғлингизни бағрингизга босиб ўпишингиз ҳам унинг баъзи ҳиссиётларини қўзгаши мумкин. Психологик нуқтаи назардан улғайган эркак организми аёллик гормони ҳидини “чорлов” деб адашиши мумкин. Шунинг учун ўғил болани жуда ҳам яқин ҳолда бағрингизга босманг. Уни эркак сифатида билинг.

5. Ётоқхонангизга фарзандларингиз фақат сизнинг рухсатингиз билан киришсин.

6. Эрингизни, хотинингизни фарзандлар кўз ўнгидага ўпманг, қучоқламанг, эҳтирос пайдо қилувчи хатти-ҳаракатлар қилманг.

Уйда ота бўлса, оиласа эркакона “ҳид” мавжуд бўлади. Бунда ўғил ўзини кимга ўхшатишни ўрганади. Ҳар бир уйинг “сайиди” бўлиши лозим. Ҳатто отаси ичкиликбоз бўлса ҳам, ўзи шундай одам бўлмасликни ўрганади. Отаси жанжалкаш бўлса ҳам, ўзи жанжалкаш бўлмаслик кераклигини ўрганади. Агар эр ўлган бўлса ёки ажрашган бўлса, бу ўринни “тоға”, “ота”, агар улар ҳам

бўлмаса, аёл томоннинг кейинги даражадаги эркаклари (амаки, холавачча) “Сайийд” бўлишади.

“Сайийд”ларга маслаҳатлар:

1. Уйдаги “аёллар” жамоасига маҳрамлик даражангизни тушунтиринг. Аёлингиз сиз учун маҳрамдир.
2. Қизингиз билан кўришаётиб уни ўпганингизда, кучоқлаганингизда сизни ота сифатида кўрсинг.
3. Уйда майкачан, “шортик кийган” ҳолда юрманг. Ҳаммомга кирганингизда ойнадан танангиз кўринмаслиги чораларини кўринг. Оёғингиз, очиқ елкаларингиз уйдаги аёл (қиз, меҳмон, қайнингил) номаҳрамларнинг кўзига кўринмаслиги ҳақиқий эрликдир.
4. Аёл танасидаги рецепторлар “эркак” ҳидига, кўз рецепторлари эса эркакона сифатларга уйғониши табиат конуни бўлиб, фақат тарбиявий софлик буни ҳалол дараҷада ушлаб туради.
5. Уйда ва кўчада сиз саййид бўлган аёллар (хотинингиз ва қизингиз) кийинишига масъул бўлинг.
6. Оила аъзолари олдида аёлингиз билан сўзлашганда эҳтиросли гапларни айтишдан тийилинг. Фарзандларингиз олдида жанжаллашманг. Қизингиз ва ўғлингиз олдида хурматингизни сақланг.
7. Сайийдона қарамоғингизда синглингиз ёки опангиз бўлса-ю, уларнинг оиласидаги тарбия сизни ўйга солаётган бўлса, тез-тез хабар олинг ва “йигитча” бўлиб қолган жиянингизни эркак қилиб тарбияланг.
8. Қизингиз билан синфидағи “севишиш”лар ҳақида очиқ гаплашманг. Ўғлингизга ҳам бу “севишиш”лардаги чегара ҳамда чекловларни “кўрқитишлар”сиз тушун-

тииринг. Мактабдаги севгининг хавфли жиҳатларини уни кўрқитмасдан айтиб беринг.

Бир замонлар жуда оқила, адолатли ва муслима аёл бўлган экан. Унинг икки ўғли бўлиб, уларни доим дуо қиласаркан. Она ўғилларига солиҳа келин келишини тиларкан.

Ўғиллар катта бўлибди. Катта ўғли оила қурибди. Тўйнинг эртасига аёл келинини ҳузурига чорлаб шундай дебди:

— Қизим бугундан бошлаб кўзимни нурини сизга омонат топшираман. Уни йиллар давомида асрарим ва бугун тушуниб етдимки, уни айнан сиз учун асраган эканман. Мен унинг онасиман, у учун энг азиз инсонман. Унга умрим давомида қўлимдан келган барча яхшиликларни қилдим. Нима учун, биласизми?

Келин жимгина ерга қараб бош иргибди.

— Ҳаётда якка-ю ягона ниятим жигарбандим баҳтли кўриш эди. Уни бир умр баҳтли бўлишини дуо қилдим ва ўзим унинг баҳтсизлигига сабабчи бўлишдан паноҳ сўрадим. Шу йиллар давомида ҳаётда адашмаслик учун озми-кўпми илм олишга интилдим. Кўп нарсалардан боҳабар бўлдим. Йиллар давомида ўқидим-ўргандим ва ҳеч қаерда келин қайнона-қайнотасига хизмат қилсин, уларни баҳтли қилиш аёлнинг бурчи, қозон-товор, кирчирдан боши чиқмасин, қайнонанинг чизган чизигидан чиқмасин деб ёзилмаган. Аёл эрига хизмат қилсин. Шундай экан, сиз бу уйга мен учун эмас, эрингиз учун келдингиз. Ягона ва асосий вазифангиз эрингизни баҳтли қилиб, солиҳ фарзандларни вояга келтиришдан иборат.

Бу йўлда сизга ҳеч ким ва ҳеч нарса тўскинилик қилмаслиги шарт. Бу дунёда ота ва она бор. Қайнона ва

қайнота – ота ва она. Яъни, сиз уларга ўз ота ва онангиздек қилгандек муносабатда бўлишингиз керак. Қайси фарзанд ота-онасига мажбурлик ё иложисизликдан хизмат қиласди? Қайси фарзанд ота-онасини беҳурмат қиласди? Аксинча, ҳар бир фарзанд ота-онасини меҳр билан парваришлайди, қалбидаги битмас муҳаббат билан хизматига шай туради, албаттаги мен солих, охиратини ўйловчи фарзандларни назарда тутяпман.

Қизим, мен йиллар давомида сизсиз яшадим. Менга сизнинг хизматларингиз чикора. Мен рўзгор ишларини умр бўйи бажардим, бундан кейин ҳам бажара олишимга шубҳангиз бўлмасин. Сиз ўғлимга хизмат қилишга келдингиз, фикр-хаёлингиз боламда бўлсин. Қайнонамдан балога қоламан деб фикрингизни мен билан банд қилманг. Бирон ишга рухсат олмоқчи бўлсангиз, аввало Эрингиздан олинг, у сизнинг хожангиз.

Сизга фақат бир нарсани эслатиб ўтмоқчиман. Биз Эрингизни энг яқин инсонларимиз. Аёл эрини севса, у севадиган ва қадрлайдиган ҳамма нарсани севади. Эрингизга шундай муҳаббат қўйингки, уни кўрадиган кўзларига айланинг. Ҳар гал у сизга қараганида ўзи севадиган жамиики жонзоту маҳлуқларга муҳаббатни кўрсин. Бу унда сизга нисбатан янада кучли муҳаббат ўйғотади. Ич-ичидан сиздан рози бўлади. Борди-ю, ўзи севган нарсаларни қадрламаслигингизни сезса, муҳаббати дарз кетади. Унинг яқинларига Аллоҳ розилиги учун чин меҳр ва ҳурмат билан муомала қилинг. Бизларни мажбуран эмас, Аллоҳ розилиги учун ҳурмат қилиб қадрланг. Ҳаёт қисқа, кўз очиб юмгунча сиз менинг ўрнимни эгаллайсиз. Келинларингиз билан муроса

йўлини қидира бошлайсиз. Шунда бу гапларни айтганимда мен нималарни ҳис қилганимни англайсиз.

Сизга ўз ҳаётингизни яратишингизга имкон бераман. Ҳаётни кўринг, қоқилинг, йиқилинг, лекин ўз ҳаётингизни ўзингиз кулинг. Мен эса сизга ёрдам керак вақтда дастак бўлай. Зинҳор мендан қўрқманг. Ягона орзуим – мен оламдан ўтгач, набираларимга раҳматли бувижонингиз яхши инсон эдилар, деб меҳр билан эслашингизни хоҳлайман.

Шу гапларни айтиб қайнона сўзига якун ясади. Ушбу ҳикоянинг энг асосий нуқтаси шу эдики, келин бўлмиш тўйдан олдин дугоналари ва яқинлари томонидан обдан пишитилган, қайнона ва эрни маҳв этиш режаларини тузиб, эр тизгинини қўлга олишга шай бўлиб келган экан. Улкан режалар гирдобида келган келинпошша қайнонаси хузурига чорлаганда энсаси қотибгина “Ҳозир маъруза эшитаман” деб ўтирган экан. Қайнонасини сўзларидан қалби юмшаб, қўзига ёш келибди. Ҳаётини бузук режалар билан бошламоқчи бўлгани учун виждони қийналибди. Қайнонасининг доно аёллигига тан берибди. Шу аёлнинг дуосини олиб, уни рози қилишга онт ичиди.

Орадан йиллар ўтибди, турмушлари эл қатори ўтибди. Қийинчиликлардан ҳам, турмуш “муштлари”дан ҳам бебахра қолишмабди. Аммо ҳар сафар бошига иш тушганда қайнонасининг гапларини эслаб, келин оғирликларни енгаркан. Қайнона оламдан ўтган бўлсада, ҳар гал шу муштипар аёлни эсласа, қалбida меҳр түғён уриб, қўзига ёш қалқиркан. Ўзи ҳам худди қайнонасидек аёл бўлишга онт ичаркан.

Хурматли ўкувчи, ҳаёт шу қадар қисқаки, шу қисқа умрни яхшилик ва меҳр кўрсатишга сарф этайлик.

Маликаларимга маслаҳатларим

Хар бир уйнинг маликаси оиланинг шаъни ва миллатнинг келажагидир. Сизнинг қандайлигингиз оилангизнинг қандайлигидан далолат беради. Оиланинг сultonи ота ва акага ҳамда укага оталиги, акалиги, укалиги ҳурматини қилиб боқинг.

1. Малика ўзининг маликалигини кўз-кўз қилади, танасини эмас. Тана ёпилганда гўзал бўлади. Яъни, тор кийим, калта юбка киймасангиз, барчанинг кўз ўнгидагўзал ахлоқли малика бўлиб қоласиз.

2. Малика “шоҳона” муносабати билан малика. Шоҳнинг қизига ҳамма ҳам кўз ташлай олмайди. Буни унутманг.

3. Ака ва укангиз олдида ўзингизни “йиғишириб” ўтиришни касб қилинг. Ечинаётиб, ювинишга кираётиб ўзингизга хавф туғдирмаслик чораларини кўринг.

4. Ота ва акага эркаланиш уларни ҳурмат қилишадир. Отани ҳурмат қилиш унинг кўзига тик қарамасликдир.

5. Мактабдаги ўғил болалар ва эркак устозлар олдида ўзингизнинг хатти-ҳаракатларингиз билан отангиз, укангиз шаънини кўчага чиқараётганлигингизни билинг.

6. Маҳалла-кўйда ориятингизни сақлаш ва оилангизнинг ҳурматга сазовор бўлиши сизнинг қўлингиздадир.

Оиланинг валиаҳди – ўғилга маслаҳатларим

1. Эр киши – ҳимоячи, у ориятни елкасига кўтариб юрадиган инсондир, буни ёдингиздан кўтарманг.

2. Синглингизга “тўғри юр” деб айтишдан олдин ўз телефонингиздаги сизга ва оилангизга хавф туғдириши мумкин бўлган ориятчил расм ва видеоларни ўчиринг.

3. Уйда ялангоч юриш синглингиз ва онангизга бехурматлик эканини ҳис қилинг. Ҳақиқий эр танасини кўз-кўз қилмайди, ориятини ҳимоя қиласди.

4. Уйдаги аёллар билан ҳурмат қилиб гаплашинг. Аёлларнинг жанжалларига, ғийбатига, тортишувларига аралашманг.

5. “Севгилингизни кўз-кўз қилманг. Унинг шаъни сизнинг ҳимоянгиздалигини тушунинг.

ЭРКАК АЁЛНИНГ НИЯТИГА ҚАРАБ ЎЗГАРАДИ

Агар аёл киши эрини ҳурмат қилмаса, уни ҳеч ким ҳурмат қилмайди!

Аёл киши эрига ишонмаса, бу эркакка ҳеч ким ишонмайди!

Аёл киши эридан айб топаверса, унинг жонкуярлигидан коникмаса, бу эркакдан бошқалар ҳам айб топади!

“Нега шу одамга тегдим! дедими аёл, шу гапнинг ўзи эркакнинг хиёнат қилишига йўл очилади!

Эркак кўчадан ўзига ёқадиган аёлни қидиришига сабаб рафиқасининг нияти бузилишидир. Демак, аёл биринчи бўшлиб хиёнат кўchasига кирган ҳисобланади.

Аёл турмуши ўртогига меҳр беролмадими? Эркак бу меҳрни кўчадан қидиради!

Аёл киши эрига қалбини тўлиқ очмас экан, эркак ҳам шунчалик тошбағр бўлиб қолади. Эрингизнинг юрагидан жой олмас экансиз, чўнтағи ҳам сизники бўлмайди.

Аёл киши ўзини қанча эркин сезса, эркак жавобгарликни шунчалик ҳис қилмайдиган дангасага айланади.

Аёл киши қанчалик тез хафа бўлса, эркак шунчалик газабкор бўларди.

Аёл киши эрига қулоқ солмаса ва ўзини эркак ўрнида тутса, эр аёлга айланиши керакми? Шу ондан бошлаб уни йўқотасиз. Эркак ҳеч қачон аёлга айланмайди ва уни эркак санайдиган аёл ёнига кетади. Ёки ўз эркаклигини ҳимоя қилиб, бу аёлга тазийқ ўтказа бошлайди. Уриш-жанжал пайтдан бошланади.

ҚЎП ГАПИРАДИГАН ХОТИН

“Сиз” кимсиз деган саволга ҳар биримиз албатта “Мен инсонман!” деймиз. Аслида муносабат бор. Бошқа ҳамма нарса шу муносабат устига қурилади. Сиз ташқи одам билан “Мен бойман” деб муносабатга киришиш учун пул топа бошлайсиз. Сиз ташқи одам билан муносабатда ўзлигингизни тан олдириш учун малакангизни ошириб зиёли бўласиз, машина миниш ҳам сизнинг ташқи одам билан муносабатингиз учун қулай вазиятни яратади. “Баъзи аёллар нега оғзи билан фикрлайди” деб ўйлайсиз? Стресс ҳолатида ҳар бир психотип ўзини ҳар хил тутади. Баъзилар қўп гапиришга, бўлган воқеа-ҳодисани ҳаммага айтиб беришга интилса, баъзилар ўз ичига ўралиб олиб вазиятни ҳазм қилишар экан. Овқат ҳазм қилинганидек, ҳаётда бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳам ҳазм қилиниб, унга муносабат билди-

рилади. Фақат баъзиларнинг бу воқеа-ҳодисаларни ҳазм қилиши юраги, ошқозони, ўпкаси, кўзи билан эмас, гапириши орқали бўлади. Айримлар юрагига яқин олади, айримлар кўп овқат ейишни бошлайди, яна айримлар йиғлаб ҳазм қиласди. Ўзининг қийин ахволдалигини сезган аёл тўхтовсиз ким биландир гаплашиш истагига тушиб қолади. Бу ҳолатда “кулок” вазифасини эркак ўйнаб бериши керак. Буниси энди катта муаммо!

Аёл кўп гапирмаслиги учун психолог ёрдам беради оладими?

Ҳа!

1. Аёлнинг кўп гапириб, ичидагисини тўкиб солиши – психиканинг ҳимоя механизми ишлаши жараёнидир. Аёл ўзига ишонмаган бир пайтда “тўғри қилибсан, ажаб қилибсан, ана шундай қилишинг керак эди, тўппа-тўғри гапирибсан!” дейдиган ҳимоячини қидиради. Бу вазиятга ўз муносабатини қайта шакллантириш жараёнида кимнингдир муносабатини ўрганади.

2. Уйдаги гап кўчага чиқмасин десангиз, ҳурматли оила соҳиби, аёлингизни ўзингиз эшитинг. “Ўчир! Намунча кўп гапираверасан” деманг, айникса, “нотўғри” дея кўрманг. Аёлни эшитишингиз шартмас, “Мен сенга ишонаман. Уйдаги гапни кўчага ташийдиган аёл эмассан!” деган гапингиз кўпроқ ёрдам беради.

3. Аёл – рафиқангиз фарзандларингиз тарбиясига вақти кўпроқ ажратишини истасангиз, унинг дугоналари билан “Вақиллашни, гап сотишни йиғиштир!” дея кўрманг. “Балки гапларингни менга айтарсан”, денг. Шунда сиз ишга кетган заҳоти қўлига телефон олиб “гап сотиш” ўрнига болаларингизга вақт ажратади бошлайди.

4. Камроқ гапиришининг иложи борми? Йўқ, иложи йўқ! Иложи бўлганда аёл эркакка айланган бўларди. У гапиради ва сиз эшитасиз. Агар сиз рафиқангизни тингламасангиз, уни бошқалар эшитади.

5. Яна аёл кишининг шундай хусусияти борки, ҳам телевизор кўриб, ҳам картошка артиб, ҳам гапириши мумкин, яъни бирданига кўриш, эшитиш ва ҳис қилиш каналлари ишлайди. Эркак киши эса бир вақтнинг ўзида ё эшитади, ё телевизор кўради. Демак, сиз газета ўқиётиб эшитишга ўрганинг.

6. Аёл киши учун муаммо бўлиб кўринган нарсалар эркак киши учун уруш боши бўлиб хизмат қилади. “Шуниям гап дейсанми, эй ўқимаган”, дея кўрманг.

7. Сиз аёлингизнинг ўша “кимгадир ёрилиш” муаммосини ечиб беринг, қолганини ўзи ечиб ташлайди.

8. Эркакнинг ёки аёлнинг “гап эшитиши”ни чиройли сухбатга айлантира олиш тарбиянинг энг олий чўққи-сидир.

ЭР РАФИҚАСИДАН ЗЕРИККАНДА

Баъзи оиласарда эр-хотин муносабатларининг совгани кузатилади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Аёл киши эридаги ўзгаришларни дарров пайқаб, уларни бартараф этиш чорасини кўришга ҳаракат қилиши лозим. Акс ҳолда совуқлик чукурлашиб, ўрта катта жар пайдо қилади, охир-оқибат оила инқирозга юз тутади. Шунинг учун аёллар бу борада ҳушёр бўлишлари лозим. Ўз ўрнида эркак ҳам рафиқасида қуида келтирилган белгилардан бирортасини сезса, бу муаммодан қутулиш йўлини излашлари лозим бўлади. Токи оиласар

бузилмасин, аксинча, эр-хотин бир-бирига меҳрли, илтифотли бўлиб, оиласари мустаҳкам, турмушлари обод бўлсин.

1. Эр аёли билан бирга ўтирганда ҳеч гаплашмай, жим ўтириши.

2. Аёли бирор ишни чиройли қилиб, тезда бажарса ҳам, уни рағбатлантиришга, кўнглинини кўтаришга уринмай, бепарво бўлиши.

3. Хотинининг қилган ишларини кўп танкид қилиб, турли айблар топиши.

4. Хотинининг арзимас, кичик хатоларини ҳам катталаштириб гапириши.

5. Хотин ўз ота-онасини кўргани бориб, у ерда узок қолиб кетса ҳам парво қилмаслиги.

6. Эр оғайнилари билан кўчага ҳадеб чиқиб кетавериб, ўйида, аёлининг ёнида жуда кам бўлиши.

7. Эр ўйида бўлганда ҳам аёли билан гаплашмай, ҳадеб телевизор кўриши ёки компьютер ёнида узок ўтириб, интернет билан банд бўлиши.

8. Хотинининг сарф-харажатларига нул сарфлашни хохламаслиги ёки жуда оз микдорда сарфлаши.

9. Ўйда бўлган кезларда аёлининг юзига назар солмаслиги.

10. Хотинига фақат жинсий алоқа вақтидагина эътибор қаратиши.

11. Эр аёлига ўзининг чарчаганини, толикқанини айтавериши.

12. Аёлининг берган саволларига жавоб бергиси келмаслиги.

Хўш, эркак нега аёлидан безади?

Баъзи эркаклар аёлининг хулқи ёмонлиги учун ёқти-рмай қолса, баъзилари аёлидаги жисмоний камчиликлар сабабли ёқтирмай қолади. Никоҳдан олдин бўлажак турмуш ўртоғи билан учрашувга чиққанда, қиз унинг кўзига жуда чиройли, тенги йўқ, бир сўз билан айтганда идеал жуфт бўлиб кўринади. Тўй ўтгандан кейин эса, учрашув пайтида сезилмаган ундаги айрим камчиликлар, номутаносибликлар кўзга ташлана бошлайди. Деярли барча қизлар учрашувга чиққанларида ўзларидаги қусурларини, хулқий камчиликларини яширишади. Комил инсон бўлиб кўринишга ҳаракат қилишади. Натижада тўйдан кейин кўп ўтмай йигит қизнинг асл “юз”ини кўргандан сўнг ундан совий бошлайди. Айрим оиласларда бу совиш ажралиш, талоқ билан ниҳоясига етади. Баъзи эркаклар эса тақдирга тан бериб, жуфтлари билан бир умр чидаб яшашга қарор қилишади.

Хотин ўз эрига унча эътибор бермаслиги, унинг хоҳишлири билан ҳисоблашмаслиги, бўлар-бўлмасга эрини пул сарфлашга мажбур қилиб, уни нокулай ахволга солиши, итоатсизлик қилиши ҳам эрнинг совишига сабаб бўлади. Эр ўз аёлининг кўчаларда, бозорларда юрганида келишган йигитларга бақрайиб, ёмон кўз билан қарашини ёки телевизорда чиқадиган хушбичим, чиройли эркакларга сукланиб назар солишини сезиб қолса ҳам аёлидан кўнгли совиб қолиши мумкин.

Ўз ўрнида шуни айтиб ўтиш керакки, юкорида келтирилган аломатлар аёлда сезилиши, эр аёлидан эмас, аксинча, аёл эридан зериккан, совиган бўлиши мумкин. Шунинг учун мазкур аломатларга эркаклар ҳам эътиборли бўлишлари, хотинларида бу белгилардан бирортаси сезилса, дарҳол унинг чорасини ахтаришлари

керак. Аёлнинг эридан зерикишига юкоридагиdek, учрашган йигити тўйдан кейин у қадар идеал бўлиб чиқмагани, унда ҳам турли камчиликлар, номуносибликлар борлиги сабаб бўлади. Бундан ташқари, эр аёлининг ёнида бегона аёл-қизларга тикилиб қарashi ҳам аёлнинг совишига олиб келади.

МУҲАББАТ ВА ИНФАНТИЛЛИК

Ўсмай қолган бўй, ривожланмаган мия, гапира олмайдиган тил, юришни эплолмаган оёқ, паралич кўл – бир сўз билан айтганда инфантиллик дейилади.

Инфант – бу паспорти бору, аммо қадри болаларча бўлган одамdir.

Инфантлизм инсонни шахс сифатида вояга стиши учун тўсқинлик қиласди. Вояга етган инсон реал ҳаётда яшаса, инфантил одам иллюзия билан яшайди. Вояга етган шахс ҳаётни унинг мураккабликлари билан гўзал деб билса, инфантил шахс оқ отли шаҳзода ва кейин сандикда тўла олтин деб кутади. Вояга етган шахс хатоларидан сабоқ чиқариб тажрибага эга бўлса, инфантил ҳар сафар шу хатони яна такрорлайди, ўзидан эмас, атрофидагилардан айб қидиради. Вояга етган шахс ҳаёт қонуларини кашф этса, инфантил маслаҳат ва кўрсатмаларга муҳтож бўлиб яшайверади. Вояга етган шахс ўзига нима кераклигини билса, инфантил унга кераклигини билмагани учун бошқадан хафа бўлади. Вояга етган шахс баҳт тушунчасини ўзи яратади, инфант эса «шундай бўлиши керак» принципи билан яшайди. Вояга етган шахс билан мулоқот марокли кечади, йиллар уни доно қиласди, инфант эса ўзгармайди. Вояга етган шахс ўз ҳаётига

“мужайин”, инфант ўзини бошқаларга ўхшаттиси келади. Инфантнинг ҳар бир вазиятига ўз қарашлари, мустақил фикри ва қарорлари бўлган шахсни ўз йўлингизга кирғизишингиз қийин. Инфантнинг ҳаётида ҳар бир вазиятга нисбатан қўшнининг гапи, қўчанинг талаби, оғорўнинг хоҳиши каби “қарашлари” бўлади. Инфант севгиси мультфильмга ўхшайди: аввал оқ отда шаҳзода, кейин тўйдаги зиёфат, сўнг малика мақомидаги ҳурмат, тъоз ва эътиборни кутади. Инфант аёл эркакдан бойлик, бағрикенглик, таъминлаб қўйишини, фақат уни тушунишларини, севишларини кутади. Бу талаби учун “ёшлигимни сарф қилдим” деб миннат қилишдан чарчамайди. Инфантнинг севгиси мушакдек гап: осмонга мушак отилганида ҳамма кўради, маҳлиё бўлади, кўз-кўз қилинади ва тутунга айланиб йўқолади. Инфантлар ҳеч ким билан узоқ муддат алоқа қила олмайди. Тезда хафалашиб, айб топиб узоқлашади, айбини бирорга қўйиб, кечирмай, қарғаб юраверади. Инфант фақат ўзини ўйлайди. Уни ўйламаганликларидан азият чекади. Инфант ўзига ёш болалардек муносабатда бўлишларини, аллалаб ухлатишларини, қошиқда оғзига овқат солиб қўйишларини кутади, талаб қиласди.

Инфантни қандай таниб олиш мумкин? У “Мени тушунишмайди” дейди. Инфант реал ҳаётни кўра олмайди. Жуда кўп психологик тренингларга бориб ўзига ишонч ахтаради. Реал ҳаётидаги муаммони бари бир “Мен чиройлиман!”, «Мен кучлиман!» деган аффирмацияларни шиор қилиб «баҳтли» бўлади. Бошқаларнинг чиройини кўрмайди, бошқалар қалбидаги ҳис-туйғуларни тушунмайди. Инфант эркак бўлса, янаям оғирроқ одам. Бу “эркак”, яъни инфант ўзидан катта ва

кўп ютуқларга эришган аёлларга ошиқ бўлади. Ўзини ўғилликка сотиш ва “она севгиси”га сазовор бўлиш уларни жудаям баҳтли қиласди. Бунда ҳеч уят, совға қабул қилиш, хотини маслаҳати билан яшаш кабилардан ҳазар қилмайди. “Тушунган аёл”нинг ёшини, юзидағи ажинларини унинг пули, тажрибаси, танишлари, “оналарча ширин сўзи”га алишиб баҳт топади. Пулга, мавқега эга бўлган ва «ҲАҚИҚИЙ ЭРКАК» топа олмаган инфант аёл ўзи ўғил туғиб «эркак» қилиб тарбия қилгунча, яхиси ёш эрни ўзига «бола» қилиб баҳтли бўлади. Иккиси ҳам “Ҳеч кимдан уялиш керак эмас, баҳт дегани шу” деб бонг уришганда, ёши катта инфант аёлнинг туғиб бергиси келмай қолади. Бу эркак инфантниям қониктириб, охири иккиси бир-бирини айблаб ажрашишади.

Инфантни танишнинг яна бир йўли улар жавобгарликни бўйниларига олишмайди. Мени боқиб олсин, хотин олдими таъминлаб қўйсин дейдиган Оппоғой ва мени тушунмайдиган, ҳеч бир иш қилмайдиган, туғиб, боласини боқа олмайдиган хотиндан кўра ёши каттароқ бўлсаям менга «она севгиси» яхши деб, бошқа бир хотиннинг уйига кириб олишни афзал билади. Шу қаторда яна қанча нозанину, оппоғойлар билан баҳс-мунозорани қилиб, ўйланиш пайти келганда бутун танаси “касал” бўлиб қолиши ҳам мумкин. Иккита инфант турмуш курса, атрофдагиларни куйдиради, ҳамманинг ҳаётини бузади, боласини бақиртириб уради. Қайнона-ю қайноталар, она-ю оналар бу мусиқага рақсга тушиб инфаркт, қон босими ва қанд касаллигини орттиришади. Ҳурмат қилиш ва раҳмсизлик, сабрининг

йўқлиги, тежамкорликни душман деб билиш инфантилга хосдир.

Ёши катта «ўтириб қолган» ёки «иш билан бўлиб» ўйланолмаган йигитларнинг ҳаммаси ҳам инфантмикан? Инфант эрга тегиши, уйланишни орқага чўзаверади. Ҳаммаси ҳам Тоҳирини, Зухросини топа олмай, бола кераклиги, ёши ўтаётгани, туғиб олиш учун уйланиши, ёр қилиши мумкин-ку! Инфантларнинг бу ҳаёт йўли болали бўлганидан кейин кесилади, эрга тегди деган номни олгандан сўнг қондирилади.

Хулосамиз шуки, руҳан вояга етмаганлар инфантлардир. Психолог сифатида вояга етишнинг чорасини айтаман:

Оғриқ – ҳаёт берган зарбалар. Мана шу оғриқлар инсонни ўзгартиради, совук муносабатларда юзингизни иссиқ қиласади. Пешонангиздаги гурралар кўп ақл-сизликлардан асрайди.

Инфант эса оғриқдан кўрқади, титрайди, васвасага тушади, хавотирланиб ёмонликни кутиб, кўнгли фақат гашланаверади. Инфант «ўтириб қолган» қизни косметологлар, инфант «ўтириб қолган» йигитни ресторонда обрули аёллар даврасидан топасиз.

Ҳаёт бемаъни, бўм-бўш, қизиқарли эмас деб ҳаётнинг ўзидан қочади.

НЕГА СЕВИБ ҚОЛДИНГИЗ

Севиб қолдингизми? Севгилим деб атаётган инсоннингизнинг бирор сифатини яхши кўрдингизми ёки уни

ўзингизнинг бир бўлагингиз деб ўйляяпсизми? Агар бу инсоннинг сифатлари сизни ром қилган бўлса – битта ташхис, мабодо сиз уни ўзингизники деб ҳисоблаётган бўлсангиз, бошқача ташхис қўямиз.

Умуман, автобусга чиқиб, «Мен бугун севмоқчиман!» деб бўлмайди. Бу ҳиссиёт кутмаган пайтда келади. Рухият учун ўсиш тарзида яхши кўриш ва вояга етган рухият учун мукофот тарзида севги келади.

Сиз бирор бир сифати учун бирорвга ром бўлдингизми ва у инсон сизники деб ҳис қилмаяпсизми, бу кураш ва рашқ олиб келадиган қарамлик, холос. Севганда бир инсон иккинчи инсонни ўз жони, тани ва ўзлиги каби кўришни бошлайди. Бунда мусобака ва сифатлар талашуви эмас, енгилиб бериш, ён босиш, айтганини бажариш каби истаклар пайдо бўлади.

Инсон сифатларини яхши кўрган пайтингизда бу сифатлар ўзгариши билан сизнинг бу инсонга нисбатан муносабатингиз ҳам ўзгаради. Сиз ўзингизга ўхшаган ҳамфикр инсонни яхши кўрганингизда эса бир хил қадрият, ягона тушуниш ва бир мақсад пайдо бўлади.

Баъзи инсонлар ўзиниям яхши кўрмаса-чи?

Яхши кўради, шунақангি яхши кўрадики... Факат улар ўзларини ўта яхши кўрганидан боридан кўра ортиғини ўзларига раво кўришади-да! Бунда ўзини бир бутун холда эмас, алоҳида сифатларини яхши кўрмокчи бўлишади. Бу сифатлар эса қониқарли баҳога арзимайди

Инсон ўзини яхши кўриши эмас, ўзини борича севиши керак экан. Шунда у ўзининг яхши ва ёмон сифатлари жамланмаси эмас, боридан яхшилик жамлаган инсонга айланади.

Бир инсонни унинг буюклиги, кучлилиги, чиройлишни, зиёлилиги учун яхши кўрса-ю, кейин бу сифатлар нўқолса, яхши кўриш ҳам йўқолади.

Мабодо севгингиз жавобсиз қолса, нима қиласиз:

1. Хафа бўласиз;
2. Севги нафратга айланади, сиз ундан ўч олмоқчи бўласиз.
3. Ҳар куни севишингизни айтиб, унинг севгингиз қадрига етмаётганини исботлайверасиз.
4. Жаҳлдор ва асабий бўлиб қоласиз.
5. Кинолардагидек важоҳатли севувчи ролига кириб қоласиз.
6. Оёқ ости бўлаётганингизни ҳис қилиб, хурматингизни жойига қўймокчи бўласиз.
7. Охири “Бўлди, энди бошқа ҳеч кимни севмайман” деб қасам ичасиз.
8. Кучсиз ва ожиз севгингиздан бошқа одам фойдаланаётгандек сезасиз ўзингизни.
9. Унутишга ҳаракат қиласиз.
10. Кимлигингизни кўрсатиш учун ўзингизга катта мақсад белгилаб, олдинга интиласиз.

Сиз билан юкоридаги ҳолатлар ҳақиқат рўй берастган бўлса:

1. Ўзингизни нега бундай тутаётганингизни тушуниб олишингиз керак.
2. “Нима учун севдим?” деб ўзингизга савол беринг.
3. Хатти-ҳаракатларингизни кузатишни бошланг.
4. Сиз мухим ва кучли томонларингизни кўрсатиб, тан олинишингизни истаяпсизми, демак, бу сифатингизни яхши кўрдиришга бўлган ҳаракатdir.

5. “Худди мен уни севгандек мени ҳам яхши күрсін!” дейишиңгиз сизнинг меҳрга зорлигингизни билдиради.

6. Рашқ қиляпсизми, демақ, сиз ўзингизни қонкітірмаяпсиз. Ўзингизга ҳали ишончингиз камлик қиляпти ва сиз бу яхши күришни кам деб ўйлаяпсиз.

7. Доимо гапини, қаердалигини, ким биланлигини текшириб, айтганингизни қилдириш пайидамисиз? Демақ, сизнинг ҳаётингизда сизга бўйсунадиган ишингиз, илмингиз йўқ.

8. “Қаерларда юрганингни менга айтиб кет!” деган гапни айтиши хаёлингизга келдими, бу севги эмас, ўзини арzon сотишdir.

9. Соғинч пайти ҳамма жойни остин-устин қилгингиз келяптими, бу ўзингизни енга олмаслиқdir.

Энди ҳақиқий севги хақида

1. “Менга ундан ҳеч нарса керакмас, соғ бўлса бўлди” деган гапни айта оласизми, бу сизни кучли қиладиган севгидир.

2. У қаерда бўлса ҳам баҳтли бўлсин деб яхшилик тиладингизми, бу севгидир.

3. Унга раҳмим келади, қандай ёрдам берсам экан, деб фикрлаяпсизми, бу севгидир.

4. Менга ишонгин, мен сенга ёмонлик қилмайман, дедингизми, бу севгидир.

5. Кўнглини оғритиб қўймай, билмай қўя қолсин, дедингизми, бу севгидир.

6. Севгилингизни эслаш сизга куч берадими, бу севгидир.

СЕВГИГА ҚАРАМЛИК

Сизга қадрли бўлган инсонни йўқотиб қўйишдан кўрқиши бу ҳали ўзингизни топа олмаганингиздан даюлат беради. Ўзингизни топа олмагансиз, аммо сиз шу каби фазилатларга эга бўлган, сизни мафтун қилган бир қадрдонни топа олгансиз. Бу инсонга нисбатан сизда “севги олови” ёнмоқда. Уни доим кўришни истайсиз. Унинг борлиги сизга ҳаловат бағишлиайди. Унинг борлиги билан дунёнгиз чароғон. Ўзингиздан ҳам муҳимроқ одам сизнинг ўзлигингизни ўғирлайди гўё. Сиз ўзингиз хақингизда ўйламайсиз, фақат “У” ҳақида, фақат “У “учун, фақат, фақат, фақат, биргина фақат у...

Ўзидан кучлироқ, эъзозлашга лойик, ёқимли бу инсон сизнинг ҳаётингиз мазмунига айланиб, соғинчли туйғуларни инъом этади.

Бу психологик жиҳатдан севги қарамлиги деб аталиб, ўзини топа олмаган инсоннинг ўзлигини топиш йўлидаги ҳиссиётлар жунбишидир. Ўзига ўзи ёққан, ўзининг кимлигини топа олган, ҳаёт мазмунини тўлдирган инсонга ҳаётда ёр керак, қарамлик керак эмас. Яъни, ўзига ишонган инсон ўз ҳаётида турмуш ўртоқ топади, аммо бу унинг меҳрга қарамлигига айланмайди. Севгига муҳтож инсон бошқадан меҳр кутади, меҳрга ташниаликни ожизона намоён қиласди. “Менга меҳр бермайди”, “Мендек севмайди”, “Мени ўйламайди” деган қатор иборалар севгига қарамликнинг белгисидир. Бу борада яна бошқа қатор иборалар: “Рашкимни келтирма”, “Қизғонаманда сени”, “Софиниб кетавераман”, “Қаёқларга бораверасиз” ҳам бор. Бу

болалиқдаги меҳрсизликни түлдириш йўлидаги яна бир уриниш гўё. Севгига қарам инсонинг ўз севгилисидан кутганлари, болалиқда етишмаган меҳрни қай тарзда кутгани билан бир хилдир. Севган инсонидан қилинган талаблар, қачонлардир ота-онанинг бу боладан қилган талабларидир. Севган инсон ўз севгилиси учун қилаётган фидойилиги ўз ота-онасининг меҳрини қозониш учун қилган харакатлари билан ифодаланади.

- Муносабатлардаги қарамликдан қандай қутилиш мумкин?
- Рашикли муносабатнинг асл сабаб ўзига бўлган ишончсизликми?
- Меҳрга ташнилик, меҳр бера олмасликми?

Психолог билан бирга ўзингизни ва ўзлигинизни топиб оласиз.

Ўзингиз ўзингизга муаммо ортирган кундан бошлаб, сиз ўзингизни топа бошлаган бўласиз.

СЕВГИ НИМА?

Сиз кимни севасиз?

Ҳозироқ билишни истайсизми? Унда эслани, кимга кўпроқ раҳмингиз келади? Кимни ўз химоянгизга олгингиз, кимни бағрингизга маҳкам босгингиз келади? Кимнинг кулишини соғинасиз? Кимнинг овозини эшигингиз келади? Кимдан хавотирландингиз? Кимга ёрдам кўлинини чўзгингиз келди?

Ҳа! Сиз уни севасиз!

Севги сизга куч бағишлийди.

Сиз янаем гўзал бўлгингиз келади, ўша одамнинг ишончига янаем қўпроқ киргингиз келади, янаем кўпроқ

янги мақсадлар пайдо бўлади, ғайратингиз, меҳрингиз янаям тошиб кетади.

Севги ўзингизни ўйлашдан кечиб, бошқа бир инсонни баҳтли қилиш йўлида ҳаракат қилишга ундейди. Севги факат ҳиссиёт эмас! Севги – раҳмдиллик йўлидаги ҳаракатларни бажариш. Шу ҳаракатларни бажаришга пайдо бўлган куч севги кучи, қалб кучидир. Она боласига бўлган раҳмини унга хизмат қилиб кўрсатади. Бошлиқ ходимларга бўлган раҳмини уларга яхшиликлар тақдим қилиб кўрсатади.

Сиз ҳаётда севасизми? Демак, сиз кучлисиз. Сизга раҳм қиласиган инсонлар кўпми? Демак, сиз кўпларга раҳм қилгансиз. Сизни севишларини истайсизми? Ўзингизда ҳозироқ кимгадир раҳм қилиши туйгусини пайдо қилинг.

ҲАҚИҚИЙ АЁЛЛИК СИРЛАРИ

- Аёл киши эркакни ўз қалби билан мафтун этади. Ташки кўриниш, ақл, ёш, мавқе эркакни жалб қилмайди. “Мен чиройлиман, мен яхши пул топаман, жуда ширин гаомлар пишираман, аммо мени эркаклар кўрмайди. Нахмок қизнинг олдида эркаклар бош эгадилар”, деган фикрларни кўп эшитаман. Нега ҳар томонлама тўқис қиз (аёл) ҳеч кимга керакмас, қўлидан бир иш келмайдиган, сўйоқ аёлни севадиганлар кўп-а?

Гап шундаки, бу аёллар ўзларидан қониқадилар, ҳаётдан завқ топа оладилар. Ўзидағи қоникиш ҳисси сабаб бошқаларниям тўқис ҳисоблайдилар. Щунинг учун ҳам бошқаларни айбламайдилар, кутмайдилар, хафа

бўлмайдилар. Ўзингизни борингизча яхши кўриб, шу борингиз билан ҳаётни завқли қила олишингиз аслида буюк сирдир.

• Эркак кишига бўлган муҳаббат аслида ўзингизга бўлган ишқдан бошланади. Бази инсонлар мени яхши кўришса, мен кимгадир керак бўлсан деган орзу-умид ичида яшайдилар. Ҳаётингизда севги пайдо бўлиши керак. Бу севги ўзингизни яхши кўриб қолишдан иборат. Ўзингизни яхши кўриб колмагунингизча ҳаётингизга кириб келган ҳар бир эркак сизнинг психологингиз бўлади (яъни муҳаббатни топишингизда улар сизга устоз бўлади). Кимгадир керак бўлибгина баҳтли бўлмоқчи бўлган, кимнингдир меҳрига зор инсон ожиз инсондир.

Кучли инсон меҳр кутмайди, аксинча, меҳр беради.

• Эркак ўзининг ёнида баҳтиёр бўлган аёлни севади. Шунинг учун ҳақиқий аёл аслида гўзал аёл эмас, ақлли аёл эмас, омадли аёл эмас, балки эркак кишига ўзини баҳтли сезишига имкон яратиб бера олган инсондир. Аёл кишининг эркакка тақдим қилган чиройи, ақли, пули, омади керак эмас! Эркак киши ўзини аёл олдида эркак деб ҳис қила олиши керак. Эркак кишига сизнинг чиройингиз керак бўлса, у дизайндердир, ақлингиз керак бўлса, у олимдир, пулингиз керак бўлса, у бизнесмендир ва сиз аёл эмассиз, у эса эркак эмас. Чирой, ақл, пул аралашган муносабат эса баҳт эмас, келишув тузишдир!

• Севишига бўлган эҳтиёж ич-ичингизда пайдо бўлади. Атрофинингизда севишингизга лойик одамни кўрмаяпсизми, демак, сиз севишига тайёр эмассиз. “Атрофимда менга лойик эркак” йўқ дейдиган аёллар “войик” деган

маъно ичиди пулни, чиройни, мавқени, ақлни ҳисобга олишяптими, демак, бу шартнома учун эълон қилинган танловдир. Ёлиз қолмаслик учун эркак қидиряптими, демак, қалбда оғрикли яралар ҳали битмаган ва бу инсонлар севишдан кўрқадилар. Бу аёллар атрофида пайдо бўлган инсонлар аёлнинг қалб оғриклари тимсолига ўхшайдиган оғриқ берувчи, эзувчи, меҳр қизғанувчи эркаклардир. Пули бор одам ҳар доим ҳам пул берувчи бўлмайди, омадли одам ҳар доим ҳам омадини сизга ишлатмаслиги, ақлли эркак ҳам сизнинг ҳаётингизни ақлсизларча остин-устин қилиши мумкин. Сизга ҳақиқий севгини олиб келган эркак эса баҳт туйғусини кучайтиради, барака ёғдиради, вазминлик, кўрқмаслик, ишонч пайдо қиласди аёлда!

- Аёлнинг меҳрга тўлалиги унга эркак томонидан ёғиладиган меҳрга сабаб бўладиган ягона шартдир. Атрофида меҳр туйғуси бўлган аёлга эркакдан пул, ақл, омад меҳр тимсолида ёғилади. Нимани оламга узатсанг, ўша ўзингта қайтади аслида.

- Эркакнинг еттинчи қовурғасидан аёл яратилган. Еттинчи қовурға эса қийшиқ қовурғадир. Уни куч билан тўғрилайман деган эркак синдириб қўяди. Унга меҳр тимсолида тўғрилаш нияти билан бокқан эркак ҳаёти баҳтли онларга тўлади. Аёл эса ўзини қийшиқроқ эканини ва уни тўғрилаш баҳти эркакка берилганини тан олиши синовга кўниши демақдир. Ҳақиқий аёл эркак тимсолида яратувчи тимсолини: паноҳни, меҳрни, берувчи эканлигини кўра олади ва бу ишончи эркакка куч инъом этади. Ҳақиқий аёл эркак билан рақобатлашмайди ва ўз тарбиясига олмайди. Сиз эркакнинг онаси эмассиз, тарбиялашдан тўхтанг! Сизнинг тарозингиз бузилибди,

Эркакни айбламанг, уни эмас, хатосини ёмон кўринг, холос! Тарбиялаб оламан деётган бўлсангиз тарбиянгизга муҳтож бола она қидириб ҳаётингизга киради, сиз эса бу инсонни эркак деб ўйлайсиз.

Эркакка ёқмоқчи бўлган аёл аввало ўзига ёқиши керак! Ўзингизга ёқмаётган бўлсангиз, қандай қилиб бошқа бирорвга ёқасиз?! Эркакни ўз муҳаббати билан «ёндиromoқчи» бўлган аёлнинг ўзи олов бўлмоги лозим эмасми?!

Аёл киши ҳаёт завқига мафтун бўларкан, эркакни ҳам ҳаёт завқига чорлай олади. Бу мафтунлик гўзалликка ошнолик балки овозингиздир, балки қалбингиз, пиширган ширин таомингиз?

МЕНИНГ ОТАМ БОРМИ

Психолог қабулидан лавҳа

...Эримни яхши кўраман. Ҳамма эринг ёмон деса ҳам, мен унинг яхши томонларини кўравераман. Бир йилдан бери эрим денгиз бўйида шилайди. Расмларини кўрдим, ҳақиқатдан денгиз соҳилидаги чиройли табиат қўйнида экан. Атрофида аёллар ҳам бор. Мен эримни бари бир яхши кўравераман. Ўзим дўконда савдо қиласман, топганим ўғлим билан яшашимга етади. Ўғлим мактабга чиқди. Мактабга боргунича одамови, уятчан, ҳеч ким билан гаплашмайдиган бола эди. Мактабда ҳеч ким билан гаплашмаслигини устозлари муаммо деб атасиди. Психологлар унда аутизм бошланаяпти дейишганда, мен қўрқиб кетдим. Эримга қўнгироқ қилиб бу ҳақда айтдим.

Мана шу жойда менинг муаммоим бошланди. Кундалык эхтиёжларымизга пул жүннатмайдыган эрим “Сен уни нотұғри тарбиялагансан”, деб мен билан уруши қилишини бошлади. Мен нима қылдым ахир... Қайнонам билан тураман, у киши қайнотам билан ажераб кетишіган. Менине құлымга пул тегмайди. Эрга текканымғаям мана ўн үйлі бұлыбди. Яхши бўлиб қолар деб яшаянман. Қайнонамга эрим уйға қайтсингар, ўзи сизге пул жүннатадыларми десам, балога қоламан. Ўғлимни ҳалигача суннат ҳам қилишимаган. Бу вафоимга, бу “жимлигим”га мұкофот қани? Дүхтирларга олиб боришим керак экан десам, ёзда денгизге кел, дам олиб кетади, дейди эрим. Мен қандай йўл тутай... ?

Хурматли эркак, уйдаги ўғлингиз билан қачон гаплашдингиз? Аугизм ташиси күйилған болани суннат қилиб бўлмайдими? Аёлингизнинг вафосини ўз қўлингиз билан ўлдирманг.

Хурматли аёл, сизга жавоб ўрнида бир эртакнамо воқеани сўзлаб берай...

Бир инсон урушда отини, эгар-жабдуғини, қалқонини йўқотиб, фактат битта қиличи билан уйига хориб, кийналиб оч-нахор қайтиби. Энди уйимга келдим деган чоғида қаттиқ чанқаганини хис қилиби. Узоқдан бир дарё кўриниби. Дарё бўйида уч бошли аждаҳо оғзидан олов пуркаб қараб турган эмиш. Ҳалиги инсон бор кучини йиғиби ва аждарга ҳамла қилиби. Қиличи ҳавода ўйнабди, уч кун, уч кеча аждар билан курашибди. Иккиси ҳам чарчаб, кучсизланиб йиқилиби. Охирги аждар дебди:

– Нега мен билан жанг қилдинг, қўрқмас ботир?!

– Сув ичмоқчи эдим, қарасам, олов пуркаб турган экансан, аждар!

– Индамай сувингни ичавермайсанми, оғзимдан олов чиқади-да аждар бўлганимдан кейин!

Чанқадингизми, сув ичинг, аммо уришманг!

Фардзанд ота билан бирга ўсадими ёки отасизми, унинг тасаввурида ота қиёфаси доим бўлади. Она фарзандига отасининг қандайлигини оила бошлиғига ўз муносабати кўринишида кўрсатиб беради.

Агар оилада ота бўлмаса-чи? Бу ҳолатда бола рухияти қандай қийинчиликларни ўз бошидан кечиради? Отасиз ўсаётган фарзанд отани ўз тасаввурида йиғма образ тарзида шакллантиради. Бир қиррани тоғадан, бирини дўстининг отасидан, бирини телевизорда кўрган тадбиркордан, бир томонини бобосидан ва эркакликни бўйнига олган онасидан олиб эркак қиёфасини ясайди. Отасиз ўсаётган ўғилга меҳрибон ва ишонган онаси ҳар гапининг бирида отанинг қабиҳлигини, номардлигини, ёш мургаклар билан, касал ахволда кўчада қолдириб кетганини доим эслатаверади. Бу билан она нимага эришмоқда – бошқа масала. Аммо бола миясида ясаган “менинг отам” қиёфаси сохталигини ҳазм қилгиси келмайди. Йўқ отага нисбатан нафрат, ўч олиш, кўриб қолса муштлашиш кайфиятида тарбиялаётган она ўз жигарбандинга қанчалик қийинлигини билса эди... Ўғил бошқаларнинг отасига қараб ўз отасизлигидан азият чеккан пайтда унга қанчалик оғирлигини тушуниб кўрсинг-чи...

Агар уйингизда боланинг шуғулланишига пианино бўлмаса, бу муаммони мактабдаги пианинони кўпроқ чалиб ўргатиш йўли билан ҳал қилса бўлади. Отасизлик

ҳам худди шу каби, оталик хислатларини бола ўз ўқитувчисидан, тренеридан, мактабдаги ўртоғининг отасидан ўрганади. Факат она ўз фарзандига отасига, умуман эркакка нисбатан нафрат уйғотмаса бўлди.

Бунинг учун нима қилиши керак?

Фарзандингизга унинг отаси жуда яхши инсон эканлигини айтишдан қўрқманг. Унга отасиз эмаслигини, отасининг яхши ва ёмон томонлари борлигини, буни ҳаётни ўрганиш билан ўзи ҳам тушуниб олиши мумкинлигини айтинг. Фарзандингизни ўз отаси билан муносабат қилишини чекламанг. Болангиз яхши ва ёмонни ажратишни ўрганади. Агар сиз ўз фарзандингизга меҳнатингиз ва яхши тарбиянгизни аямаётган бўлсангиз, нега отаси билан муносабат қилишидан қўрқасиз. Фарзандингиз қанчалик сизники бўлса, отасига ҳам шунчалик тегишилдири. Отанинг қариндошлари буви, бобо ва амакилари билан муносабат қилишини чекламанг. Фарзандингиз ўз тасаввурода ўртоғининг отасидан идеал образ ясаган бўлса, демак, у солиштиришни ҳам, яхши ёмонни ажратишни ҳам ёшлигиданоқ ўрганиб боради.

Бола 5–7 ёшда дарахтга чиқиши, ўртоқлари билан муштлашиши мумкин, бу пайт она раҳм туйғусини намоён қиласди. Ота эса бу ҳолатни тушунган ва боласига кейсидир жиҳатларда мардонаворликни, кечиришни, енгилган пайтда ўзини ҳақиқий эркакдек тутишни ўргатган бўлар эди. Шунинг учун отасиз ўсган ўғил болада онанинг ожизлиги ва раҳмдиллиги туфайли руҳан кучсиз одам тарбияланиб қолиши эҳтимоли бор.

12–14 ёшда бола ўсмирлик палласига ўтганда дунёни ўз ўлчови билан тарозига солишни бошлайди. Отанинг

онасининг нотўғри қилган ишларини танқид қиласди. Бола уларга қарши чиқа бошлайди. Ўз қарашларини ҳимоя қилиш йўлида жаҳлдор бўлиб қолади. Отасини кўрмай ўсган болада ўзининг эркаклигини кўрсатиб қўйиш жараёни бошланади.

Ота нима қилган бўларди?

Оналар ота ўғлига вақт ажратиши, у билан сухбат куриши, умуман тарбиялаши керак деб ўйлайдилар. Ота оиласдаги мавқеи билан тарбия беради. Ўз хулқ-авторини кўрсатади ва бола отасидан ўrnак олади. Бу отанинг ҳамма яхши ва ёмон хислатларини ўзига қабул қиласди дегани эмас. Бола отасини ўз идеалига солишиширо чоғида унинг керакли жиҳатларини олиб қолади, нокеракларига танқидий муносабатда бўлади. Демак, ўша “ёмон ота” ўз ўғлига номаъқул қиликлари билан ҳам тарбия беради.

Она ўғлига ишончини, меҳрини кўрсатган ҳолда унинг эркаклигини ҳурмат қилиб вояга етказса, бу ўғил жуда меҳрибон ва ҳимоячи бўлиб улгаяди.

Ўғилнинг онаси – султонни ҳурмат қилиб тарбияланг, ҳурматингизин жойига қўяди.

Ўғилнинг онаси – султонга ишонч билдиринг, ишончингизни оқлайди.

Ўғилнинг онаси – султонни мардлигини қадрланг, мардонавор бўлади.

Ўғилнинг онаси – маликага айланинг, ўғлингизга шоҳона муносабат ила мурожаат қилинг, у сизни қиролича қиласди.

ФАРЗАНДИНГИЗГА «ЙЎҚ» ДЕЙИШНИ ҮРГАНИНГ

Ота-онанинг фарзанд тарбиясида «Мумкин эмас»ни ўргатиши энг мушкул вазифалардан биридир. «Неча марта айтдим, бари бир қулоғингга кирмайди-я!», «Ўзи аклинг борми, нега құлма деган ишни қиласверасан?! Атайлаб қиласанми, сен бола!» каби койишлар ота-онани ҳам, тарбия олаётган болани ҳам руҳан чарчатади. Мумкин эмас, ҳаёт учун хавфли ҳамда қонун доирасини ўргатиши ота-онанинг масъулияти ва жавобгарлик вазифасидир. Фарзанд улғайганда түғри йўл танлаши, қонунни билиши сизнинг бугунги тарбиядаги «Мумкин эмас»ни түғри айтишингизга боғлиқ. Түғри тарбияланган фарзанд керак жойда ҳеч иккиланмай «ЙЎҚ» дейиши билгани учун ҳам феъл-атворида катъиятлилик шаклланади.

1. Ҳаётига хавф солувчи вазиятларни ўргатишида «мумкин эмас» дейиш.
2. Соғлигига хавфли ҳолатларни ўргатишида «мумкин эмас» дейиш.
3. Қонунни, ижтимоий талабларни ўргатиши жараённанда «мумкин эмас» дейиш.

Қоидалар:

1. Чекловингиз ҳар доим асосланган бўлиши шарт. Фарзанд нима учун мумкин эмаслигини ақлан тушуниши лозим. «Гутуртни ўйнама!» дейиш ўрнига гутуртни ўйнаш ёнғин хавфини тұғдиришини тушунтириб беринг. Бола нима учун гутурт ўйнаш мумкин эмаслигини билиши шарт.

2. Кўрқитиш билан «мумкин эмас!» дейиш болани кўрқок қилиб қўйиши тўрган гап, аммо бу мумкин эмас чекловга риоя қилди дегани эмас. “Агар яна шу ишни қиласант, мен қўлингни кесаман!”

«Агар яна такрорласанг қулоғингни кесаман!» каби жароҳатлаш тазийгини гапирманг, фарзандингизни хавфсирайдиган қилиб қўясиз.

3. Болангиз ўзини хурмат қиласин, буни сиз ўргатасиз. Фарзандингизга бақириб, нолойик сўзларни ишлатиб, ориятини ва хурматини топтаб, «Сен ҳеч ким эмассан!» дейишингиз бехурматликка чидашга ўргатасиз, холос. Болам ҳаётда ўз хурматини ва обрўсини топсин десангиз, хозирданоқ уни хурмат қилишни бошланг.

4. Деразадан бошини чиқариб осилса, йиқилиб жароҳатланиши мумкинлигини бақириб, уриб-сўкиб тушунтириб бўлмайди. Фарзандингизга кўргазма сифатида кўғирчокни деразадан ташлаб кўрсатинг, унинг оёқ ва қўллари чиқиб кетгани, пачокланганини ўз кўзи билан кўрсинг.

5. Сиз чеклов қўяётган вазият ҳақиқатан хам асосли ва ўринли бўлиши керак. Чунки бола дунёга қизиқиб уни ўрганиши лозим. Сувни кечиши, мушукни силаши, дазмол қилиб кўриши асосида катталарга тақлид қилиш ва янгиликларни ўрганиш жараёни ётади. Кийими ифлос, ҳамма ёқ сув бўлиши мумкинлиги учунгина кўчада қум ўйнашига, ҳаммомдаги сувни шапиллатишига чеклов қўйсангиз, боланинг миясини ривожланишидан тухтасиз. Фақатгина ҳаётига, соғлигига ва қонунга бузилишига хавф туғилганида чеклов қўйинг ва нима учун чеклаётганингизни тушунтиринг.

6. Фарзандингизга кўйган чекловингизга ўзингиз ҳам риоя қилинг. Фарзандингизга пичоқнинг ўткирлигини айтиб, «мумкин эмас» чекловини кўйиб, ўзингиз пичоқнинг учи билан тарвузни олиб ейишингизни бола тушунмайди.

Йўлдан ўтиш хавфлилигини тушунтириб, ўзингиз йўлдан ўтаётганингизда телефонда гаплашманг. Кўп телевизор кўрма деб, ўзингиз телевизион сериаллар ичидагашманг. Гугурт ўйнаш хавфлилигини айтиб, ўзингиз гугуртни ҳамма жойга қўйиб кетманг. Иссиқ овқатдан қўйиб қолиш мумкинлигини айтиб, қайноқ овқатни болангизга берманг.

Мумкин эмас:

1. Болани алдаш;
2. Болани қўрқитиши;
3. Болани уялтириши;
4. Болани беҳурмат қилиши;
5. Болага ёлғон гапириши;
6. Болага лақаб қўйиши;
7. Болани калтаклаш;
8. Болани камситиши.

ФАРЗАНДИНГИЗ ДУДУҚЛАНАДИМИ

Дудукланишнинг иккита сабаби бор:

1. Мия фаолиятидаги нуқсонлар оқибатида, масалан, ҳомиладорликнинг оғир ўтиши, туғуруқ вақтида ортирилган мия жароҳатлари, минингит, энцефалит каби касалликларнинг оқибатида пайдо бўлган дудукланиш. Базъан эса ирсий омил таъсирида пайдо бўлади. Бундай ҳолатларда асосан медикаментоз даволаш асосий ўринга

чиқади ва бир пайтнинг ўзида психолог ҳамда дефектолог билан бирга ишланади.

2. Иккинчи ҳолатда невроз кўринишида дудукланиш пайдо бўлади, танада соматоген касалликлар бўлмайди. Психологик жароҳатлар, жисмоний, ақлий ва руҳий зўриқишлир дудукланишнинг бошланишига олиб келиши мумкин. Бу ҳолатлар болалар неврози деб аталиб, психоген жароҳат, чарчаш ва руҳий зарбалар ўтиб кетиши билан дудукланиш ҳам ўтиб кетади. Баъзан ўзидан из колдирган ҳолда турғун ва ривожланувчи дудукланиш ҳам пайдо бўлади.

Бундай болалар гапиришдан қўрқади, катталар уялтиравергани оқибатида жим туришни афзал қўрадиган бўлиб қолади.

Қаттиқ қўрқиши, катта жанжалнинг гувоҳи бўлиш, калтакланиш, қоронғи хонада қолиб кетиш, кучук тишлиши, баландликдан йиқилиш, сувга чўкиш, автоҳало-катга учраш, истиманинг баланд кўтарилиши, ота-онасиға ичикиш, ота ёки онасини йўқотиши каби воеа-ҳодисалар болада дудукланиш бошланишига сабаб бўлади.

Боланинг тирногини тишилаши, сочини ўйнаши, қичиниши каби ёмон одатлари ҳам дудуклаши билан бирга кузатилиши мумкин.

Бу болалада уйку йўқолади, қўрқинчли тушлар кўради, жаҳлдор бўлади, иштаҳаси бўлмайди, кўп йиғлайди. Баъзи болалар ўртоқларига, оиласаги яқинларига таклид килиб дудукланади.

Сиз ўз фарзандингизда дудукланиш аломатини сездингиз, шунда нима қилиш керак?

- Энг аввало қўрқманг.

- Дудукланишнинг сабабини топиш ва даволаш керак.

Болангиздан тўғри гапириш кераклигини талаб қилиб, уни уялтируманг ва қаттиқ гапирманг.

- Болангизнинг ёнида унинг дудукланаётгани ҳақидаги эрингиз билан тортишманг.

- Эр-хотин боланинг дудукланишида бир-бирингизни айбламанг.

- Болангиз аниқ бирор бир воқеа-ҳодиса натижасида қўрқиб, дудукланиб қолган бўлса, бу воқеани эслатманг.

- Худди шамоллаш каби дудукланиш ҳам ўтиб кетишига болани ишонтиринг.

- Чапақай бўлса, боламни ўнақай қилайман деб уринманг.

- Мактаб, боғчасидаги устозларига болангиздаги бу холатни тушунтиринг ва мактаб, боғчасидаги бирор бир муштлашиш, жанжалли воқеа ҳақида суриштиринг. Уларни айбламанг, талаблар қўйманг.

- Болалар дудукланаётган бола устидан қулмасликлари учун касалликни енгишига чорлаётганингизни, унга ҳамдард эканингизни фарзандингизга тушунтиринг.

- Ака-опасига дудукланаётган болани масхара қилмасликларини уқтиринг.

- “Бундай гапирма” деб боланинг оғзини юмманг, балки қандай гапириш кераклигини дона-дона қилиб тушунтиринг.

- Спорт тўгарагига боришини бир оз тўхтатиб туринг.

- Невропатолог, психоневролог, психотерапевт ва психолог, логопед билан биргалиқда шуғулланинг.

Фарзандингизга ишонинг ва биргаликда дудукчанишини бартараф этинг.

МЕН БОЛАМНИ ХИРУРГ ҚИЛАМАН...

Оила қадрияти. Ҳар бир оила ўз ички қадриятлариға эга. Масалан, оила бошлиғи фарзандининг илмли ва зиёли бўлишини ўз олдига максад килади, бу ота учун қадрият. Энди тасаввур қилинг, фарзанднинг ўқишга лаёқати бўлмаса ва бутун умр ота-онасининг “нотўғри” йўл тутганлиги оқибатида пулсизлигини ўз мақсади билан “тўғриламоқчи” бўлади ва ишлаш, савдо қилиш каби йўлни ўзи учун қадрли деб топади. Бунда оила раҳбари ва ходим ўртасида низо чиқади гўё. Бу пайт ота оила раҳбари сифатида “фақат менинг айтганим бўлади!” деса, тазийқ қилса, “Сен айтганимни қилиб ўки, кейин менга раҳмат айтасан!” деса, нима деб ўйлайсиз, ўқишнинг натижаси бўлармикан? Бу ҳолатда она, оила раҳбари сифатида ота нима қилиши керак? Олдимизда иккита йўл пайдо бўлади:

- боланинг ишлашини қўллаб-қувватлаш ва унинг илмсиз қолишига кўниш;
- фарзандни мажбурлаб “ўқитиш”.

Психолог қабулидан лавҳа

...Биласизми, уйимизда сен ҳам дадангга ўхшаган прокурор бўласан, деб катта қилишган. Болалигимдан “мен сени юрист қиласман!” деган гапларни эшишиб ўсганман. Мактабда қўнглим бўшигидан сал нарсага қўнглим бўшаб кетаверарди. Ўзим ҳайвонларни яхши кўраман. Моллар касал бўлса, ўзимча даволардим,

йиқилиб оёги лат еган сиғири мизни ўзим тузатғанман. Умуман, отлар, қўйлар, товуқларни биология дарсида жудаям яхши ўрганғанман. Молларнинг дўхтири бўладими?” деб сўрардим онамдан. Дадамни кўпчилик танирди, “Бу боланг мени шарманда қиласди, мол дўхтири бўлармиш!” дердилар дадам. Ёшлигимдан кучли бўлсин деб спортга беришди. Мен учун бу азоб эди. Ўйга келишим билан ҳайвонларга овқат бершишибдимикан, деб улардан хабар олардим. Бари бир ҳуқуқшунослик институтига кирдим. Бу соҳада ёд олиш керак бўлган нарсаларни ёдломасдим. Амаллаб тугатдим. Ишга кириб нотўзри жойга қўл қўйиб юбордим, ота-онам охири бу ишида ишламаслигим кераклигини тушунишди. Бу пайтда дадамнинг мол дўхтири бўлишим билан ишлари бўлмай қолди. Улар менинг ишончимни оқлай олмадинг деб ойлаб гаплашмасдилар. Мен товуқ фермасини очдим. Ҳозир ишларим жудаям яхши. Ўзим севган соҳада, йўналишда меҳнат қиляпман. Дадамнинг хатоларини тақороламаслик учун ҳозирдан ўз фарзандимнинг нимага лаёқати борлигини психологлар ёрдамида аниқламоқчиман.

Агар ота-оналар “Мен боламни хирург қиласман”, “Мен боламни бизнесмен қиласман” деяётган бўлишса, улар боланинг пластилин эмаслигини тушунишлари керак. Фарзандингиздаги қобилиятин аниқлаш ва қайси йўналишда қасб танлаши кераклигига ёрдам бериш сизнинг вазифангиз. Фарзандингизда қайси хиссиёт кучлилигини аниқланг. Раҳм, ишонувчанлик, сахийлик, кечирувчанлик, жавобгарликни ўз зиммасига олиш, бошқалар учун ҳам қарор чиқариш, муносабатга тез киришиш унда кучли етакчилик қобилиятининг борлигидан далолат беради. Қизғанчиклик, ҳаммани айблайвериш,

үртөқларидан шикоят қилиш, устозларни ёмонлаш, жаҳл қилиш, асабийлик, кўп низолашиш, гап тортишини, мақсадсизлик, бироннинг буюмларига ўзиникини солишириш, ўзидан устун деб санайдиганларнинг буюмларини камситиш, ўзининг телефонини ва ота-онасини кўз-кўз қилиш кучсизлик инсон белгиларидир.

Биринчи тоифадаги фарзанд кучли раҳбарнинг тимсоли, иккинчи тоифадаги фарзандлар кучсиз психологияли ота-оналарнинг маҳсулидир. Фарзанд сизнинг “брэнд”ингиздир. Унинг нималарга лойиклигини, нимаси билан қадрли ва қимматбаҳолигини, илмини, истеъодини сиз катталар кашф этмоғингиз даркор. Ғиштдан нон пиширилмагани ёки нондан кўза ясад бўлмагандек, фарзандингизнинг истеъодини аникламай туриб уни “хирург” ёки “кўшиқчи” қилишга уринманг.

БОЛАНИ БОЛАЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛМАНГ

(Вояга етмай эрта қариган болалар, қаригандаям бола бўлиб қолган инсонлар ҳақида)

Ёнида ишонган ота-онаси, яқинлари бўлмаган болалар тирик етимлар эрта кунда қарияга айланар экан. Базан ёнида ота-онаси бўлса ҳам бола ўзини етим деб хис қиласр экан. Агар бола ўз ота-онасига ишонмаса, ўзига нисбатан жавобгарликни ўзи бўйнига оларкан. Агар ота ичиб келиб ўз боласини калтакласа, тепса, сўкинса, бола ўзини ишониб отасига топшира олмас экан. Шу кундан бошлаб бола “қарилек гашти”ни суришни бошларкан. Бола худди қариялардек ҳеч нарсага кизиқмайдиган, мақсадсиз ва холсиз бўларкан. Болалар футбол ўйнаса,

бу бола қўшнининг гуваласини ташиб бериб пул ишлашни ўйларкан.

Уч ёшли укасини олиб қолган 7 ёшли ўғил онасини кечки сменага кузатаётганда эрта қариб қоларкан. Чунки уч ёшли болага қарашиб учун аввало ўзи катта бўлиб олади. Онаси кетгандан ичиб келган отани уйга киргазишни ҳам, киргазмасликни ҳам билмай, бутун подъезд эшигадиган сукенишлардан уввос солиб ичичидан йиғларкан ва қариб қоларкан. “Сенлар учун умримни хазон қилдим” деб болаларини айبلاغандада яна бир марта қарияга айланаркан. Эр хотин уришаётганда синглисинг қулоғига пахта тиқиб қўйиб яна бир марта кексаликни ўз зиммасига оларкан бола.

Шу пайтда яшаб қолиши учун қалбан болалигидан воз кечаркан. Эр хотин уришмаслиги учун ўзини касалга солиб ҳакиқий касал бўларкан ва яна бир кексайиб улғаяркан. Онасининг жаҳлдан тушиши учун ўз слкасини калтакка тутиб бераркан ва етимдек бўлиб колган фарзанд улғаяркан... Оиласи шармандалигини яшириб “Менинг отам институтни қизил дипломга битирганлар” деб мактанааркан ва бу билан отани яна бир бора оталикдан ўчиаркан. Онасини бошқа эркак билан келганини синглисидан ҳам яшириб кексаяркан ўғил, онасидан воз кечолмай ўзидан воз кечаркан ўғил!

Тирик етим кекса, доно ўғилим...

Тирик етим кекса, момо қизгинам...

Болангизнинг болалигини ўғирламанг!

ХАЁТ ФОРМУЛАСИ – СИЗ КУЧЛИСИЗ

ХАЁТГА МУНОСАБАТИНГИЗ ҚАНДАЙ

Хаётга муносабатнинг тўрт тури мавжуд.

1. Ўзгартириш. Ўзгартаришни билмасанг, ўзгартаришни ўрган.

2. Қабул қилиш. Агар ўзгартира олмасанг, борлиқни борича қабул қил.

3. Жаҳл қилиш. Вазият сизга ёқмагани ва бу вазиятни ўзгартира олмаганингиз учун жаҳлингиз чиқса, бу кучлизлигингиз белгиси. Ҳаёт сизга ёқмагани учун жаҳлингизни бошқаларга сочишни бошлайсиз. Айтинг-чи, ёш боланинг қўлидаги ўйинчоқни каттароқ бола олиб қўйса нима бўлади? Бу болакай йиғлашни, ер тепишни, жаҳл қилишни бошлайди. Агар бу бола кучли бўлганда ўзини вазмин тутган ва ўйинчоғини бериб қўйиб йиғлаб ўтирамасдан вазмин ҳолда вазиятни бошқарган бўлар эди. Ривожланмасликнинг актив агресив тури.

4. Нолиш, шикоят қилиш. Ривожланмасликнинг пассив агресив тури. Кимдир мени бу ботқоқдан чиқариб оладими, деб ўзини хўрланган, камситилган санаб барчани айблайди. Кучли инсонларга ўзгартариш ва қабул қилиш каби муносабат хосдир.

Азиз дўстим, ҳар сафар жаҳлингиз чиққанда қўлидан ўйинчоғини олдириб қўйган ўша кучсиз боланинг нолай фарёди уни кучли қилмаслигини тасаввур қилинг ва вазмин ҳолда вазиятни ҳал қилинг.

ҒАЙРАТ ҚАЙДА БОР

Хар бир инсон гайратга тўлиб, шижоят билан яшашни истайди. Бир марта бўлса ҳам ғайратингиз тошиб, ўзингизни ҳамма нарсага қодирлигингизни хис қилганмисиз? Албатта, мақсад сарӣ интилиш яшашга куч беради, завқингиз ортади. Агар ғайратсиз, дангаса бўлиб қолган бўлсангиз қандай қилиб ғайратни тошириш мумкин?

1. *Ният қилиши.* Хаёлот дунёсига бир саёҳат қилинг. Ишни ният қилишдан бошланг. Шу ниятга етиш учун сизга омад, яхши инсонлар, мавқе, куч келаётганини тасаввур қилинг. Осмон эшиклари сиз учун очиқлигини, келажакка учеб худди мақсадга етган ғолиблигингизни кўриб келган инсонга айланинг. Қалбингиз тин олиб, кўнглингиз тинчлансин. Бу мақсадга қандай бораман, эплолмайман-ку, пулим ҳам кам деб ўйламанг. Ҳатто фикран ўз ишончингизга хиёнат қилманг. Ишонч танангизга сингсин. Сизнинг танангиз қуёши ишончdir. Миянгизнинг қайси қоронғи бурчагига қуёш нури етиб бормади экан? Нега бирор сабаблар топиб қилолмайсан деяверади? Ўша фикргаям лашкар каби ишончингизни сингдиринг.

2. *Мұхаббат.* Умуман, мұхаббат тушунчасини унутмагандирсиз?! Аввало ўз ичингизга сингган ишонч қушга айланиб учеб кетиши учун сиз севишингиз керак. Ўзини севмаган инсонни омад севармиди? Ўзини севмаган, ўзини ҳурмат қилмаган инсонга бошқалар ҳурмат ва эътибор ила мақсад йўлида ҳамфикр бўлармиди? Аввало футбол жамоасини йиғиш учун тренер керак. Сиз тренерсиз, ишга яқинларингизни олишдан бошланг. Аёлингиз, фарзандларингиз ва ходимларингизни севинг.

Ўзингизга бир жавон, сейф ясанг, хаёлан инсонларни яхши кўришингиз учун монелик қишаётган уларнинг ёмон томонларини сейфга солиб қулифлаб қўйин.

3. *Шукроналик*. Бир дафатар тутин. Ҳамманинг отини ёзинг ва жадвал тузиб, сиз исминни қайд ўтган инсонларга нега раҳмат айтиб, миннатдорлик билдираётганингизни ёзив қўйинг. Сизни хурмат қилмайдиган инсонларни ҳам ёзинг. Ахир улар сизга энг кўп яхшилик тиловчи инсонлар-ку. Ҳамма яқинларингиз хурмат ва эътибор ила сизнинг вақтингизни ўғирласа, сизни ёмон кўрадиган инсон сизга эркинлик иъном қилади. Сизни хурмат қилмайдиган инсон ўзининг қатъий фикрини айтиб, яшаб юрибди. Олдингизда бўлса, ундан ҳам яхши. Энди сизга шундай вазифа: узоқ ўтмишингиздаги сизни ўта хурмат қиладиган инсонларга ҳам миннатдорлик билдириб, “борингизга шукур” деб эълон қилиб қўйинг.

4. Санъат. Бизни хурмат қилмайдиган инсонлар берган эркинлик ва пайдо бўлган бўш вақтни санъат билан тўлдирайлик. Ранго-ранг жилолар билан кўзингизни қамаштирадиган иш кутингизни қўлингизга олинг. Уйда рўзгордаги матоли буюмлар, киймларнинг илиси сўқилган жойларни тикинг. Йиртиқ жойдан дангасалик шамоли кирмасин. Айниқса, шимнинг чўнтаклари, сумкангизнинг таг қаватидаги кўринмайдиган йиртиқ жойларни ҳам яманг... Балки миянгиз хаёлот оламида шу пайтда саёҳат қилас...

5. *Мусиқа*. Хиргойи қилгингиз келдими? Ним овозда шивирланг, қулогингиз зўрга эшитса ҳам майли. Уйингизни мусика овози тўлдирсин. Балки рақсга ҳам тушарсиз. Нима бўлибди. Бу мажлислар зали эмас-ку! Уй ўзингиздан ва ўзлигингиздан уялмайдиган маскан.

Фарзандларингизга мусиқадан дарс беринг. Уларни хиргойи қилиб дарс қилишга ўргатинг. Хиргойи қилиб чанг артиш яхшиrok. Энг яхши мусиқалар тўпламини йиғинг. Фарзандларингиз қайси мусиқанинг шайдоси? Бу хақда биласизми? Уйда ҳар бир инсон ўз мусиқасига эга бўлиб, бошқалар билан ҳам баҳам кўрсин. Ўғлингиз ёки қизингиз реп тинглаяптими, ўчир деманг. Сиз ўчир десангиз, у ким билан гаплашсин... Репни ҳам ҳазм қилиб кўринг-чи, шунда фарзандингизнинг гаплашадиган қалб мусиқасини ҳис қиласиз. Ҳазм қила олмаяпсизми бу рэпни, демак, сиз болаларингизнинг гаплашадиган тилидан узоқлашибиз. Мажбуран уларга тановварни эшиттиролмайсиз-ку...

6. *Қизиқишиларингиз*. Қалбингиз истаган машғулот сизга куч бағишлайди. Фарзандингизнинг расм чизиш истаги бор. Сизда эса истак-хоҳишининг ўзи йўқ! Кўлингиздан нима келади, ўйлаб кўринг. Пахта терганмисиз? Томга чиқиб, тепадан қараганмисиз? Демак, оғир меҳнат ва альпинист бўлиш сизга хобби эмас экан. Ақвалангист, балиқ тутиш ҳам қизиктирмайдими? Унда китоб ўқинг. Китоб ўқисангиз бошингиз оғрийдими? Эсингизда колмай-дими? Кўзингиз тиниб кетадими? Унда телевизор кўриш хоббиси қолади, холос. Таом тайёрлашни хоббига айлантиring. Мазали, чиройли, тансиқ овқатлар ниширинг-ки, меҳнатингиз самараси санъат даражасига етсин. Ҳаётда хобби – қизиқиши албаттга бўлиши керак. Ҳар куни қўшни аёл билан писта чакиб ўтириш сизга гайрат бағишлайдими? Болаларингиз билан футбол, баскетбол, воллейбол ўйнашингиз мумкин. Рақс тушишга нима дейсиз? Рақс тушишни хобби даражасига

олиб чиқсангиз-чи? Психолог эслай олмаган яна қандай хоббилар бор?

9. *Кучли инсонлар билан мулоқот.* Сизга тарбия берган устозингиз, тренерингиз, ота-онангиз, ҳаётда катта муваффакиятларга эришган инсонлар, илмли одамлар кучли руҳият эгалари ҳисобланишиади. Уларнинг ҳаёт тарзи, кун тартиби, лойиҳалари, дўстлари ва қарорларига қараб сиз ҳам шу кучни ўзингизда туясиз. Омадли инсонларнинг ҳаётга қарашлари оқилона, яхши ниятларга йўғирилган бўлади. Улар кайфиятингизни кўтаришиади. Суҳбат чоғида бу инсонлар олдида мақсадларга эришиш йўлларини топасиз. Қани? Кимингиз бор экан? Ким экан у?

7. *Табиат қўйнида саёҳат.* Сиз бир марта бўлса ҳам отга минганимисиз? Бир марта бўлсаям сигир соғганимисиз? Сиз янги туғилган қўзичоқнинг онаси олдида яшириниб турганига гувоҳ бўлганимисиз? Ҳаммасини телевизорда кўрганимисиз? Табиат қўйнига фарзандларингиз билан бориш керак! Ундан кўра ётиб дам олганим яхши дейсизми? Ҳаётингиз саёҳатсиз ўтмоқда.

8. *Спорт.* Спорт билан шуғулланиш ҳар бир инсон танасини соғломлаштиради. Ирода, тана кучини сафарбар қилишда иштирок этади. Сизга бўйсунмаган танангизнинг ҳар бир мускули ўзига лойик меҳнат қила бошлиайди. Агар бу сузиш бўлса, яна ҳам яхши.

9. *Эр-хотинлик.* Аёл ва эркакнинг руҳан, ҳам жисман яқинлашиши организм аъзолари ҳужайраларининг янгиланишига олиб келади. Табиат қонунига қарши бормаслик керак.

КИМ ЎЗИГА ИШОНАДИ

1. Ўзига ишонган одам хато қилса, ўзини оқламайды! Қилган ишига, гапирган гапига жавоб беради. Хатоликка сабаб бўлган омилни топиб, уни тузатади.
2. Кўркув пайдо қилган ишни бажаришдан ўзини олиб қочмайды! Кўркув орқали қўяётган қадами билангина ривожланиши мумкинлигини яхши билади.
3. Сокинлик ва роҳатлантирадиган муҳитда кўп қолол-майды! Роҳат ва сокинлик ривожланмаслик муҳити эканлигини тўғри тушунади!
4. Ишни пайсалга солиб, кейинги ҳафтага кўчирмайды! Бугун қилинган «унчалик зўр бўлмаган режа» эртага қилинадиган «аъло режа»дан яхшироқ эканлигини билади.
5. Бошқаларнинг фикрига «ёпишиб» олмайды. Ёмон баҳо берилган бўлса ҳам, бу фикр уларни қўрқитмайды, синдирмайды.
6. Бошқаларни таҳлил қилавермайды. Агар ўзи ҳақида ғийбат ва гап-сўз кўпайса, унга эътибор бермайды, умуман, бўлар-бўлмас нарсаларга вақт сарфламайди.
7. Етишмовчиликлар уларни ўз мақсадларидан қайтармайды. Мақсадга етишда фақат ўз кучи ва ресурсига ишонади. Бошқаларнинг ёрдамини қабул қилмайди.
8. Ўзини бошқалар билан солиштиrmайди. Фақат ўзини кеча ва бугун қандай бўлганини таққослайди.
9. Бирорга ёқишига ҳаракат қилмайди. Муносабатлар кўплигига эмас, сифатига эътибор беради.
10. Ўзига ишонган одам ҳаётида содир бўлаётган воқеа-ходисаларни тўлиқ назоратга олишга интилмайди. Бор нарсани борлигича қабул қиласди.

11. Қарор чиқаришдан қочмайды. Муаммо ўз-ўзидан ечили маслигини билиб, муаммога тик боришади.

12. Омадсизлик уни түхтата олмайды. Фақат түгри йўл билан муваффақиятга эришил маслигини, йиқилишлар муваффақиятнинг бир қисми эканини тушунади.

13. Бирор иш бошлиш учун рухсат сўрамайди.

14. Режа билан ўзини чекламайди. Бор режага ўзгартириш киритиш учун имкон қолдиради.

15. Бирор манбадаги маълумотга тўлиқ бўйсунмайди ва ўз қараашлари билан баҳолаб фикр билдиради.

ОМАДЛИМИСИЗ ЁКИ ОМАДСИЗ

Нега бази инсонлар ҳеч нарсага эришмайдилар? Улар ақлли, кенг фикрли бўладилару, баъзан bemазa ишлар қиласидилар. Ташки қўринишларидан тарбиялидек туюладилару, ҳаётдаги тез-тез қоқиласидилар. Нега шундай? Кузатувлар натижаси куйидагича:

1. Инсон ўз-ўзини алдайди.

Бу тоифадагилар ўз ҳисобларига доим хиёнат қилишади. Бирор натижага эришаман деган одам балки бошқаларни алдар, аммо ўзини алдай олмайди. Ҳаётда кимdir унга ёқмаса, уни ёлғончи ва қабиҳ одам деб ўзини ишонтиради. Мехнат қилиб бойиган одамни кўрса, бу харом йўл билан бойликка эришган «ҳаромхўр», «ебтўймас», менинг ҳаққимни ҳам еб ўтирибди, деб айб кидиради. Ўзини бошқалардан устун деб ўйлаган ёлғонини доим ўзига сотиб алдаш ўзига бўлган хиёнат эмасми? Камини кўп деб аввало ўзини алдаш эмасми?

2. Баракасизлик.

Бу дунёда сизнинг кучингиз сарф бўлган ҳамма нарса – фарзандларингиз, корхонангиз, бойлигингиз, иншотингиз баракага айланиши лозим. Талаб қилинаётган кучга ўз кучингизни сарфламай, «шуниси ҳам бўлаверади», «чарчаб кетдим-э!» десангиз, ўзингизни кучсизлантирасиз, баракасизлигингиз шу ердан бошланади. Худди шу ердан бола тарбиясидан ҳам барака кўтарилади (ўғил ишёқмас, қиз калтафаҳм, хотини уришқоқ бўлади), корхонаси банкрот бўлади.

3. Дўст, ёр-биродарларга хиёнат.

Фақат ўзига керак дўстларига мулозамат қилиб, камбағал, муҳтоҷ инсонларни атрофидан қувади. Муҳтоҷ, калтафаҳм деб улардан жирканади. «Катта» одамлар билан гаплашиш керак деган катта ўйлар омадсизнинг кўзини бойлайди. Ҳамма билан чиқиша олмаслик, тез уришиб қолиш, дўстлик, муносабат ва муомаланинг қисқа муддатда низолаларга айланиши омадсизларнинг яна бир кўрсаткичидир.

4. Файритабиий одатлар.

Омадсиз инсонлар ўта тарбиясиз бўлишади. Қонун, қоида, келишув, битим, сулҳ, лавз, сир, сўз бериш, раҳмат айтиш бобини ўқиб кўришмаган. Ўз хато ва камчиликларини тан олишмайди. “Кечикиш” – бу уларнинг шиоридир.

5. Диңсиз кийиниш, маъносиз гапириш, асоссиз мақтаниш.

Омадсиз инсонлар сочидан оёғигача қимматбаҳо, аммо диңсиз кийинишади. Улар ишхонага соқоли олинмаган, кроссовкада ва хонага омадсизлик тарқатувчи ҳиди билан киришади. Дазмолланмаган шимни кия олишмагани туфайли (ёки хотини

дазмоллашни билемайди ёки ўзига раво кўрмайди) мода деб жинси шимда юришади.

6. Юз ифодасида нимадир ёқмаслигини билдириши.

Қовоғидан қор ёғса, бу ҳамма еб у қурук қолганлиги белгиси. Ҳамма ҳозир уни алдайди, устидан кулади, унинг қисматини муҳокама қиласи назарида. Улра шундан хавотирланиб ҳаммадан нафратланиб юришади. Ишхонасини ёмонлаб, ойликни кутишади, хотинини ёмонлаб кечаси бирга ётишади, дўстини ёмонлаб қарз сўраша-ди, қўшнини ёмонлаб машинасида бозоргача етиб олишади, фарзандини ёмонлаб калтаклаб ҳам кўйишади. Ва охирида «Менга осонми, ўз боламни урсам, хотинимни тарбиялаб чарчасам, ишхонамда энг оғир ишларни мен қилсан!» деб ўзларини оқладилар. Омадсизларнинг мақсади ўша мақсадни аввал байрам килиш билан бошланади ва мақсад фаолиятта айланмасдан мақсад ҳолича колиб кетаверади.

7. Кераксиз тортишувларда доимо енгиб чиқадилар.

Омадсиз инсонлар доимо ўз тўғриликларини, ақли эканликларини, тўрт мучаси бошқалардан қучлилигини исботлайверишади ҳаммага... Чунки уларнинг кўпчилиги жуда чиройли гапиришни билишади. Бу омадсизларга «хўп!» демасангиз, қутулмайсиз.

Омадсизни аниқлашнинг МРТ усули.

Омадсизни бир кўришда аниқлаш осон: улар кейин деган сўзни ҳар икки гапнинг бирида қўллайдилар. Яна «нега шошасиз!», «аввал ўйлашиб, маслаҳатлашиб олайлик!» деб ўз доноликларини кўрсатиб қўядилар. Шу билан бўладиган ишнинг баракасини учирив юборадилар. Уларнинг ҳеч қачон вакти ҳеч нимага етмайди. «Эртага» сўзи луғат бойлигининг 90%-ини ташкил этса,

«... шундан кейин...», «агар» сўзлари ва ибораси гапининг асосини ташкил этади.

ХАЁТ ФОРМУЛАСИ – СИЗ КУЧЛИСИЗ

Инсонда яратганга, ўзига бўлган ишон бўлсин. Бу ишонч унинг ҳиссиётларини жиловлади ва у соф фикрлай олади. Соф фикрли одамнинг феъл-атвори, характеристери жозибали бўлади, унинг феълига мос муҳит пайдо бўлади, атрофига ўзига ўхшаган инсонлар йиғилади, шу муҳитга мос шарт-шароит ва имкониятлар юзага келади.

Сиз кучлисиз!

Ҳаёtingизда шундай воқеа-ходисалар бўлганки, «ҳамма нарса тугади!» деб ўйлагансиз! Шанда ҳам холатдан чиққанси-ку, муаммони енгишга, тўсикларни олишга кучингиз етган. Ҳозир ҳам ҳаёtingиздаги энг оғир муаммони эсланг. Ахир ўшанда бу муаммонинг ечими йўқ деб ўйлаган эдингиз. Лекин енгансиз!

Ҳаёtingизда энг оғир йўқотиш бўлганида бу «жудоликни кўтара олмайман!» деган эдингиз... Ҳаёт давом этди-ю. Енгансиз!

Сиз бугун тажрибалироқсиз, сабрлироқсиз, ақллироқсиз. Шунинг учун оғирликларни яна ҳам осонрок енгасиз! Енгасиз!

Ҳар бир муаммони ечганингиздан кейин кучлироқ бўлганингизни эсланг! Ўша муаммога сабаб бўлганларни ёмон кўрганингизни эсланг! Ёмон кўриш, нафрат аслида ҳақиқий енгилишдир! Нафрат, ёмон кўриш ҳақиқий кучлизикдир! Кечиринг, хафа бўлманг! Кечирасиз, хафа бўлмайсиз! Енгасиз!

Шу нарсаларни эслаб яна бир бора ўзингизга ишондингиз. Ичингиздаги ишонч, меҳр, кечирим аслида сиздан тараалаётган кучдир. Бу кучга ичида нафрати бор, сиздан хафа бўлган, сизга ишона олмаётган кучсиз одам енгилади! Уни сиз енгасиз!

Аслида енгиш ўзингизни енгишдан иборат экан – сиз нафратланмасангиз бўлди, жахлингизни жиловласангиз бўлди, ўзингизга ишонсангиз бўлди. Умуман дунёга меҳр кўзи билан қарасангиз бўлди.

ИШОНЧ ВА ИШОНЧСИЗЛИК САБАБЛАРИ

Сизда нечта диплом борлиги, нечта тилни билишингиз, чўнталингизда қанча пулингиз борлигига тааллуқли бўлмаган бир нарса бор. Бу ўзига бўлган ишончдир. Ишонч ёки бўлади ёки бўлмайди. Жамиятда ўз ўрнини топган инсонларнинг ҳаммаси ўзига ишонган инсонлардир. Агар хаётда ўз ўрнини топган инсонларни солиштирасак, уларнинг билим даражасидан кўпроқ билимга эга бўлганларнинг айримлари ҳеч нарсага эришмай ҳаётда нолиб ўтишади. Эмишки, унда бор билим, салоҳият, иктидор бошқаларда йўқ эмиш. Эмишки, бирор нимага эришганлар қинғир йўлларда юармишлар. Эмишки, бу иктидорни баҳолашмасмиш. Инсоннинг ўзига ишончи бўлмаса, максади ҳам бўлмайди, мустақил фикри ҳам, қарори ҳам бўлмайди. Энди нима қиласиз? Бу фарзандни, бу хотинни, бу ходимани, бу ишчини, бу раҳбарни кандай қилиб ишончга киргизамиш?

Ўзига ишонмаган инсон ҳамма жабҳада енгилади. Ўйлашида, каръера қилишда, оила қуришда, ўзини мактандада камтарона “йўқ” деб тураверади. Сурункали кайфият-

сизлик ва нолиш руҳиятнинг таназзулига, тушкунлигига сабаб бўлади. Руҳиятнинг доимий асабийлиги, жаҳлдорлиги, ҳамма нарсадан айб қидириши, натижага доимо ёқимсиз баҳо бериши ва “қовоғидан қор” ёғишидан ҳамма чарчайди. Ҳатто ўз ички аъзоларида ҳам чарчашибодир бўлиб, ошқозон яраси, аллергия, юрак касаллиги, бош оғриги каби касалликларга ортиради.

Ўзига ишончсизлик нима?

Ишонч нима? Шу саволга жавоб топсак, ишончсизликни тушуниш осон бўлади. Ўзига ишонч пайдо бўлганда инсон аниқ била оладиган, қила оладиган, эришса бўладиган хақиқатни англаған руҳий ҳолатда бўлади. Бу пайтда тезлик билан қарор чиқариш оқибатида бирор фаолиятни бошлаш учун ички кучни сезади.

Ўзига ишончсизлик бекарорлик, мақсадсизлик, умидсизлик, гумонсираш, иккиланиш, аросатда қолиш каби ҳолатлардир. Ўз имконияти ва салоҳиятини тӯғри баҳолай олмаслик натижасида қарор қабул қила олмаслик, узоқ чўзилган иккиланиш кайфиятида яшашдир.

Ўзига ишончсизлик қандай пайдо бўлади?

Ўзига бўлган ишончни одамнинг ўзи тарбиялайди. Бундан келиб чиқадики, ўзига ишончсизлик ҳам тарбияланади. Ота-она, ўқитувчи ва атроф-мухит, яқинлари томонидан тарбияланади. Сиз болани қандай тарбияляяпсиз? Буни билиш осон.

“Қилолмайсан”, “бажара олмайсан”, “хали кичкинасан”, “тўхтаб тур”, “ўзим қилиб бераман” каби сўзларни гез-тез ишлатасизми? Сиз фарзандингизда унинг ўзига бўлган ишончсизликни тарбия қиляпсиз. Етти ёшгача бўлган бола учун ота-она тимсолдир. Бола отасига ёки онасига ўхшамоқчи бўлади. Хулқ-атвори, гаплашиш

усули ва ҳатто юришига тақлид қилади. Болада бу ёшда бошқаларга солиштириш малакаси бўлмайди. Бошқа ота ёки она ўзининг ота-онасидан яхшироқлигини тушунмайди.

Маслаҳат:

Тарбия жараёнида “аҳмоқ”, “жинни”, “довдир”, “қи-лолмайсан”, “эплолмайсан”, “нотўғри”, “синдириб қўя-сан”, “калланг етмайди” деган ҳақоратларни ишлатманг.

Бирон ҳаракати нотўғри бўлса, нега нотўғрилигини тушунтиринг. Мумкин эмас бўлса, нега мумкин эмаслигини ўргатинг. Эплай олмаса, нега бу ёшида шу вазифани қилиши ноўрин эканлигини айтинг.

Ўсмирлик пайтида бола тез ўсишни бошлайди. Ўғил болаларнинг овози дўриллашни, қизларнинг эса ҳам жисми, ҳам руҳияти нозиклаша бошлайди. Агар фарзандингиз ўсишда ўз ўртокларидан оркада қолаётган бўлса, қизларга ўз танасидаги ўзгаришлар ёқмаса, ўзига бўлган ишончи сўнади.

Севги бобида ўсмирлар ҳиссиётта тўлиб-тошадилар, ўзлари учун янгиликлар яратадилар. Шу жойда кадриятлар тизими – орият, шаън, уят, истихона, андиша, ўзини хурмат қилини ва хурмат талаб қилиш каби жихатлар шаклланади. Бу пайтга келиб тақлид қилиш бошингизни. Севган актёрига ўхшашига, ёқтирган футбольисига ухшаб соч олдиришга ҳаракат қилади. Шунда катталашингиз эътирозларига ўсмирлар ҳаётда факат ота-онага эмас, узиарга ўхшамаган бошқа инсонларга ҳам тақдиз қилини ёмон эмаслигини айтадилар. Ота-онани “Нега сиз аму кишидек ийл тутмаянсиз, нега бу қарордан кўркянесиз” деган баландпарвоз гаплар билан айблайдилар. Кни болалар замонавий кийинниш, соч тұрақ-

лашнинг салбий томони йўқлигини айтиб ўзларини оқладилар. “Ўсмирлар максимализми” деб аталадиган бу давр ота-она учун осон кечмайди. Ўсмир ўзи истагандек баланд бўйли, кенг елкали, аълочи бўла олмаса, ўзига нисбатан ишончсизлик шаклланади. Ўсмир вояга етар экан, фарзандингизга нафақат сиз, балки дўстлари, бошликлари, устозлари ҳам таъсир ўтказа бошлайдилар. Ташиб оламдаги интернет, медиа, телевидение ҳам ўз домига тортади. Бу оламнинг ичида ўсмир ўз ўрни ва қиёфасига, қадриятлар тизимиға эга бўлиши керак.

ПУЛ ПСИХОЛОГИЯСИ ҲАҚИДА

Моддий бойлик ҳар бир инсоннинг ўзи эришган ютуқлари ва яхшилик қилиш кучидир.

Бу дунёга келган гўдак вояга етиб эр бўлади, аёл бўлади. Эр ва аёл ота-онага айланади. Инсоннинг мана шу даврда пулга бўлган муносабати ҳам ўзига хос бўлади.

Пул яшаш учун керак.

Пул алмашинув воситаси.

Пул ҳаётий тажриба майдони.

Пул ижтимоий қатламни пайдо қиласди. Пул йигиш бир ижтимоий қатламда уни увол қилмаслик деб баҳоланса, бошқа ижтимоий қатламда зиқналик деб баҳоланади.

Пулсизлик камбағалликми?

- Биринчи психотип: бу тоифадаги кишилар «Пул – эркинлик» дейдилар.

- Пул муносабатларида низо пайдо қилмайдилар. Пул эришиш, ривожланиш ва меҳр каби қадриятларга эга бўлади.

- Пулни яхшилик ва эркинлик йўлида ишлатувчилар «пул билан уришмайдилар», депрессияга кирмайдилар ва пул билан депрессиядан чикишмайди.

- Пул улар учун мақсад эмас, балки мақсад учун воситадир.

- Мақсадга пулсиз етишнинг иложи бўлса, бу инсонлар учун пулнинг қадри тушиб кетади.

- Пул муносабатида жавобгарлик ва меҳнат маҳсули пулга хурмат юзасидан карашади.

● Иккинчи психотип: “Пул – ёмонлик, эркинликнинг йўқолиши, пулга қарамлик” дейдиганлар тоифаси. Пул ёлғоннинг бошланиши, муносабатларни бузувчи, ноҳакликнинг бошланиши деб хисоблайдиган инсонлар.

- Пул муносабатида “ўзимники”, «менга кўпроқ» дейди. Муносабатларда низоларни пайдо бўлганда, қадриятни танлашади. Аммо бу танловлари замирида ўзини ва узгаларни айблаш ва кечира олмаслик каби негатив хиссиятлар пайдо бўлиши мумкин.

- «Бой бўлиш ҳам оғир» деб қўп меҳнат қилишади. Доимий пул етишмаслиги ва пулсизликдан нолиш хусусияти уларга хос.

● Учинчи психотип: «Пулсизлик ўлим билан teng, пулсизлик қарамлик» деб фикрлайдиган инсонлар.

- Пул бўлмаса кайфият ёмон, пулсиз ҳар қандай сиёсат саёз, пулсиз бел бодга чалинади деб ўйлайдиган инсонлар.

- Максад кўйишдан олдин пулни тахлаб олишади. Пул топиш йўлларини яхши билишади. Пул олди-бердисида албатта муаммога дуч келишади. Чунки пуллик муаммонинг боши ҳам, охири ҳам ўзлари.

● Тўртинчи психотип: «Пул учун қадриятларини бир четга сурган инсонлар. Пул бу алдамчилик, қўлнинг кири, ҳаром йўл билангина эга бўлиш мумкин бўлган восита» дейдиган кишилар тоифаси. Улар ўз фикрлари қарама-каршилигига яшайдилар. Маънавий бой бўлиш билан моддий бой бўлишга ажратган ресурларни тенг микдорда.

- Пул ишлаш жараёнида ҳаром йўлларни босиб ўтгани учун ўзини айблайди, виждони қийналади.

- Пули бўлса ҳам ҳаловати йўқ инсон доим «яхши-ёмон куни»га атаб пул йигади. Пул сарфлашга жуда хасисларча ёндашади. Ўзига пул сарфланни энг охирги ўринга кўйиб, ўзини хўрланган, азобланган ҳисоблади.

- Пул бору, мавке йук, сиёsat йўқ хилидан. Ҳамма жойда пул билан ютукка эришади. Одамларни пули билан ўзига қарам килиб ишлатади. Хулк-атворида эгоизм, манманлик, кибр, қай йўл билан бўлсада голибликка эришини мақсади устун туради

- Бу инсонлар «бошлиқ», «куч», «хавфсизлик» легандада пульни тушунадилар.

- Пул масаласида инсонлар бинар муносабат тортишув ва агрессияга ясосланади.

- Пул устида тортишни замирядиа пулини замий стмагани учун ружан күчсизланини ётади. Бу инсонлар меҳр стмаслигини ҳам пулсиликка такайди

- Пул муносабатларида жула кўп кўн аданиладилар.

- Ўзига пул ишлатиб қўйса, ўзини айбдор ҳис қиласди.
Бошқаларниям кўп пул сарфлашда айблайди.

ПСИХОСОМАТИК КАСАЛЛИКЛАР ҲАҚИДА

САРАТОН – РУХИЯТ ИЗТИРОБЛАРИ ОҚИБАТИ

Инсон нега касал бўлади деб ўйлайсиз? Касаллик нима ўзи?

Касал бу кучсизланган, ички душманни енгиш йўлида қуввати етмаётган, ўзига ишончи камайган инсондир. Айникса, “тузалмайдиган” дард – саратон касаллигига чалинганлар учун бу янада оғирроқ. Илм саратон тузалмайди деганда, яқинлари раҳм кўзи билан қарай бошлаган, касаллик билан курашишда ёлғиз қолган инсоннинг ички дунёсини соғ одам тушуниши қийин. Аслида саратон касаллиги ҳамма касалликлар кабидир. Сиз онгингиздаги “саратон тузалмайдиган касал” деган “бегона” фикрни олиб ташланг. Давоси йўқ касаллик фақат ўлимдир. Бошқаларнинг гапига бўйсунманг, саратон касаллигининг тузалиши қандайлини сиз шифокорларга ва яқинларингизга кўрсатиб бера оласиз. Организмингизда дори ишлаб чиқарилиши учун барча имконият бор, яни Менделеев даврий системасидаги барча элементлар мавжуд. Организм ва рухият сизники, унга саратон касаллигига қарши ўзинг дори ишлаб чиқарасан деган буйруқни бериш керак, холос. Шифокорларнинг барча кўрсатма, буйруқларини бажарган ҳолда рухиятингиз ва танангиз билан ишлашингиз лозим. Сиз танангизни тажриба қилинишига созламанг. Яъни, ҳар хил табиб ва ўтлар билан даволаш учун шифокорлар кўрсатмасидан воз кечманг. Бутун дунё соғликни сақлаш ташкилоти, шу жумладан, Ўзбекистон онкологлари ҳам

онкологиядаги әнг илғор билимларни ўз тажрибаларида қўллашади.

Саратон касаллигидан фориғ бўлиш учун кўнгилдаги қалб оғриғи, нола, айблов, газаб, нафрат, ўзидан қоник-маслик, шубҳа-гумон кабилардан қутулишга ҳаракат қилинг.

1. Касаллик билан курашишга ўзингиз ва факат ўзингиз масъулсиз. Бу йўлда мен кучлиман, менга берилаётган ёрдамдан тўлиқ фойдалана оламан деган қарорга келинг.

2. Ҳаёт йўлингиздаги мушқулотлар, оғриқли кунларни унутинг, озор берган инсонларни кечиринг. Ўтган кунларингиздан, яхшилик қилган, оёғингиздан чалган инсонлардан рози бўлинг.

3. Энди ўзингизни бошқача номланг. Касал, ожиз, ўлим йўлида яшаётган инсон эмас, соғлом руҳиятли соғтанани бошқаришга отланган, кучли, хар қундан завқланадиган инсон сифатида ўзингизни кашф қилинг.

4. Тана кучли оғриқка чидамайди, дорилар фойда бермайди деган фикрларни, кўркувларни ичингиздан чиқариб ташланг. Акс холда касалликка ён босасиз.

5. Организмни бошқариш учун ҳамма ҳуқукларингизни жамладингиз, энди тасаввурингизни кенгайтиринг. Тасаввурингизда танангиздаги сиз учун душманлик килаётган ҳужайраларни топинг, уларни ичингиздаги кучни ҳужайралар енгайтганини ҳис килинг. Бу йўлда дорилар, яқинларингизнинг дуолари, шифекорларнинг солий-харакатлари ёратм берабётганини тушунинг.

6. Ҳар куни соғлиқ томон оидинча бир қадам ташланг. Мен сизга ишонаман, сиз кучлисиз!

Саратон билан касаллансан беморларнинг яқинларига

Албатта, ҳар бир инсон ўз яқини бошига оғир дард тушганда эсанкираб қолади. Ҳозир унга сизнинг ёрдамингиз керак. Ёрдамингиз эсанкираш, раҳм кўзи билан караш, хафа бўлиш ва йиғлашдан иборат бўлмаслиги лозим. Давоси йўқ дарднинг ўзи йўқ. Ўзингизни қўлга олинг. Энди нима бўлади деб қўрқув, ваҳима ва хавотирларларга тўла келажакни тўқиманг. Ҳаммаси яхши бўлишига аввало ўзингиз ишонинг. Дардман инсон билан гаплашганда куйидагиларга амал қилинг.

1. Бемор билан мулокот вактида “кучли эканингизни кўрсатадиган вақт келди», деб даволаниш учун буюрилган шифохонани айтинг. Беморда ғазаб, айлов, жазава, тушкунлик, психологик шок пайдо бўлиши мумкин.
2. Сиз ўз яқинингизга керак бўлган бир пайтингизда, ўз иродангизни сўзлар билан ифодаланг.
3. Шифокорларга тазийк ўтказманг, уларнинг малакасига ишонинг.
4. Ўзингиз ва bemor бўлган яқинингизнинг ҳаёт тарзи завқли бўлиши учун ҳаракат килинг.

КАСАЛЛИК ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛАДИ ВА ЙЎҚОЛАДИ

«Қаёқдан келди бу бало, билмай колдим?!» дейди касал бўлганларнинг кўпчилиги. «Касал-пасал бўлиб колмай бу кетишда деб қўрқаётувдим” дейди иккинчи тоифадаги одамлар. «Мени касал қилди, еб битирди, бошимга етди!» дейди яна бир хиллари. «Ўзим айборман, вактида ўзимга қарамадим...» дейди яна бир турфа одамлар.

Касал бўлиш – аввалдан эришолмаётган ютуққа “касал” деган мавқе орқали эришишидир.

Сиз ўзингиз хоҳлаган ечимга бошқа йўллар билан ета олмайсиз ва биргина «касал» номи орқали эга бўласиз. Касаллик унга эҳтиёжингиз қолмаганидагина йўқолади. Эҳтиёжларни қондириш учун ўзини касалланган ҳолда тутиш ҳолати десак ҳам бўлади. Шифокорлар психологияк муаммони тана азобланишини рўкач қилиш орқали ечиш ҳолатини «психосоматика» деб атайдилар. «Чикаго еттилиги» деб аталган бу етти хил туркум қўйидагилардан иборат:

1. Гипертония касаллиги.
2. Юрек ишемик касаллиги.
3. Бронхиал астма.
4. Ошқозон ва 12 бармоқ ичак яра касаллиги.
5. Нейродермит.
6. Ревматоид артрит.
7. Қандли диабет касаллиги.

«Касал бўлиш» орқали нималарга эришилади:

1. Сиз «касал» бўлиш орқали эътиборга ва сизни аяшларига эришдингиз. Ўзингиз хам «мажбур бўлганингиз» ҳолда, ўзингизни эҳтиёт қила бошладингиз, бир сўз билан айтганда – ўзингизга ҳурматингиз ошди.

Энди сиз «виждонингиз кийналмаган» ҳолда доридармон олишингиз, дам олишингиз, санаторияни «мажбур бўлганингиз» ҳолда ўзингизга раво кўришингиз мумкин. Бу маблағни соғ бўлганингизда ўз эҳтиёжингизга ишлата олмаган бўлардингиз. Албатта, уй таъмир-

лаш, фарзандни ўқитиши, ўзингдан олдин қайнота-қайнонани дам олишга жўнатиши қонунларини бузиб бўлмас эди.

2. Касал бўлган инсонга «касалидан фориғ бўлиши» учун дам олишга «рухсат» берилади. Ҳаётда чарчаган, азобланган, ўзини «оёқ остида қолган» деб ҳисоблаган инсон бу ҳолатдан чиқишнинг энг осон йўли «касал» ортириш деган хulosага келади. Касал бўлишни албатта фикрлаб, ўйлаб қилмайди, аммо онг ости барча факт ва мавжуд ечимларни ўз тарозисига солиб шундай хulosага келади.

3. Яқинларининг меҳрига, эслашига, аяшига эришган холда ўзини ожиза «аёл» даражасига кўтаради гўё. Ўзини «кучли, улдабурро» деб ном тарқатган инсонга миннатдорлик эълон қилиш, уни аяш, меҳрлироқ бўлиш хаёлимизга келмайди. Тўғрида, ўзини ожиз деб кўрсатган инсонгагина ёрдам бериш керак деб ҳисоблаймиз-ку. Ўзи эпласа, сиздан яхши бажарса, ақли етаётган бўлса, сизнинг унга нима керагингиз бор? Тўғрими?

4. Яқинларингизнинг эътиборини, дўстларингизнинг яқин келишини «касал» бўлиш орқали сотиб олдингиз. Сиз учун ҳамманинг диққат-эътибори қаратилди. Маблағлар сиз учун сарфланмоқда. Сиз учун корони тунда нур қидириб юришибди. Қандай яхни! Тўғри масми? Сиз хақингизда ҳамма ёқда гапириниңти: тўйла, телефонда, сельфида, маъракада, кечасиям кундузниям сиз одамларнинг оғзига тушдингиз. Бир муддатда шовшувга сабаб бўлдингиз-кўйдингиз. «Қандай яхни!»

5. Ҳамманинг олдида касаллик юкини ўз елканини мардонавор кўтараётган «қаҳрамон»га шарқи ва ишмиро бўлади. Эр қолиб, укангиз ҳам замояга ўзбеклибди

Болаларингизни-ку сизга сажда қилиши даражасигача олиб келдингиз. Майлида, ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди бундай «қаҳрамонлик». Сизга ҳурмат ошди, эътибор кучайди, «қаҳрамонликларингиз» олдида тил ожиз! Фарзандларингиз, эрингиз қарз олар, ахир сиз учун пул топилади, хавоти-и-ирланма-а-аанг! Ҳаётда бажараётган ишингиз ўзингизга ёқмаётган эдими? Ҳар доимгидек тезда йўлини топдингиз – «касал бўлиш қандай яхши-я!»

6. “Ўлим тўшагида» ётган инсон «васиятлари» албатта бажарилади. Факат ўлдириш бор, ўлимдан дарак йўқ! Шу баҳона ўғлингизнинг рўзғорини, уйини алоҳида қилиб қўйинг, қизингизга хужжатларга қўл қўйдириб олинг. Яна ким борийди сизнинг айтганингизни қилмаётган? Бир кўрсатиб қўйинг уларга, ха, васиятномангиз доим тайёр турсин!

7. Базан осмонга қараб ётиб чарчаганингиздан бошқа бундай қилмайман дерсиз... Нима бўлгандаям эътибор сиз кутганчаликми? Уйингиздагиларнинг қарзга кириши оиласингизга муаммо келтирмайдими, хўш, уйингиздагилар васиятингизга амал қилишармикан? Кимларга кераклигинги тушуниш учун ўзингизни ҳам, бошқаларни ҳам азобга қўйишингиз шартмиди?

8. Ўз ҳаётингизни тарозига солиб кўрдингизми? «Қон босимим кўтариляпти!», «Аллергия тошяпти!», «Сахарим ошиб кетди!» деганда нега касалликларни “меники” деётганингизни ўйлаб кўрдингизми? Аллергия нега сизники бўларкан, қон босими нега сизники бўларкан, чуррангизни операция қилишларига ҳам бермаяпсизми? “Меникимас” десангиз, кейин курашишга тўғри кела-дими?!

Агар эҳтиёжларингизни қондиришнинг оғир йўлига кўймасангиз, борига сабр қилмасангиз, баҳтсизлигинизда ҳаммани айбласангиз, «тана концерт» уюштириш йўли билан ўз мусиқасига ўйнатишни бошлайди. Аввал сиз ўйнайсиз, кейин яқинларингиз, сўнг дунёни ўйнатади, шифокорлар ҳам, болаларингиз ҳам раксда рақсга тушишади!

Ўзингизга савол беринг:

1. Бу касал орқали нимага эришмоқчиман? Ҳаммасини оқ қоғозга ёзинг. Йиғламай ёзинг...
2. Касал бўлганда қондирилган эҳтиёжларингизни сананг. Соғ вактингизда бу эҳтиёжларингиз қондирилишига эриша олармидингиз?
3. Фарзандингиз ўз муаммосини ечишнинг бошқа йўлини ўйлаб топар. Энди касал орттириб унга тўй ҳам қилмайсиз, машина ҳам олиб бермайсиз, тўғрими?!
5. Сизга озор берган одам кечирим сўрагани рост. Сизни шу аҳволга туширганлар тавбасига таянди-ку?!
6. Бу мусиқага ўйнашга ва ўйнатишга ўрганиб қолган тана орқага қайтиш йўлини топиб олармикан? Кўп ҳолларда топа олмайди. Ўрганган кўнгил ўртанса кўймас деганлари шу бўлса керак!

Касаллик унга бўлган эҳтиёжсининг йўқолиши билан кетади!

ПАТОЛОГИК ҚАРАМЛИК ЁКИ АДДИКЦИЯ

Аддикция – бирор қимага ҳаддан ортиқ берилниш холати бўлиб, шахсий ёки социал муаммонинг шу тарзда кўриннишидир.

Аддикциянинг тури шунчалик кўпки, бўлардан энг кўп тарқалганлари қуидагилар:

- компьютерга (телефонга) қарамлик;
- гемблинг қарамлиги (ҳар хил компьютер ўйинларига қарамлик);
- балиқ тутишга боғланиб қолиш;
- коллекционерлик қарамлиги;
- ишга қарамлик (ҳаддан ташқари ўзини қийнокқа соладиган даражада меҳнат қилишга мойиллик);
- севги қарамлиги (бир инсонга боғланиб қолиш);
- шопоголизм;
- фанатизм;
- овқатланишга қарамлик;
- экстремал вазиятларни исташ қарамлиги;
- сигаретга қарамлик;
- киёвий воситалар, шу жумладан, доимий дори истеъмол қилишга бўлган қарамлик.

Аддикция факат мутахассис ёрдами билан ечиладиган муаммодир.

Аддикциянинг маълум бир турлари факат психолог ттомонидан ҳал қилинса, баъзи тарларини бартараф этиш учун психотерапевт ва шифокорлар ёрдами керак бўлади.

Шахсий ҳаётида муаммоси ёки ўзига боғлиқ бўлмаган ходиса, воқеага муаммо деб қарайдиган шахслар кўпинча муаммони эътиборга олмаслик йўли билан ечишга интиладилар. Ҳаётий муаммо ҳал этилар экан, шу муаммо ортда волади, у энди бўлмайди, уни ечиш жараёни одамни билимли қиласди, тажрибасини орттиради.

Ҳаётда ўз ўрнини топа олмаган инсон компьютер ўйинида юксак ўринларга сазовор бўлса, қонда баҳт гормонлари пайдо бўлади, ўзини виртуал кучли сезади. Ҳар сафар янада кучли бўлиш йўлида аддикция, яъни кўп овқат истеъмол қилиш, гемблинг, шопоголизм, фанатизм кучаяверади...

Ҳаётингизни завқли қилиш ўз қўлингиздадир!

АУТИСТ БАХТСИЗ ЭМАС!

«Мен аутистман... Мен чарчадим...

Мени тушунишмаганликларидан, ҳадеб тўғрилайверишларидан, жазолайверишиларидан, танқид қиласверишиларидан, ўзларига ўхшатиш учун дарс ўтаверишиларидан... Ҳамма-ҳаммасидан чарчадим...

Ҳа, мен аутистман! Ҳа, мен бошқачаман! Аммо тушунинглар, мен ёмон эмасман... мени тушунмасликларидан чарчадим... Мени боримча қабул қиласмасликларидан чарчадим. Мендан «нормал» бўлишни кутишларидан чарчадим. Мен “нормал” эмасман! Тушунсангларчи! Мен аутистман. Мен бошқачаман. Ҳамманинг ўз тарозиси бор. Аммо аутистнинг дунёни қабул қилиш тарозиси бошқача. Ёмонмас! Яхшимас! Бошқача, тушуняп-сизларми? Ҳамма нарсанинг ўлчов бирлиги бор: килограмм, метр, дақика. Аутистнинг ўлчов бирлиги ўзига хос, яна бир марта айтаман, ёмонмас, яхшимас, ўзига хос. Ўзингизга ўхшатишдан, аутистлар сизгни ўзига ўхшатишларини бас қилинг. Ёмон кўрманг, ийғламанг, баҳтсиз деманг. Аутист баҳтсиз эмас!»

Аутист болалар бирим ажойибки, олдингизда туриб сизни кўрмаслиги мумкин. Атайлаб қиласди деманг.

Ҳақиқатан курмайди ва сизни сезмайди. Ўз-ўзидан кўлларини кўтариб, бир жойда айланаверса қўрқманг. Аутист шу тарзда фикр юритади. Бир хил монотон овозда битта саволни эллик марта бериши мумкин. Атайлаб эмас, бир марта айтганини билмайди у. “Тўхта, бу саволни эллик марта сўрадинг”, десангиз бир марта сўрадим-ку дейди. Яна қайтараман: уларнинг тарозиси ўзига хос ишлайди. Бузук тарози эмас, ўзига хослик бу. Айбламанг. Тушунишига ёрдам беришга ошиқманг, аввало уларни борича яхши кўринг.

Бир хил аутистларда нутқ сақланади, баъзиларида нутқ бўлмайди. Баъзилари ақлий ривожланишдан тўхтавиши, баъзилари юксак ақл соҳиби бўлиши мумкин. Баъзи аутистлар китоб ёзиш даражасида ақл ва идрокли бўлса, баъзилари ҳатто ўқишни билмайди.

Улар одам товушини бошқа товушлардан ажратадилар. Улар дунёни ўзига хос қабул қиласидар.

Генетик нуқсон борлиги учун бу инсонларнинг мияси доимий фаол ҳолатда бўлади. Аутист кўрган, эшитган, сезган нарсаларини бир-бiri билан боғлолмайди, кўрган, эшитган, сезган нарсалари ҳақида холоса чикара олмайди. Бу инсонларнинг мияси дунёни бутунича эмас, узук-юлуқ қабул қиласиди. Кўлингизни кўтардингизми ёки кўлингиздаги қаламни кўтардингизми, бунинг фарқини тушунишмайди. Инсон овози ва машина овози улар учун битта нарса. Аутистнинг отини айтиб чақирсангиз қарамаслиги мумкин, аммо кўчадаги машинанинг овози уни жунбиишга келтиради. Ота-она боламиз биз чақирганимизда қарамайди, лекин машина овозига карайди деб хафа бўлишади.

Уларнинг сезиң қобилияти ҳам ўзига хос бўлиб, ҳар хил сезгилар бир-бири билан боғлиқ бўлмаган холда умумийликни пайдо қилмайди. Масалан, иссиқ овқатни еб, тили куйиб йиғлади, аммо кейинги сафар иссиқми-йўқми текшириб кўрмайдилар. Сезги аъзоларида бузилиш борлигини ўзини тинчлантириш учун бармоқ тишлаши ёки бир жойда айланиш, бир нуқтага қараб ўтириш каби ҳолатлардан билиш мумкин.

Аутист ўзгарадими?

Аутистнинг келажагини башорат қилиб бўлмайди. Улар-нинг энг яхши ўқитувчилари ота-оналаридир. Аммо ота-онага профессионал психологлар бу бола билан ишлашни ўргатишлари керак. Аутистда агресив кайфијат ва агресив муносабат бошландими, демак, ота-она бундай бола билан муносабат қилишни билмайди.

Аутист бошқа инсонларнинг ҳиссиётларини қабул қила олмайди. Чақалоқ биринчи кундан бошлаб онанинг кўз қарашлари, мимикасига қараб яхши-ёмонни таний бошлайди. Кичик болакай йиқилса, онасига қарайди: агар она қулса ва боласига ёрдам берса, бу ҳолат оддий эканлигини ҳис қиласи. Аммо аутистнинг мияси маълумотларни онасининг мимикаси, кайфиятини узук-юлук ҳамда ўзгарган ҳолатда қабул қиласи. Масалан, аутист инсонларнинг юзи ва оғзини кўриб, кўзини кўрмаслиги ва шу пайтдаги она овозини телевизор овозидан фарқлай олмасликлари мумкин. Аутист бола атрофдагиларнинг фикрлаши, истаклари ва ҳаракатлари ўзиникига ўхшамаётганини тушуниб қолади ва шу пайтдан бошлаб атрофдагилар билан мослашишни ёки унга мослашишлари кераклигини кўрсата бошлайди.

Ташқи дунё билан мослашиш аутистни тинчлантира бошлайди.

Аутизмнинг сабаби нима?

Гендаги ўзгаришлар аутизмга сабаб бўлиши аниқланган. У жуда яхши ўқишлари мумкин, аммо ҳазилни тушунмайди. “Тўхта!” десанг тўхтайди, аммо бу гап тагида киноя ётганлигини сезмайди. Қўлига қоғоз бериб “буни е” десангиз чайнай бошлайди. Йўқ, у жиннимас, у ҳамма нарсани ўзича, борича тушунади. “Раҳмат!” деган сўзни бақириб ёки нафрат билан айтиши мумкин, бироқ буни ўзи тушунмайди. Агар бурнингизни катта деб ҳисобласа, «бурнингиз катта», деб айтади ва бундан сизнинг хафа бўлишингиз мумкинлигини англамайди.

Мехр, кечириш, ёрдам, севги уларга ҳам зарур! Аутистларнинг ўзига хос гапириш тили бор: бу инглизчамас, япончамас, имо-ишора тили ҳам эмас! Бу аутист тилидир! Уларнинг ўзига хос меҳри бор – бу аутист меҳридир!

Уларнинг ўзига хос дунёни қабул қилиши бор – бу аутистлик даражасидаги дунёни қабул қилиш системасидир!

Аммо улар худди сиздек инсон: ўзларини тушунишларини, ёрдам беришларини, севишни ва севилишларини истайдилар! Аутистларни айбламанг, сизга ўхшаб юрмагани, ўйламагани, кулмагани учун уришманг. Улардан нафратмланманг, касал деб ўйламанг. Аутистлар ҳам баҳтга лойик, факат унга якин келсангиз бўлди.

ЁЛГИЗМИСИЗ?

- Кун бўйи телефонингиз жирингламаса, бу сизнинг ёлғизлигингизни билдиrmайди! Бу дўстларингиз йўқлигини англатади.
 - Соатнинг чиқ-чиқ этган овози қулоғингизга ўринашиб қолдими? Бу ёлғизлик эмас! Бу бўш вақтингизнинг қўплигидир!
 - Кутадиган ҳеч кимингиз йўқми? Бу ёлғизлик эмас! Бу – пессимизм!
 - Бошқа бирорнинг ҳаёти билан яшашдан баҳтиёрмисиз? Бу ёлғизлик эмас, бу ўзингизга бўлган ишончсизликдир!
 - Гаплашишга ҳеч ким бўлмаса, ўзингиз билан ўзингиз гаплашаётганингизни сезиб қолдингизми? Бу ёлғизлик эмас, бу – касаллик!
 - Бир хонага кириб олиб кун бўйи йиглаяпсизми? Бу ёлғизлик эмас, бу – депрессия!
 - Сизни ҳеч ким тушунмаганидан ўзингизни ёлғиз сезяпсизми? Бу ёлғизлик эмас! Бу – эгоизм!
 - Ичингиз тўлиб кетганидан овозингиз борича бақирингиз келяптими? Бу ёлғизлик эмас! Бу – оғриқ!
 - Сиз ҳеч кимга керакмасмисиз? Бу ёлғизлик эмас! Бу ўзингизни алдаётганингиздир!
- Ёлғизликни биз ўзимиз ўйлаб топамиз.

ҚЎРҚУВ ВА ФОБИЯ ҲАҚИДА

Қўрқув бу организмнинг ҳимоя механизми бўлиб, ҳайётга хавф туғилганда организмда гормонлар ишлаб чиқарилади. Бу жараён қўрқув ҳисси пайдо бўлган дамдир. Бунда юрак тез уриб кетади, нафас олишнинг тезлашади, юз оқариб кетади ва ҳ.к. Қўрқув ҳиссиёти

пайдо қилған ҳимоя реакциялари фойдали бўлиб, баландликдан тушиб кетмаслик, иссиқ сувда куйиб қолмасликдан ҳимоя қиласиди. Кўркув онг фаолияти томонидан назорат қила олинадиган ҳолат ҳисобланади. Кўркув ҳиссиёти сабабли инсон хавфдан узоқлашади ва ҳаёти учун хавфсиз ҳолатни танлайди.

Фобия – бу реал бир хавф бўлмаган ҳолатда ҳам пайдо бўлиб, психикага мустаҳкам ўрнашади, доимий кўркув ҳолатини пайдо қиласиди. Фобияни назорат қилиб бўлмайди. Фобия пайти инсон ўз ҳаракатига жавоб бермайди ва ўзини бошқара олмайди.

Агар инсон ҳаётида хавф туғилган ва шу вакт қўрқкан бўлса, бу вазиятнинг такрорланишини истамайди, бу ҳолатдан қочади. Аммо вазиятнинг яна такрорланиш эҳтимоли бўлса, ўз қўркувини енга олади. Масалан, метродда қўрқкан одам метрога бошқа тушишни истамайди, аммо иложи бўлмаса қўркувини енгиб метрога тушиб ўз қўркувини назоратга олади.

Фобияда эса инсон ўзини назорат қила олмайди ва вахима жазавасига тушади, ўз хатти-ҳаракатларини бошқара олмайди. Уни мажбурлашса руҳий жароҳат олиб, хушдан кетиш каби ҳолатлар рўй беради.

Бутун дунё статистикаси маълумотларига кўра дунё ахолисининг ҳар саккизинчисида фобия бор экан.

Фобия турлари:

* Ижтимоий фобиялар – кўпчиликнинг дикқат марказида бўлиш фобияси. Бошқалар олдида уялиб қолишдан, камситилишдан қўркиш. Нотаниш давраларга қўшила олмаслик. Маъруза қилишдан, кимгадир гапиришдан қўркиш.

* Агорафобия – «менга бир нарса бўлиб колса-я?!» деган фобия. Ёлғиз юра олмаслик.

Ҳайвонот ёки жонзотлардан кўркиш.

- кинофобия – кучукдан кўркиш;
- гатофобия – мушукдан кўркиш;
- арахнофобия – ўргимчакдан кўркиш;
- офиофобия – илондан кўркиш.

Вазият билан боғлиқ фобиялар:

- клаустрофобия – ёпик жойдан кўркиш;
- охлофобия – одам гавжум жойдан кўркиш;
- монофобия – ёлғиз қолишдан кўркиш.

Табиат ва атроф муҳитдан кўркиш:

- акрофобия – баландликдан кўркиш;
- никтофобия – қоронғиликдан кўркиш;
- аквафобия – сувдан кўркиш;
- пирофобия – оловдан кўркиш.

Соғлик билан боғлиқ кўркувлар:

- одонтофобия – стоматологик даволанишдан кўркиш;
- бациллофобия – микроб ва касаллик юкишидан кўркиш;
- кардиофобия – юрак касалланиши ва инфаркт бўлиб ўлиб қолишдан кўркиш;
- гематофобия – кондан кўркиш.

Харакат билан боғлиқ кўркувлар:

- стазифобия – тик туришдан кўркиш;
- лалофобия - ганиришдан кўркиш;
- трекофобия – кўл гитрашидан кўркиш;
- базилефобия – юришидан, қадам гашланидан кўркиш.
- амаксофобия – машинада юришидан кўркиш.

Қўйидаги симптомлардан иккита-дан кўнгиз аниқсанда фобия ташхиси кўйилади:

- терлаш;
- юракнинг тез уриб кетиши;
- титрок;
- оғиз куриши
- кўқракда нохушлик ёки санчиш
- ҳаво етмаслиги
- нафас олиш қийинлиги
- деперсонализация ёки дереализация;
- бош айланиши;
- жимирилаш ёки сезмаслик;
- ўлиб қолишдан қўркиш;
- ўзини назорат қилолмай қолишдан қўркиш;
- совқотиш ёки қизиб кетиш;
- кўнгил айниши.

Кўркувни даволаб, психологик муаммони ечиб, соғлом руҳият эгасига айланинг!

ТЕРМОНЕВРОЗ НИМА

Тана ҳарорати – бу танамиз сиҳати ҳақида маълумот берадиган кўрсаткичdir. Кўп касалликлар тана ҳароратининг кўтарилиши натижасида пайдо бўладиган асоратлар оқибатида кучаяди. Бунда сүяклар қақшаб оғрийди, одам ҳолсизланади, бош айланади. Кўпинча касалликни вирус ёки микроблар чақирган бўлса, кўп ҳолатларда касалликнинг нимадан пайдо бўлаётганини топиб бўлмайди. Томоқда шиши бўлмаса, тумов аломатлари ҳам бўлмаса (умуман тана ҳарорати нимадан кўтарилаётганини топиб бўлмаса), аммо тана ҳарорати пасаймаса, шифокорлар “термоневроз деб ташхис кўядилар.

ВСД – вегетотомир дистониянинг бир кўриниши, термоневроз дейилади. Бунда тана ҳарорати қўтарилиб, ҳолсизлик, бош айланиши, қўл ва оёқ увишиши, суяқ ва бўғимларнинг қақшаб оғриши кузатилади.

Тана ҳароратини нормаллигини таъминлаб турувчи миянинг шу қисмida психологик муаммога нисбатан шу каби жавоб реакцияси пайдо бўлади.

Бу психологик муаммо оғир стресс ҳолатига боғлиқ бўлиши мумкин.

Психолог ва психотерапевтлар тана ҳарорати қўтарилишидан азият чекаётган одамнинг ички муаммоларини ечишга ёрдам беришар экан, термоневроз ҳам ўз-ўзидан даволанади.

Болалар термоневрозида ҳам, катталар термоневрозида ҳам психолог, психотерапевт муолажаси ҳамда ёрдами керак.

ТАРМОҚОМАНИЯ ЁКИ ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР ТАЪСИРИ

Фасэбоокинг

1. Ўз саҳифангизга кирмай тура олмайсиз? Кимdir хабар ёзган бўлса-я? Қизиқарли статус қўйишган бўлишса-чи? Дўстим янги расм юклабдимикан? Аслида сиз бундай ўйламайсиз. Сиз шунчаки саҳифангизни текшириш ниятида кирасиз, чунки уни текширмай туролмайсиз.

Сўровларда қатнашган ижтимоий тармоклар фойдаланувчиларининг 80 фоизи ўз саҳифаларини ҳеч бўлмаса кунига бир марта текширмай туролмасликларини билдирилар. Сўралганларнинг учдан бир қисми эса бу ишни

хавотирли даражада тез-тез амалга оширади ва уларнинг аккаунтларига бирор нарса бўлишидан даҳшатга тушадилар, бирор қизикарли ходисани ўтказиб юборишдан хавотирда юрадилар. Шундан келиб чикиб, мутахассислар хулоса қиласидилар: ижтимоий тармоқларга руҳий тобелик кашандаларнинг сигаретга ўрганиб қолишлидан асло кучсиз эмас.

2. Ижтимоий тармоқлар кучли қизғаниш уйғотади. Ҳеч бир сабабсиз рашикни қўзғатади. Ғарбда ўтказилган сўров якунларига кўра, аксарият одамлар яқинларининг ижтимоий тармоқлардаги сахифаларини кузатиб боришини ўзлари учун ор деб билмайдилар. Қолаверса, бу жуда осон ва енгил амалга ошади. Икки бор сичкончани босиш орқали якин кишингизнинг тармоқдаги барча харакатларини билиб оласиз – ким билан танишган-у, кимнинг статуси ёки расмини баҳолаган, қандай шарҳ қолдирган... Ижтимоий тармоқнинг ўзи эҳтимолий рақибларингизни тақдим этади. Бу масалада ўта қизикарли изланишлар ўтказса бўлади.

Лекин, шошманг! Сиз излаб топган нарса аслида бормикан? Йўқ нарсани қидирмаётганмикансиз? Сўралганларнинг 35 фоизи ижтимоий тармоқлар туфайли юзага келган рашик охир-оқибатда асоссиз бўлиб чиқканлигини тан олдилар. Яна бир қайгули маълумот: Фэйсбук АКШда ҳар 5 та ажратишнинг биттасига, Буюк Британияда эса ҳар 3 та ажратишнинг биттасига сабаб бўрган. Жуда ачинарни ҳолат.

3. Ижтимоий тармоқлар ниша ёрдам беради. Кўплаб ин, берувчилар, ҳодимлар чалгимаслиги учун, ишхонадаги компьютерлардан ижтимоий тармоқларга кириш йўлини тўсаётган бир нийтда, психологлар бундай

қилмасликни тавсия этадилар. Ишда Фэйсбуқ ёки Твиттердан фойдаланадиган кишилар бошқаларга қаранды 9 фоизга самаралироқ ишлар эканлар. Ижтимоий тармоқлар учун қисқа танаффуслар миянинг дам олишига имкон беради. Фақат бир шарти бор – бу танаффуслар КИСКА бўлиши керак!

4. Ижтимоий тармоқлар сизни баҳтсиз қилиши мумкин. Кўпчилик ижтимоий тармоқлардан ўз ҳаётининг ижобий томонлари ҳақида ҳикоя қилиш учун фойдаланади. Масалан, таътилда тушган расмларини қўяди, янги харидлар қилгани билан мақтанади. Лекин ишларингиз тўсатдан орқага кетса, ижтимоий тармоқлар бирпасда душманга айланади. Ҳасад, қайғу, танишларнинг айблашларидан, масхара қилишларидан кўркиб, муаммоларни ёза олмаслик – бундай хислар тушкунликни янада чуқурлаштириб, сизни депрессияга олиб бориши мумкин. Кечагина юзлаб сухбатдош билан гарлашиб турган одам бугун ҳеч кимга дардингизни очолмай колсангиз, худди ҳамма сизни ташлаб кетгандек ҳис этасиз.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ижтимоий тармоқларга берилиш, қанчалик оққўнгил ва хушчақчақ бўлманг, узоқ истиқболда сизни хасадгўй ва майдагап одамга айлантириб қўяди.

5. Баҳтли қилиши ҳам мумкин! Сиз мақтана оласиз. Янги соч турмаги, янги машина ва ҳ.к. истаган нарсангиз билан! Сиз ўзингизнинг шахсий ғалаба ва ютуқларингиз ҳақида ҳикоя қиласиз, ҳамма сизни маъқуллайди.

Ва ниҳоят, сиз кимдир саҳифасига қўйган суратни кўриб қулишингиз, кайфиятингизни кўтаришингиз мумкин. Буларнинг бари ўзингизга бўлган ишончни оширади

ва хаётингизга қувонч қўшади. Лекин эҳтиёт бўлинг! Ижтимоий тармоқларга бузуқ кайфият билан, хафа ҳолда кирманг. Тармоқлар яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам бўрттиради.

6. Сиз дўстларни йўқотасиз. Бу ҳол юқорида айтилганларнинг мевасидир. Ҳасад, аччиқланиш, орзу ҳавасларнинг баландлиги, қизғаниш – ижтимоий тармоқлар ўзимизни салбий томондан қўрсатиш учун ҳаддан зиёд катта имкониятлар беради. Сиз лайқ, “5” баҳо ва мақтovлар кутасиз, лекин сизга эътибор беришмади. Сиз дўстингизга ўзингиз учун муҳим хабар ёздингиз, у эса иши кўплигидан жавоб бермади. Алам қилмайдими?

Ижтимоий тармоқ ҳеч қачон тўлақонли мулоқот ўрнини боса олмайди. Сизни нимадир безовта қиляптими? Бирор жойда учрашинг ва ичингиздагини тўкиб-сочинг. Сизни албатта тинглашади ва эҳтимол, кўллаб-куватлашади. Ҳар ҳолда, дўст(лар)ингизнинг бор эътибори сизда бўлади. Иш ўртасида сизнинг хабарингизга бирров кўз ташлаб қўйиб, чалғитганингиз ёқмай, “ОК” ёки “Йўғ-э-э-э” деб ёзиб юбориш қаерда-ю, жонли сухбат қаерда! Тармоқдан мана шу учрашувни тайинлаш учун фойдаланинг, дардингизни достон қилиш учун эмас!

7. Ижтимоий тармоқлар кўзингизга ўзингизни хунук кўрсатиб қўяди. Ижтимоий тармоқлар туфайли одамлар ўзларини меъёрдан ортиқ семиз ёки ориқ, пакана ёки дароз деб ўйлай бошлайдилар. Фэйсбуқ фойдаланувчиларининг 75 фоизи ўз ташки кўринишидан норози. Шулардан 51 фоизи бунинг сабаби сифатида ўзларини

бошқаларнинг суратлари билан қиёслашни кўрсатадилар.

ҒАЙРАТ ҚАЙДА БОР

Ҳар бир инсон ғайратга тўлиб, шижоят билан яашни истайди. Бир марта бўлса ҳам ғайратингиз тошиб, ўзингизни ҳамма нарсага қодирлигингизни ҳис қилганимисиз? Албатта, мақсад сари интилиш яшашига куч беради, завқингиз ортади. Агар ғайратсиз, дангаса бўлиб қолган бўлсангиз қандай қилиб ғайратни тошириш мумкин?

1. *Ният қилиши.* Ҳаёлот дунёсига бир саёҳат қилинг. Ишни ният қилишдан бошланг. Шу ниятга етиш учун сизга омад, яхши инсонлар, мавқе, куч келаётганини тасаввур қилинг. Осмон эшиклари сиз учун очиқлигини, келажакка учиб худди мақсадга етган ғолиблигингизни кўриб келган инсонга айланинг. Қалбингиз тин олиб, кўнглингиз тинчлансин. Бу мақсадга қандай бораман, эплолмайман-ку, пулим ҳам кам деб ўйламанг. Ҳатто фикран ўз ишончингизга хиёнат қилманг. Ишонч танангизга сингсин. Сизнинг танангиз қуёшли ишончdir. Миянгизнинг қайси қоронғи бурчагига қуёш нури етиб бормади экан? Нега бирор сабаблар топиб қрополмайсан деяверади? Ўша фикргаям лашкар каби ишончингизни сингдиринг.

2. *Мұхаббат.* Умуман, мұхаббат түнунчасини унутмагандирсиз?! Аввало ўз айнингизга синингтан ишонч күшга айланиб учиб кетиши учун сиз севинчингиз керак. Ўзини севмаган инсонни омад севармиди? Ўзини севмаган, ўзини ҳурмат қильгитан инсонни бошқалар

хурмат ва эътибор ила мақсад йўлида ҳамфикр бўлармиди? Аввало футбол жамоасини йиғиш учун тренер керак. Сиз тренерсиз, ишга яқинларингизни олишдан бошланг. Аёлингиз, фарзандларингиз ва ходимларингизни севинг. Ўзингизга бир жавон, сейф ясанг, хаёлан инсонларни яхши қўришингиз учун монелик қилаётган уларнинг ёмон томонларини сейфга солиб қулфлаб қўйинг.

3. *Шукроналик*. Бир дафатар тутинг. Ҳамманинг отини ёзинг ва жадвал тузиб, сиз исмини қайд этган инсонларга нега раҳмат айтиб, миннатдорлик билдираётганингизни ёзиб қўйинг. Сизни хурмат қилмайдиган инсонларни ҳам ёзинг. Ахир улар сизга энг кўп яхшилик тиловчи инсонлар-ку. Ҳамма яқинларингиз хурмат ва эътибор ила сизнинг вақтингизни ўғирласа, сизни ёмон қўрадиган инсон сизга эркинлик иъном қиласи. Сизни хурмат қилмайдиган инсон ўзининг қатъий фикрини айтиб, яшаб юрибди. Олдингизда бўлса, ундан ҳам яхши. Энди сизга шундай вазифа: узок ўтмишингиздаги сизни ўта хурмат қиладиган инсонларга ҳам миннатдорлик билдириб, “борингизга шукур” деб эълон қилиб қўйинг.

4. Санъат. Бизни хурмат қилмайдиган инсонлар берган эркинлик ва пайдо бўлган бўш вақтни санъат билан тўлдирайлик. Ранго-ранг жилолар билан кўзингизни қамаштирадиган ип қутингизни қўлингизга олинг. Уйда рўзгордаги матоли буюмлар, киймларнинг илиси сўқилган жойларни тикинг. Йиртиқ жойдан дангасалик шамоли кирмасин. Айниқса, шимнинг чўнтаклари, сумкангизнинг таг қаватидаги

кўринмайдиган йиртиқ жойларни ҳам яманг... Балки миянгиз хаёлот оламида шу пайтда саёхат қилар...

5. *Мусиқа*. Хиргойи қилгингиз келдими? Ним овозда шивирланг, қулоғингиз зўрға эшитса ҳам майли. Уйингизни мусиқа овози тўлдирсин. Балки рақсга ҳам тушарсиз. Нима бўлиди. Бу мажлислар зали эмас-ку! Уй ўзингиздан ва ўзлигингиздан уялмайдиган маскан. Фарзандларингизга мусиқадан дарс беринг. Уларни хиргойи килиб дарс қилишга ўргатинг. Хиргойи қилиб чанг артиш яхшироқ. Энг яхши мусиқалар тўпламини йиғинг. Фарзандларингиз қайси мусиқанинг шайдоси? Бу ҳақда биласизми? Уйда ҳар бир инсон ўз мусиқасига эга бўлиб, бошқалар билан ҳам баҳам кўрсин. Ўғлингиз ёки қизингиз реп тинглаяптими, ўчир деманг. Сиз ўчир дессангиз, у ким билан гаплашсин... Репни ҳам ҳазм қилиб кўринг-чи, шунда фарзандингизнинг гаплашадиган қалб мусиқасини ҳис қиласиз. Ҳазм қила олмаяпсизми бу рэпни, демак, сиз болаларингизнинг гаплашадиган тилидан узоклашибиз. Мажбуран уларга тановарни эшиттиролмайсиз-ку...

6. *Қизиқишиларингиз*. Қалбингиз истаган машғулот сизга куч бағишлайди. Фарзандингизнинг расм чизиш истаги бор. Сизда эса истак-хоҳишнинг ўзи йўқ! Кўлингиздан нима келади, ўйлаб кўринг. Пахта терганимисиз? Томга чиқиб, тепадан қараганимисиз? Демак, оғир меҳнат ва альпинист бўлиш сизга хобби эмас экан. Ақвалангист, балиқ тутиш ҳам қизиқтирумайдими? Унда китоб ўқинг. Китоб ўқисангиз бошингиз оғрийдими? Эсингизда қолмайдими? Кўзингиз тиниб кетадими? Унда телевизор кўриш хоббиси қолади, холос. Таом тайёрлашни хоббига айлантиринг. Мазали,

чиroyли, тансиқ овқатлар пиширинг-ки, меҳнатингиз самараси санъат даражасига етсин. Ҳаётда хобби – қизиқиши албатта бўлиши керак. Ҳар куни қўшни аёл билан писта чақиб ўтириш сизга ғайрат бағишлайдими? Болаларингиз билан футбол, баскетбол, воллейбол ўйнашингиз мумкин. Рақс тушишга нима дейсиз? Рақс тушишни хобби даражасига олиб чиқсангиз-чи? Психолог эслай олмаган яна қандай хоббилар бор?

9. *Кучли инсонлар билан мулоқот.* Сизга тарбия берган устозингиз, тренерингиз, ота-онангиз, ҳаётда катта муваффақиятларга эришган инсонлар, илмли одамлар кучли руҳият эгалари ҳисобланишади. Уларнинг ҳаёт тарзи, кун тартиби, лойиҳалари, дўстлари ва қарорларига қараб сиз ҳам шу кучни ўзингизда туясиз. Омадли инсонларнинг ҳаётга қарашлари оқилона, яхши ниятларга йўғирилган бўлади. Улар кайфиятингизни кўтаришади. Сухбат чоғида бу инсонлар олдида мақсадларга эришиш йўлларини топасиз. Қани? Кимингиз бор экан? Ким экан у?

7. *Табиат қўйинида саёҳат.* Сиз бир марта бўлса ҳам отга минганимисиз? Бир марта бўлсаям сигир соғланмисиз? Сиз янги туғилган қўзичоқнинг онаси олдида яшириниб турганига гувоҳ бўлганмисиз? Ҳаммасини телевизорда кўрганмисиз? Табиат қўйинига фарзандларингиз билан бориш керак! Ундан кўра ётиб дам олганим яхши дейсизми? Ҳаётингиз саёҳатсиз ўтмоқда.

8. *Спорт.* Спорт билан шуғулланиш ҳар бир инсон танасини соғломлаштиради. Ирода, тана кучини сафарбар қилишда иштирок этади. Сизга бўйсунмаган танан-

гизнинг хар бир мускули ўзига лойик меҳнат қила бошлайди. Агар бу сузиш бўлса, яна ҳам яхши.

9. Эр-хотиллик. Аёл ва эркакнинг руҳан, ҳам жисман яқинлашиши организм аъзолари хужайраларининг янгиланишига олиб келади. Табиат қонунига қарши бормаслик керак.

ҲАЁТГА МУНОСАБАТИНГИЗ ҚАНДАЙ

Ҳаётга муносабатнинг тўрт тури мавжуд.

1. Ўзгартириш. Ўзгартиришни билмасант, ўзгартиришни ўрган.
2. Қабул қилиш. Агар ўзгартира олмасант, борлиқни борича қабул қил.

3. Жаҳл қилиш. Вазият сизга ёқмагани ва бу вазиятни ўзгартира олмаганингиз учун жаҳлингиз чиқса, бу кучсизлигингиз белгиси. Ҳаёт сизга ёқмагани учун жаҳлингизни бошқаларга сочишни бошлайсиз. Айтингчи, ёш боланинг қўлидаги ўйинчоқни каттароқ бола олиб кўйса нима бўлади? Бу болакай йиглашни, ер тепишни, жаҳл қилишни бошлайди. Агар бу бола кучли бўлганда ўзини вазмин тутган ва ўйинчогини бериб қўйиб йиглаб ўтирасдан вазмин холда вазиятни бошқарган бўлар эди. Ривожланмасликнинг актив агресив тури.

4. Нолиш, шикоят қилиш. Ривожланмасликнинг пассив агресив тури. Кимdir мени бу ботқоқдан чиқариб оладими, деб ўзини хўрланган, камситилган санаб барчани айблайди. Кучли инсонларга ўзгартириш ва қабул қилиш каби муносабат хосдир.

Азиз дўстим, хар сафар жаҳлингиз чиққанда қўлидан ўйинчогини олдириб қўйган ўша кучсиз боланинг нолай

фарёди уни кучли қилмаслигини тасаввур қилинг ва вазмин ҳолда вазиятни ҳал қилинг.

ЎЙЛАТАДИГАН ВА СЎЗЛАТАДИГАН ХИКОЯТЛАР

ДЎСТГА ЗОР, ДУШМАНГА ХОР ҚИЛМА

Кор ёғибди, қирор қиши, совук. Уйнинг ён атрофини қордан тозалашга чикқан бир инсон кўшнисининг уйига борадиган йўлак тозалигини кўрибди. Эртасига яна кор ёғибди. Ҳалиги одам янайам эртароқ туриб кўчани қордан курашга чиқибди. Кўшнисининг дарвозахонаси қордан тозаланган эмиш. Учинчи куни тун ярмида кўчага чиқиб текширибди: кўшнисининг ховлисига кириладиган йўлак ҳали ҳам тоза экан. Бу сирни билиш истагида қўшни билан сухбат қуриб, гап орасида «...ҳавасим келади сизга, шунча қор ёғди, аммо сиз қачон улгурасиз, йўлагингиз доим топ-тоза туради-я», – дебди.

– Йўғ-э, кўшни, мен йўлагимни қордан тозаламайман. Йўлак қорга тўлишга улгурмайди. Уйимга жудаям кўп яқинларим, дўст-биродарларим келади. Йўлак совиб улгурмайди, – дебди кулиб.

Сизнинг уйингиз йўлаги иссиқми?

Қалб йўллари ва қалб дарвозаси-чи?

Қачон қалбингизга меҳмон кирди?

Қалб меҳмонингизни яхши кутиб олдингизми?

Меҳмон кутиш одблари сақландими?

Қалб меҳмонингизга дастурхон безаб қорнини туйдирдингизми?

Қарз сўраб келдимикан меҳмон!

ҚУДУҚЛАР ШАХРИ

Оламда ажойиб бир шаҳар бор экан. Бу шаҳарда фақат қудуқлар истиқомат қиласкан. Қудуқлар сиз ва биз каби жонли бўлиб, бир-бирлари билан суҳбатлашишар экан. Қудуқларнинг ташки оламдаги қиёфаси турлича бўлиб, бири тош билан безалган, бири тўртбурчак, яна бошқаси юмалоқ ва зарли зеблар билан ишлов берилган экан. Улар бир-бирлари билан сўзлашар ва бу мулоқотлари шаҳарга овоза бўларкан. Ташки оламдан келган меҳмонлар бу қудуқларнинг ичидаги жавоҳирларга хурмат билдиришгани ҳақидаги овоза ҳамма ёкка тарқабди. Шу-шу қай бир қудук ичига зар, қай бири эса гавҳар йиға бошлабди. Яна битта қудук ичини билим билан бойитишни бошлабди. Қудуқларнинг ҳам тўяр куни келибди. Қудуқлардан гавҳар, зеб, олтин, илм китоб ҳолича тошишни бошлабди. Тошаётган қудук ўз бойлигини тошиб оқиб кетаётганидан вахимага тушибди. Қудуқларнинг ҳар бири катталашиш керак деган фикрга келибди. Ҳар бир қудук ҳам ўнгга, ҳам сўлга катталашаётгани сабаб уларнинг орасидаги жой камайибди. Бу жойнинг камлигини кўриб, улар суҳбатлашишни ҳам унутиб қўйиб, жойни эгаллаш пайни тушиб қолишибди. Қудуқлар шаҳрида вахимага бошлажибди. Орадаги жой умуман йўколса, кейин нима бўлади? Улар бир-бири билан қўшилиб кетиб, битта денгизга айланиб қолишни исташмабди. Аммо бу қудуқларнинг дур-жавоҳири тўлиб, тошишда давом этибди. Шаҳар чеккасидаги бир қудукнинг ичидаги бойлик тошиб чикмаслиги бошқа қудуқларни ажаблантирибди. Бу қудук ичилаги тўлган бойликнинг ҳамма-

сини чиқариб юбориб, пастга ер қаърига йўл очган экан. Шу қудук ер қаърига йўл очиб, оби ҳаётни топибди. Ҳар бир қудукнинг ўз қадри, ўз нафси, ўз хурмати ва ўз тўяр куни бор экан.

БЕРАҲМ РАҲМ

Раҳм бир куни сувга чўкаётган одамни кўриб қолибди. Сувга сакраб чўкаётган қизнинг сочидан тортиб қирғоққа чиқарибди.

Бу ҳолни кўрган Иккюзламачи дебди:

– Нима қиласан! Ахир қизнинг жони оғрияпти! Сен унинг сочидан тортасан!

Раҳм жавоб бермабди. Қизни қуткариш учун ўзи ҳам сув ютиб, ҳарсиллаганча қирғоққа ўзини отибди...

Бу воқеаги кузатиб турган Доңишманд дебди:

– Тўппа-тўғри! Ҳақиқий Раҳм жойи келгандা бераҳм бўла олади.

Ҳақиқий раҳм ана шундай бўлади!

ЭЗГУЛИКНИНГ КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

Қадим замонларда бир подшоҳ ўз шаҳрида масжид қурдирмоқчи бўлибди. У масжидни қуришда ҳеч ким моддий ёрдам бермалигини қаттиқ тайинлабди. Чунки у масжидни фақат ўз молидан қурдирмоқчи экан.

Шундай қилиб, масжид қурилиши ҳам бошланибди. Масжид қурилиши яқунлангандан сўнг подшоҳ масжид тепасига нақшинкор ҳарфлар ила ўз исмини ёздириб қўйибди.

Үша кечаси подшоҳ туш кўрибди. Тушида самодан аллақандай қанотли мавжудотлар тушиб масжид пештоқидаги ёзувни ўчириб, унинг ўрнига бир аёлнинг номини ёзиб қўйишибди. Подшоҳ хавотирга тушган ҳолда уйқудан уйғонибди ва аскарларини масжидга юборибди. Аскарлар қайтиб: «Шоҳим, исмингиз ўзингиз ёздиргандек турибди», дейишибди.

– Ҳа, бу шунчаки узук-юлуқ туш экан-да, – дебди шоҳ.

Иккинчи кечада ҳам подшоҳ яна шу тушни кўрибди. Тонгда шоҳ уйқудан уйғонгач масжидга аскарларни жўнатибди. Улар қайтиб келгач, масжид пештоқидаги ёзув ўзгармаганини айтишибди. Подшоҳ ҳам таажжуబланибди, ҳам жаҳли чиқибди...

Учинчи кеча ҳам айни шу туш такрорланибди. Подшоҳ тушида масжидга ёзилган аёл исмини эслаб қолибди. Эртасига шу исмли аёлни топиб келишни буюрибди.

Шоҳ ҳузуриига мункиллаб қолган кекса аёлни олиш келишибди. Подшоҳ ундан «Масжид курилишига ёрдам берганмидинг?» деб сўрабди.

Аёл: «Мен қари одам бўлсам... Бунинг устига сизнинг курилишга ҳеч ким ёрдам бермасин деб буюргансиз, қандай килиб сизга итоат қиласлигим мумкин?» дебди.

– Аллоҳнинг номи билан сўрайман, масжид курилишига алоқадор қандай иш қилгандинг?

– Аллоҳга қасамки масжид қурилишида ҳеч қандай иш килмадим, факатгина...

– Нима фақатгина?

– Курилиш бўлаётган пайтда масжид олдидан ўтаётган эдим. Курилиш ашёлари ва ёғочларни ташийдиган

Эшакни қозиққа боғлаб қўйишганини кўрдим. Бечора қанча уринмасин ёнида турган челяқдаги сувга етолмас, ташналикдан ҳолсизланиб борарди. Раҳмим келди, челякни унга яқинлаштириб қўйдим ва эшак сувдан қониб ичди. Қилган ишим шу, холос.

Подшоҳ бошини эгиб хўрсинганча:

«Сен бу ишни холис Аллоҳ учун қилгандинг, Аллоҳ бу амалингни қабул қилди. Мен эса бу ишни фалончининг масжиди дейишилари учун қилдим, Аллоҳ бу ишимни қабул қилмади», дебди.

Шундан кейин подшоҳ масжид пештоқига ёзилган ўз исмини ўчиритириб, кекса онахоннинг исмини ёзиб қўйишни буюрди.

КИМ ҚАНЧА МАОШ ТЎЛАЙДИ

Бир инсон одамларнинг соч-соколини олиб, кунига учтанга ишларкан. Ҳар куни бир тангага овқат оларкан, бир тангани бошқа харажатларига ишлатиб, яна бир тангасини йиғиб қўяркан.

Кунлардан бир куни Бойлик Водийси деган ўлкада соч-сокол олишга 10 танга тўлашлари хақида эшишиб колибди. Шу кундан бошлаб унинг ҳаловати бузилибди. Шунча меҳнатимга бори-йўғи уч танга беришса-я! Ўша Бойлик Водийси ўлкасига кетаман деб ҳамма бор-будини сотибди. Бойлис Водийси ўлкасида хақиқатан ҳам бир маротаба соч-сокол олдириш учун 10 танга тўлашаркан. Үн тангани кўлига олиб, бозорга бориб егулик сотиб очай деса, бу харажатга 15 танга лозим эмиш!

Бойлик Водийси ўлкасида топган пули на егуликка, на уй сотиб олишга етибди. Егуликка пул етказиши учун

20 танга нул ишлаш учун икки баробар ишлай бошлабди. На ҳаловат ва на барака топмай, ўз юртига қайтишга қарор килибди.

Азиз ватандошим, сизга Бойлик Водийси пули керакми ёки ўзингиз яшаб турган Барака Водийсидаги хотиржамлик керакми? Танланг!

ПАРОЛИНГИЗНИ АЙТИНГ

Автобус олис йўлга равона бўлди. Бирор иссиқдан нолиди, бирор ёнидаги одамдан писта чақмасликни сўради, биттаси хохолаб кулди, бир-бирининг пинжига кирган икки ёшга қараб кимдир нафратланди, яна кимдир «юзсизлар!» деб киноя килди. Фақат бир одамгина осмонга қаради. Узоқ-узоқларга тикилди.

– Осмонимга саёҳат қиласизми? – деб гап очди у ёнидаги ҳамроҳига....

– Осмонга ҳам саёҳат қилиб бўладими??!

– Ҳа, осмонга саёҳат. Мен кимгадир танбех бергим келганда, кимнингдир гап-сўзи ёқмаса, вазиятни ўзгартиргим келганда, бунинг ўрнига кўкка саёҳат қиласман!

– Жудаям қизиқ экансиз-ку! Сиз нотўғри иш қилаётган одамни тўхтатсангиз, савоб эмасми ахир?

– Танбех берганда ўша одамга нафрат билан қарайсиз. Нафрат орқали яхшилик уруғини сочиш мумкинми?!

– Хўп! Унда мени ҳам кўкка саёҳатга таклиф этинг-чи! Нима ўзгарап экан?!

– Мовий осмонда поклик ва олийжаноблик ҳокими Ҳақ бор. Сокинлик ва вазминлик сultonни Ҳақиқат бор.

Мен осмонга бориб бир ҳовуч яхшилик олиб тушиб, менга ёқмаганларга сочиб юбораман!

– Э, жудаям ҳазилкаш экансиз! Дуо қиласман уларни яхшиликка эргашсин деб дөнг!

– Ҳа! Тушундингиз! Мовий осмонга, мусаффо самога хүш келдингиз, паролини ёдингиздан чиқарманг – МОВИЙ ОСМОН.

ХОХИШЛАР САРИ

Дунёдаги бор наботот ва ҳайвонот олами ўз истак-хөхишига қараб сийрат ва суратга эга бўлиди. Учишни истаганлар қушга айланиди, сузишни истаганлар балиқ бўлиди, югуришни истаганлар ҳайвонга айланиди, кичкина бўлишни хоҳловчилар курт-қумурсқа бўлиди. Охирда ўз истагини юрагида сақлашни истаган жонзот одамга айланиди.

Шундан бўён күшдек учар одамлар, балиқдек индамас одамлар, шер, қуён, илон, арслонга ўхшаш сифатлари бор одамлар фарқланар экан.

Инсон истаса қуён, шер, сичқон, эшак, илон ва ҳатто чаён сифатини ҳам олар экан.

ҚАЛБАГИ СЕВГИ ЎЧОҒИ

Бир қабила одамлари ов қилиш чоғида сеҳргарга дуч келишибди. Ундан сеҳр қилиб мўъжиза кўрсатишини сўрашибди.

Сеҳргар: “Нима билан уришасизлар?” деб сўрабди.

– Милтиқ, ўқ-ёй билан, – дейишибди одамлар.

– Унда темирни йўқ қилиб юбораман, шунга розимисизлар, – сўрабди сеҳргар.

– Фақат уруш бўлмаса бўлди, темир йўклигига чидаймиз!

Бир муддат ўтгач, одамлар дарахт шохидан килинган найза кўтариб юришгани маълум бўлибди. Қабила оқсоколлари сеҳргарга бориб: “Одамлар дарахт шохидан ясалган найза кўтариб юришибди. Нега?” деб сўрашганда, у “Низо бўлмайди деб келишгандик-ку, шунинг учун” деб жавоб берибди. Сеҳргар дарахт шохларидан найза ясамасликлари учун шохларини йўқ қилиб юборибди. Энди қабила одамлари катта-катта дарахтларни ағдара бошлишибди. Сеҳргар уларни ҳам йўқ қилган экан, тошларни бир-бирига ота бошлишибди. Одамларда темир, дарахт ва тош йўқолибди. Тошни ҳам йўқотса, қабиладагилар бир-бирига тупроқ отиши аниқ экан. Сеҳргар уни ҳам йўқотса, урушишнинг ўзи керак бўлмай қолиши, одамлар оч қолиши маълум бўлибди. Шунда сеҳргардан яна маслаҳат сўрашганда у шундай жавоб берибди:

– Уруш нарса билан эмас қалбдан чиқади, демайсизларми?! Мен қалбларингта таъсир этолмайман! Уруш очмаслик ҳар бир инсоннинг ўз қўлида, қалбida!

Қабиладагилар қалбдаги уруш ўчоғининг ўрнига севги ўчоғини ёқиш керак деган қарорга келишибди.

БАХТНИНГ ЮЗИ ЧИРОЙЛИ

Бир одамнинг бойликка эга бўлсам, ақлли ва гўзал аёлга ўйлансам, дунёга донг таратсам деган катта орзуси бор экан.

Шу одам катта корхонага ишга кириш учун кетаётганда бегона бир одам унга урилиб коқилиб кетибди. «Шу пайтда ҳам маст келиб-келиб менга урилиб кетадими?!» деб ирим қилибди ва ҳалиги одамни туртиб, итариб юборибди. Корхонага келган экан, уни ишга қабул қилишмабди. Ҳаётдан нолиб, жудаям хафа бўлиб кўчани айлангани чиқибди. Йўл чеккасида эски-туски сотиб ўтирган бир қари аёл бирор нима сотиб олишини сўрабди. Бу одам яна ирим қилибди: «Яна эски-туски таклиф қилишади! Менга янги ҳаёт, ёрқин келажак керак!» деб нафрат билан боқибди аёлга. Ҳаёлан ёрқин келажак ҳакида ўйлаб уйига яқинлашиб қолганини сезмай қолибди. Уйи ёнидаги ўриндиқда бир аёл йиғлаб ўтирганини кўрибди. Кўрмасликка олиб ўтиб кетмоқчи бўлганида, у ёрдам сўрабди. Пул эмас, кийим эмас, факат уни бир оз тинглашини ўтиниб сўрабди. Бу инсон тезроқ йўлида давом этибди ва бу йўлнинг охирида вафот этибди...

Оёғи остига йиқилган инсон у ишга кирмоқчи бўлган корхона эгаси эди.

Ундан эски-туски сотиб олишни сўраган аёл биттагина гўзал қизини ўқитаётган эди ва шу одам орзу қилган малика эди.

Уйи ёнида йиғлаб турган аёл эса дунёга донг таратган ёзувчи бўлиб, уни тинглаганида китоби қаҳрамонига айланар ва учинчи нияти амалга ошар эди.

Ана шундай, чиройли баҳтнинг юзи ҳамиша кўринавермайди...

БИР ТУШ ТАБИРИ

Бир йигит тақдир тақозоси билан узок сафарга отланди. Йўлда ҳориб, бир катта дарахт соясида дам олиш учун ўтириб ухлаб қолди, туш кўрди. Тушида у катта йўлдан бораётган эмиш, йўл четидаги бепоён далада дехқонлар буғдой экаётган эмиш. Буғдой тез етилар, улар ҳосилни йиғиб олиб, кейин ёқиб юборишаётган эмиш.

Бир одам катта тошни кўтаришга ҳаракат қилас, аммо улдалай олмасмиш. Бироқ устига бир тош қўшилса қийналмай кўтарар, учинчиси қўшилганда эса иши яна осонлашар эмиш.

Бир нечта киши қўйнинг устига миниб, югуртириб бораётганмиш. Минилган қўйлар ортидан одамлар чопар, аммо етолмасмиш...

Йигит уйғониб, тушини қандай таъбир қилишни билмай, хаёл билан катта бир шаҳарга кириб бораркан, бир нуроний отахон учрабди. У кексаларга хос синовчанлик билан қаердан келаётганини сўрабди. Йигит отахоннинг саволига жавоб берибди ва тушида кўрган ғалати воқеаларни айтибди.

Отахон йигитнинг тушига шундай изоҳ берди:

– Далага экин экиб, йиғиб олган ҳосилини оловга отганлар яхшилик қилиб, кейин уни ҳамма жойда мақтаниб гапириб юрадиган одамларни ифодалайди. Тошга тош қўшиб кўтаргани сари иши енгил кечәётган киши илк марта гуноҳ қилиш оғирлигини, кейин эса осонлашиши билдиради. Кўп гуноҳ қилган одам бориб-бориб гуноҳлар юкини ҳис қилмай қўяди.

Кўй миниб олганларга келсак, улар олим ва мўминлардир. Югуриб етолмаганлар эса эътиқодсиз кишилар!

САНАМАЙ САККИЗ ДЕЙИШНИНГ ОҚИБАТИ

Бир ёш йигит автобусга чиқди, ўриндикларнинг бўмбўшлигидан кувонди. Истаган жойига ўтириши мумкин. Икки бекат ўтмасдан автобус йўловчиларга тўлиб кетди. Бу ёш йигит қулоғида қулоқчинни тақиб, ойнадан кўчани томоша килиб борарди. Бир кекса аёл болага:

– Мен сенинг ёшингда бунчалар без эмас эдим! Кексаларга хурмат қолмади ўзи! Жой берсанг бўлмайдими?! – деди.

Бу гапни маъкуллайдиганлар кўпайиб кетди. Барчанинг кўзи шу ёш йигитда эди. Йигит бу гапларни сукут билан эшитар эди....

– Майли! Мен жой бераман, аммо менинг ўрнимга ўзининг гапидан уялмайдиган одам ўтирсин, – деди бола.

– Бу бола яна жавоб ҳам беради-я! – деди йўловчилар бир овоздан.

Йигит ўриндиқ тагидан қултиқтаёғини олиб ўрнидан тура бошлади, у жудаям қийналарди, чунки автобус силкинар, у эса мувозанатни ушлай олмай чайказарди.

Автобуснинг охиридаги ойна олдига амаллаб ўтиб олган бу йигитга ўтиришини таклиф қилиниди, аммо у ҳеч бир ўриндиқка ўтирмади.

РАҲМАТНИ КИМ АЙТИШИ КЕРАК

Бир инсон жуда бойлинидан кимладир яхшидиқ килгиси келибди. Кимга яхшилик килсам ўсан леб жуда

кўп ўйлабди. Уни ўйласа, ўзи ишласа бўлади, дебди, буни ўйласа, унинг фарзандлари бор – ўшалар ёрдам берсин дебди. Охир-оқибат кимга ёрдам беришини ўйлаб топибди. Энди қанча ёрдам берсам экан деб роса қийналибди. Камроқ маблағни айтибди, лекин жуда бойлиги эсига тушиб, бу пулни кўпайтирибди. Кўплигини ҳис килиб, шунча меҳнат билан топганман пулни дебди. Ахийри берадиган пулининг микдорини ўзи билан ўзи тортишиб аниқлабди. Пулни ўша одамга олиб бориб ғурур билан тақдим этибди. Пулни олган одам индамай тураверибди. “Мен сенга бир уйга етадиган пул бердим, агар расамади билан ишлатсанг оёққа туриб олишингта хам етарди”, – дебди.

Бу одам «Ҳа» деб кўйибди. Ёрдам бермоқчи бўлган бой унинг хурсанд эмаслигидан жаҳли чиқибди: “Мен сенга неча йиллик ҳаракатларимни олиб келдим”, – дебди. У яна «Ҳа» деб кўйибди.

Ҳалиги бой одам, «Раҳмат демайсанми», дебди.

– Раҳматни сен менга айтишинг керак деб ўйлапман, – дебди камбағал киши.

Бой унинг бу гапидан лол колибди.

– Ҳам ёрдам қиласай, ҳам ўзим сенга раҳмат дейми?

– Ҳа, раҳмат айтишинг керак деб ўйлайман. Сен берувчи қўл бўлганинг учун сен раҳмат дегин! – дебди камбағал киши.

ЗИЁРАТГА КЕТАЁТГАН ЧУМОЛИ

Ё қишлоқда ёинки шаҳарда бир инсон дунёга келибди. Эл қатори ҳамма каби яшабди. Кўркам йигит бўлибди. Гўзал бир маликага ўйланибди. Кетма-кет

фарзанд күрибди. Уларни тарбия қилибди, уйлантирибди, узатибди. Кексайган чоғида оёғидан қувват кетиб, қалб қувончи вазминлашибди. Күзи бир нүқтага тикилганда нигоҳи чумолига тушибди. Чумоли елкасида ўзидан бир неча баробар катта донни кўтариб, чирмалишиб, жонини аямай йўлда кетаётган экан. У чумолини ўзига ўхшатибди.

– Сен ҳам мендек экансан, – дебди қария, – мен ҳам елдим-югурдим, иш-уй, ташвиш, ғам билан бўлиб, умрим бир жойда қандай ўтганини, қандай қариб қолганимни билмай қолибман.

Чумоли тилга кирибди:

– Ўзинг айтганингдек сен бир жойда қаридинг. Мақсадинг битта жойдан бошланди ва бир жойда охирига етди. Мени ўзингта ўхшатма! Менинг умрим ҳам, ташвишим ҳам, ғамим ҳам бошқача. Сен қилган ишларни қиласан, мен юравераман.

– Қаерга юрасан, эй чумоли! Максадинг не?

– Менинг мақсадим ҳаж қилиш, мен ҳар куни ҳаж томон юраман.

– Ҳаж қаерда-ю, сен митти чумоли қаердасан?

– Ҳаж қилиш учун юриш зарур, бир жойда айланавериш эмас. Олға юриш зарур! Мен ҳаж йўлида ўламан, аммо ҳар бир кадамим ҳаж йўлида бўлади.

Рухан юксалишни хоҳласангиз, бўлаётган воқеаходисаларни яхши-ёмонга ажратмасдан, шундайлигича қабул қилишга ўрганинг. Бунга ўз феълингизни бошқариш орқали эришасиз. Феълингизни бошқаришга фикрни бошқариш орқали, фикрингизни бошқаришга фикрингизни саралаш орқали эришасиз.

Фикр софлигига – хоҳишларингизни бошқариши орқали, хоҳишларингизни бошқаришга ҳиссиётларингизни бошқариш орқали, ҳиссиётларни бошқаришга ўзингиздаги эҳтиёжни бошқариш орқали эришасиз.

Эҳтиёжни уни қондирибгина тинчлантириш мумкин.

ГЎЗАЛ МАЛИКА ГЎЗАЛ ҚАЛБ ТЎРИДАДИР

Кийимлар дўконидан чиқаётган аёлнинг олдига бир тиламчи югуриб келиб, икки танга беринг, деб тилашибди.

- Мен сенга ўн танга бераман, – дебди аёл, – аммо бу пулни ичиб қўяссан-да!
- Йўқ-йўқ! Зинҳор ичмайман!
- Балки кийим олгинг келиб қолар?
- Мен ёзда ҳам, қишида ҳам битта кийим кияман.
- Балки бу пулга сочингни кестириб, ўзингга оро бергинг келиб қолар?
- Сартарошга бормаганимга йигирма йил бўлди. Мен бу пулга овқат олиб ейман, – дебди тиланчи хотин.
- Унда мен билан ресторанга борасан, мен сенга 100 тилло бераман! Бари бир мен кўп овқат емайман. Факат у ерда менинг эrim бўлади, – дебди гўзал аёл.
- Бу кир кийим, паҳмоқ соч билан билан ресторанга бориш...? Мени эрингизга мени кўрсатишдан мақсадингиз нима, эй, гўзал хоним?
- Дўконма-дўкон юрмаган, ўзига оро бермаган, сартарошхонага бормаган аёлнинг қандай бўлишини эrim кўриб қўйсин! – дебди гўзал аёл.

ҚАДРЛАНАДИГАН ҚАДР

Кунлардан бир куни ёш йигит донишманд олдига борибди.

– Мен ҳеч ким эмасман! Нима қылсам ҳам уddyалай олмайман, одамлар мени алдаб кетаверишади. Ўйлаб ўйимнинг охирига етолмайман. Нега бунчалар ношуд эканман, а?

– Ҳозир сен билан гаплашишга ҳеч ҳам вақтим йўқ!
Мана шу узукни тез бориб сот, бир тилладан камига берма. Шу ёрдаминг эвазига мен сени ношудликдан кутқараман! – дебди донишманд

Йигит бозорга бориб узукни бир тиллага сотиш учун харидор чакира бошлабди.

Ҳамма кулибди:

– Бир тилла эмиш! Бир тангага ҳам қиммат-ку бу матоҳинг! Ношуд бола-эй, ношуд бўлмаса, бир пулга қиммат узукни бир тилла деб юрармиди!

Ношуд! Ношуд! Ношуд!

Йигит узукни сотолмай ортига қайтибди.

– Бир тангага қиммат узукни нега бир тиллага сот дедингиз! Менинг ишонувчан ва кучсизлигимдан сиз ҳам фойдаландингиз, мен эса лаққа тушиб ўтирибман! – дебди ийғламсираб йигит...

– Йўқ, бу қимматбаҳо узук! – Гапидан қайтмабди донишманд. – Узукни ким баҳолай олади, айт-чи?

– Заргар ҳақиқий баҳосини айтади, – деб бир хулосага келишибди.

Заргар бу узукни кўриб маҳлиё бўлибди.

– Эллик тиллага сотиб оламан, агар узук эгаси вақт берса, 70 тилла бераман дебди у.

Йигит узукни олиб донишманднинг ҳузурига қайтибди.

Бу ҳикоя узук ёки ношуд ҳақида эмас, қадр ҳақида-дир! Сизнинг, умуман инсоннинг қадри тўғрисида. Сизнинг ҳақиқий қадрингизга етадиган инсонларга ишонинг.

“ОИЛА” НОМЛИ ШОҲ АСАР

Машхур рассом кунларнинг бирида дунёдаги энг гўзал нарсани чизишга қарор қилди. Бунинг учун саёҳатга чиқди.

Қишлоқ кўчаларини кезаркан, рўпарасидан қадди этилган бир одам чиқибди. У хориб йўл чеккасига ўтирибди. Рассом чолнинг ёнига бориб:

- Дунёдаги энг гўзал нарса нима? – деб сўрабди.
- Иймон, – жавоб берибди чол. Рассом йўлида давом этибди. Тўй устидан чиқибди. Оломон орасидаги келиндан:
- Сизнингча дунёда энг гўзал нарса нима? – деб сўрабди.
- Севги, – жавоб қилибди келин.

Рассом чанг кўчадан ўтаркан, урушдан қайтаётган бир аскарга дуч келди. Унга ҳам саволини берган экан, аскар:

- Дунёдаги энг гўзал нарса тинчликдир, – деб жавоб берибди.

Рассом имон, севги ва тинчликни бир суратда қандай ифодалайман деб ўйлай-ўйлай уйига қайтибди. Уйига кириши билан дунёнинг энг гўзал манзараси доим қаршисида бўлганини тушуниб етибди. Болаларининг маъсум карашларида иймон, аёлининг кўзларида севги,

үйида эса тинчлик ҳукм сурган экан. Бундан илхомланган рассом “Менинг оиласы” номлы шоҳ асарини яратган экан.

ПСИХОЛОГИК ТЕСТЛАР

НИЯТИ ХОЛИСЛИК

Нимани ўйлаётган бўлсангиз, шу нарсани ҳис қилмоқдасиз. Нимани ҳис қилаётган бўлсангиз шу нарсани ўзингиздан таратмоқдасиз. Сиздан таралаётган нур нурни етаклаб келади, балчик ҳиди балчик ҳидини яқинлаштиради. Ўйлаб кўринг: қуёнга қуён хотинликка ярайди. Минг марта бўлсада, арслонни севган қуёнга хотинликка арслон мода келмайди ва қуён билан арслондан бола ҳам туғилмайди. Бу табиат қонуни. Худди шундай: сизнинг фикрларингиз қуён каби қўркув, ваҳима ва хавотирдан иборат бўлса, унинг ортидан келадиган воқеа-ҳодиса ўша қўркув маҳсулоти каби қўрқинчли, ваҳимали ва хавотирли, таҳликали бўлиши тайин. Агар фикрларингиз арслон каби қўрқмас, соғлом, кучли, тезкор, шижаатли бўлганда эди, бу арслон деб номланган фикрнинг хотини ҳам арслон каби бўларди. Бу арслон фикрлар шижаат, ирода, хушкайфият, таваккал, қўрқмаслик, ишонч деб номланган ҳолда болаларди.

Психологик машқ:

1. Аввал тонгда туриб юз-қўлингизни ювиб тозаланасиз. Қариялар буни таҳорат дейишади. Биз ҳам ният қилиб қалбни тозалайлик:

Кимга қаттиқ гапирдингиз?

Кимни ғийбат қилиб қўйдингиз?

“Қарғишим урсин,” деб юбормадингизми?

Сенгаям боққан бало бордир” – сизнинг гапингиз эмасми?

“Хаётда кечира олмайман” деган ўйлаганмидингиз?

Нега фақат унга бойлик берилади, омад қулиб боқади?” дедингизми?

“Мен ва менинг болаларим сендан устун бўламиз ҳали?” деган сиз ҳам эмасми?

“Оёғим босмасин, ўлганингда келаман!” деган сизмасми?

“Ҳамма менинг устимдан кулса-чи?” деб қўрқкан сизми?

“Ўч оламан? Бу қилмишингга пушаймон бўласан!” деган ким?

Бу сизнинг қўлингизга ёпишган нажас, оёғингиздаги кишан, оғзингиздаги ачиган ош, нафасингиздаги балчиқ ҳиди. Бас, ундан фориғ бўлиш вақти келди. Сув танангизни таҳорат олдирганидек, руҳиятингизни ювадиган тавба, кечириш, яхшилик иъном этиш нурларидан фойдаланиб тозаланиб олинг.

2. Энди ичингиздаги ваҳима, қўркувни сизга қарши душманлик эълон қилган бир ҳовуч хужайралар тизими деб номланг.

3. Танангизда сиз учун дўстоналик илиа умргузаронлик қилаётган барча хужайралар ичиди, сизга бўйсунмаётган, душманлик билан бошқарувни қўлингиздан олиб ваҳима ва қўркувга solaётган хужайраларни топинг. Бу хужайралар вақти-вақти билан ўз мусиқасига ўйнатади. Сиз эса бу мусиқага қўркув, уйқусизлик, жазава, ваҳима каби рақсга тушасиз. Бу душманни, ичингиздаги бир ҳовуч қоронғиликни нафасга айлантириб 100% чиқариб юборасиз.

4. Ичингиздаги ваҳима, қўрқув ва хавотирни пайдо қилувчи душманликни нафасга айлантириб, ичингиздан чиқариб юбордик. У сиз ҳазм қила олмаётган ҳолат, ачиган ош, туриб қолган балчик сув. Юз фоиз халос бўлиш учун чуқур нафас олиб, бир марта юлиб, ташқарига улоктириб юборинг. Сизга керак эмас деб эълон қилдингизми? Демак, ундан фориғ бўлдингиз!

5. Тозалик, бокиравлик, дадиллик нафасини олинг. Тўйиб-тўйиб нафас олинг. Энди бу хидлар қайтиб ичингизга кирмаслиги учун бир паноҳ ўрнатинг ўзингиз учун. Бошқа кирмайди ва мен бу ҳолатга тушмайман деган ишонч сизни асрайдиган нияти холисликдир.

6. Ўзингизни “соғман” деб номланг. Яна шу ҳолатга тушсам-чи, деб гумонсираманг. Зеро, мен бу гумонни килманг деганим билан сиз мендан кўпроқ хақлисиз. Яъни, сизга бу қўрқув керак, даркор ва зор бўлсангиз яна чақириб дўстлашиб, биргалашиб олиш ўз қўлингизда.

ОНА ВА БОЛА КИТ ТЕСТИ

Кичикроқ бир кемада туриб китларни кузатмоқдасиз. Чексиз сув уммонида туриб, бир нуқтага караган нигоҳингиз узокдаги китларни таъқиб қиласи. Китлар оиласи ва ниҳоят сиз кўра оладиган масофада юзага чиқди! Бу китлар оиласини битта сўз билан қандай ифодалаш мумкин?

1. Бола китча онасининг орқасидан сузмоқда.
2. Бола китча онасининг қорнига ёпишиб олган.
3. Ота ва она ўз боласи билан сузмоқда.
4. Бола кит сув фонтанини отиб, ўзича сузмоқда.

Китларни кузатиши тести калити

Исихология тилида кит “Буюк она” тимсоли ҳисобла-
нади. Бу тест сизнинг онангиз билан муносабатингизни
очиб беради.

1. Бола китча онасининг орқасидан сузмоқда.

Онанинг ўрни сизнинг ҳаётингизда юқори ўринни
эгаллади. Ҳозирги пайтда сизнинг фикрингизга ва хулқ-
авторингизга, фаолиятингизга онангиз таъсир ўтказади.
Онангизнинг этагини қўйиб юборадиган вақт келди-
микан...

2. Бола китча онасининг қорнига ёпишиб олган.

Сиз онангизга яқин бўлишни истайсиз. Бу хоҳиш
одатий хоҳищдан баландроқ.

3. Ота ва она ўз боласи билан сузмоқда.

Сиз она роли ва ота ролини тўғри тушунасиз. Сизнинг
болалигингиздаги ҳаётингиз баҳтли ва ташвишсиз
ўтгани сабаб ҳаётга вазминлик билан қаарайсиз.

4. Бола кит сув фонтанини отиб, ўзича сузмоқда.

Ўз мустақиллигингизга эришиш йўлида сиз катта
муваффакиятларга эришгансиз. Баъзан сизни ўжар,
ўзбилармон дейишлари мумкин. Нима бўлганда хам
атрофдагилар сиздан юз ўгирмаслиги учун эҳтиёткор
бўлинг. Ўзбошимчаликни меъеридан ўтказиб юборманг.

СИЗ УЧУН ҚАДРЛИ ИНСОН

Бир зум хаёл оғушига чўмасиз. Осмон, сўқмок ва сиз
«стаётган ўрмон...

1. Сиз ўрмонзорга ким билан бирга кетяпсиз?
Хаёлингизга ким келди? Кўз ўнгингиздан ким ўтди...?

2. Ўрмонзорда бир ҳайвонга кўзингиз тушди. Бу қайси ҳайвон?

3. Ўрмонзорда сиз дуч келгани ҳайвон билан кўзларингиз тўқнашди. Бу ҳолатни тасвиirlанг.

4. Ўрмонзордаги сўқмоқдан юриб кетмоқдасиз. Бир ялангликка келиб қолдингиз ва у ерда орзунингиздаги уйни кўрдингиз. Бу уйни тасвиirlаб беринг. Уйнинг катталиги қандай?

5. Уйни ураб турган девор, тўсик борми?

6. Уйга кирдингиз. Ошхонага кириб дастурхонга кўзингиз тушди. Дастурхонда нималар бор, унинг атрофидаги ҳолатни тасвиirlаб беринг.

7. Сиз уйдан бошқа эшик орқали чиқиб кетяпсиз. Шу пайт оёқ тагида ётган бир идишни кўрдингиз. Бу идиш нимадан ясалган?

8. Идишни нима қилдингиз?

9. Ҳовлининг бошқа бурчида яна бир уйни кўрдингиз. Бу уй олдида сув ҳавзаси бор. Сув ҳавзасини хаёлан тасвиirlанг.

10. Сув ҳавзасидан ўтиб кетиш учун қандай йўл тутдингиз?

Сизнинг жавобларингиз сиз учун қадрли бўлган инсон ва у билан муносабатингизга ойдинлик киритади. Сиз бу жавобларингизни қўйидагича талқин қилишингиз мумкин:

1. Ўрмонзорга кетаётганингизда ёнингиздаги ҳамроҳингиз – сиз учун қадрли бўлган инсонингиздир.

2. Ўрмонзорда сизни қарши олган ҳайвон – бу сизнинг ички дунёнгиздаги муаммо. Уни қанча катта тасаввур қилсангиз, муаммони ҳам шунча катта ва ечими кийин деб биласиз.

3. Ҳайвон билан тўқилишсандаи аҳволингиз муаммони ечаётгандаги унинини қандай тутишингизни кўрсатади (жахл, сукут саклаш, қочини).

4. Ҳаёлингиздаги уй максадинигиз. Агар бу уй анча катта бўлса, демак, сизнин ҳаётдан кутган талабингиз катта.

5. Уйни ўрагни деноғ, тўсиқни кўрмаётган бўлсангиз, сиз очиқ ва ёркин одаменгиз. Агар тўсиқ кўраётган бўлсангиз, сизнинг бошқармаси билан чиқишиб кетишингиз қийин ва бошқармаси ҳам ўзингизга яқинлаштирумайсиз.

6. Дастурхонда егуликларнинг кўплиги, хонадаги гуллар, мусиқа овози ва хушчақчақ инсонлар сизнинг баҳтли эканингиздан далолат беради. Дастурхоннинг бўшлиги, хонанинг файзсизлиги ўзингизни баҳтсиз сезаётганингиздан билдиради.

7. Оёқ остида ётган идиш нимадан ясалган? У мис, темир каби мустаҳкам материал ёки пластиқдан, шиша каби мўрт хом ашёдан ясалган бўлиши мумкин. Материалнинг мустаҳкамлиги оиласидаги муносабатларнинг мустаҳкамлик даражасини кўрсатади. Синувчан, эгилувчан шиша, мўрт идиш сизнинг хавотирларингиздан далолат беради.

8. Идишни нима қилганлигинги ўрмонзорда кетаётган сизга қадрли инсонга қилган муносабатинизни ифодалайди.

9. Сиз кўрган сув ҳавзаси сизнинг жинсий майлингиз даражасини ифодалайди.

10. Сувга яқин келиш ёки келмаслик ҳаётда интим муносабатларнинг ўрни қай даража муҳим эканини билдиради.

СИЗ ИНСОНСИЗ

Баъзан “Ишонмайман! Қандай қилиб бу ишга кўл урдим?!” деган гапларни айтамиз. Ҳужжатлар устига тўкилган қаҳва, эшифтмай қолган қўнғироғимиз, оёғимизни ногаҳон уриб олишимиз – буларнинг бари ғайри-ихтиёрий равишда содир бўлади.

Тасаввур қилинг, сиз кўчада кетаётиб чиқинди солинадиган идишга туртиниб кетдингиз ва у тўкилиб ичидан бир нималар отилиб кетди.

1. Идишдан ҳеч нарса тўқилмади, чунки у бўш эди.
2. Кўчадаги чиқинди идишларида ҳамма нарса бўлиши мумкин дедингиз.
3. Тишлангин олма, товуқнинг суюклари ва шунга ўхшаш овқат қолдиқлари.
4. Чиқинди солинадиган идишга янги ва тоза ахлат халтаси ўралган экан.

Тест қалити

Чиқинди солинадиган идишдаги нарсалар сизнинг ташки дунёдан яширган сирларингиздир. Идиш тўкилиб кетганда унинг ичидан чиқкан нарсалар сизни бегона кўздан яширганларингиздир.

1. Ҳеч нарса тўқилмади, чунки идиш бўш.
Бу жавобни берган инсонлар мақтанишни ва ўзларини кўз-кўз қилишни хоҳламайдилар. Бу соддалик уларга чирой бағишилайди.
2. Кўчадаги ахлат идишда ҳамма нарса
бўлиши мумкин, дегувчиларнинг жавоби мазмуни кўйидагича: бу инсонлар ўзларини очиқ ва тўғри инсонлардек кўрсатишлари мумкин, лекин уларнинг қалбида

қониқмаслик ҳисси түпланиб қолган ётлар худди умумий қониқмаганлик каби намоён бўлади.

3. Тишланган олма, товуқ сүякларини кўрган бўлсангиз, бу иштаҳангизни бўғишига ҳаракат қилаётганингиздан далолат беради. Балки сиз парҳез тутаётгандирсиз, овқатдан ўзингизни тийиб пул тежаётгандирсиз?

4. Чиқинди соладиган чеълакка боғлаб қўйилган ахлат халтасини кўрдингизми, демак, сиз ўзингизни жуда ҳам меъёридан ортиқ назорат қилувчи инсонсиз. Сиз ўзингизнинг заиф томонларингизни кўрсатингиз келмайди. Мағрурлигинги билан шикоят қилишдан қочасиз. Нима фикрдалигинги зиёдларга билдириш кучсизлик белгиси эмас, бу очиқлиkdir. Арқонни узунроқ ташланг, тугилган тугунларни бўшатинг, шунда атрофмуҳитингизда тоза ҳаво кўпаяди ва ахлат ҳиди анқимайди.

МУНДАРИЖА

ОИЛА ҚҮРГОНИДА

Нурли файз сири.....	3
Иффат нима ?.....	6
Сизни баҳтли қиласидон инсон.....	10
Эркак аёлнинг ниятига қараб ўзгаради.....	24
Кўп гапирадигон хотин.....	25
Эр рафиқасидан зерикканда.....	27
Мухаббат ва инфантиллик.....	30
Нега севиб қолдингиз.....	33
Севига қарамлик.....	37
Севги нима ?.....	38
Ҳақийқий аёллик сирлари.....	39
Менинг отам борми.....	42
Фарзандингизга йўқ дейиши ўрганинг.....	47
Мен боламни хирирк қиласман.....	52
Болани болалиқдан маҳрум қиласман.....	54
Ҳаёт формуласи – сиз кучлисиз	
Ҳаётга муносабатингиз қандай.....	56
Ғайрат қайда бор.....	57
Ким ўзига ишонади.....	61
Омадлимисиз ёки омадсиз.....	62
Ишонч ва ишончсизлик сабаблари.....	66
Пул психологияси ҳақида.....	69
Психосоматик касалликлар ҳақида	
Саратон – Руҳият истироблари оқибати.....	73
Касаллик қандай пайдо бўлади ва йўқолади.....	75
Патологик қарамлик ёки аддикция.....	79
Аутист баҳтсиз емас.....	81
Қўрқув ва Фаробий ҳақида.....	85
Термоневроз нима.....	88

Тармоқмания ёки ижтимоий тармоқлар	
таъсири.....	89
Файрат қайда бор.....	93
Хаётга муносабатингиз қандай.....	97
Ўйлатадигон ва сўзлатадигон	
ҳикоятлар	
Достга зор душманга хор қилма.....	99
Қудуқлар шахри.....	100
Бераҳим Раҳим.....	101
Эзгуликнинг кичиги бўлмайди.....	101
Ким қанча маош тўлайди.....	103
Паролингизни айтинг.....	104
Хоҳишлар сари.....	105
Қалбдаги севги ўчоги.....	105
Бахтнинг юз чиройи.....	106
Бир туш табири.....	108
Санамай саккиз дейишнинг оқибати.....	109
Раҳматни ким айтиши керак.....	109
Зиёратга кетаётган чумоли.....	110
Гўзал малика гўзал қалб тўридадир.....	112
Қадирланадигон қадр.....	113
Оила номли шох асар.....	114
Психалогик тестлар	
Нияти ҳолислик.....	116
Она ва бола кит тести.....	118
Сиз учун қадирли инсон.....	119
Сиз инсонси.....	122

Адабий-бадиий нашр

ЗЕБИНИСО АХМЕДОВА

СИЗНИ БАХТЛИ ҚИЛАДИГОН ИНСОН

Психология

Мухаррир
Салима БАДАЛБАЙЕВА

Бадиий мухаррир
Фарангиз САНГИНОВА

Мусаҳҳих
Сайёра МЕЛИҚҮЗИЙЕВА

Саҳифаловчи
Адишер СУЛТОНОВ

Нацриёт лицензияси А1 №182. 08.12.2010. да берилган

Босишига 2018-йил 20.01. да рухсат етилди.

Бичими 84x108 1/32

Босма тобоги 4.0 шартли босма тобоги 6.72

Гарнитура «Times New Roman» Офсет қозоз

Адади 1000 нусха. Буюртма № 15

Бахоси келишилгандан нархда

Чекланган

Унбу махсулот «Ёшлар нигоҳи» Ҳусусий
корхонасининг мулкидир.

«Адабиёт учқунлари» Тошкент шаҳар.

Ўқчи кўчаси 109-үй

«ADAD PLYUS» масъулияти чекланган жамияти

Босмахонасида чоп етилди: 100097

Тошкент Бунёдкор кўчаси 28.